

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент Давлат шарқшунослик институти

# Араб филологиясига кириш

Тошкент - 2002

*Уибу қўлланмада замонавий араб тили ҳақидаги талабалар учун зарур бўлган маълумотлар чуқур илмий асослаб берилган бўлиб, ҳар бир боб охирида тест топшириқлари кўрсатилган.. Араб филологияси ҳақида ўзбек тилида батафсил маълумот берувчи адабиётларнинг йўқлиги туфайли бу қўлланма талабалар учун зарурий манба бўлиб хизмат қиласди.*

**Д. Маматохунова. Араб филологиясига кириш.** Т.: ТошДШИ нашриёти, 2002, 100 б.

---

Муҳаррир: ф.ф.н. **C.A.Рустамова**

Такризчилар: ф.ф.д., проф. **P.Y.Хўжаева**

кат.ўқит. **O. Мусаев**

Тех.муҳаррир: **C.Юсупова**

Техник котиб: **K.Мирзаев**

© Тошкент Давлат шарқшунослик институти, 2002



## Сўз боши

«Араб филологиясига кириш» ўқув қўлланмаси жаҳон андозалари талабларига жавоб бера оладиган бакалавр даражасидаги араб филологларини тайёрлашда 1-курс талабалари учун мўлжалланган бўлиб, филологларни араб тилининг дастлабки асослари билан таништириш, уларнинг билимини кенгайтириш ҳамда чуқурлаштириш учун хизмат қиласди.

Мазкур қўлланмада Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг мувофиқлаштирувчи илмий услубий кенгашида кўриб чиқилган ва нашр этилган «Араб филологиясига кириш» дастурининг барча масалаларини ёритишга ҳаракат қилинди.

Қўлланмани ёзища устозларимиз И.Г.Фатеева, Э.Талабов, А.У.Каримовнинг шу курсни ўқитиши давомида орттирган кўп йиллик тажрибаларидан, қимматли маслаҳатларидан ва курс бўйича нашр қилинган барча қўлланма ва чет эл филолог олимлари томонидан яратилган илмий адабиётлардан фойдаланилди.

Республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг қўпгина араб давлатлари билан ҳар соҳада алоқалар ўрнатилди. Табиийки, бу араб тилини ўрганишни хоҳловчилар учун ўзбек тилида битилган ўқув қўлланма ва дарсликларга эга бўлишга эҳтиёж туғдирди. Шунинг учун бу қўлланмани ёзишга журъат этдик.

Филологияга кириш фани 38 соатга мўлжалланган бўлиб, 22 соат маъзуза, 16 соат амалиёт ва 2 соат рейтинг назорати учундир. Қўлланма беш бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобнинг сўнггида тест саволлари ва мустақил иш учун топшириклар ва адабиётлар рўйхати берилган. Қўлланманинг биринчи бобида филология ҳақида умумий тушунча, жумладан, араб филология-сининг хусусиятлари, уни фан сифатида ўрганишнинг асосий вазифалари, араб маданияти ва унинг халифаликда тутган ўрни ҳақида фикр юритилган. Иккинчи бобда араб тили хом-сом тиллар оиласининг энг ёш тили сифатида ўрганилади. Учинчи боб-қадими араб давлатлари, араб ёзувининг келиб чиқиши, араб адабий тили ва адабиётининг пайдо бўлишида Куръони Каримнинг тутган ўрни ҳақидадир. Тўртинчи бобда замонавий араб адабий тили ва унинг вазифалари масалалари кўтарилади. Бешинчи боб Европа ва Ўзбекистондаги арабшунослик ҳақидадир.

Ушбу қўлланма ўзбек тилида биринчи бор нашр этилаётгани учун унда айrim камчиликлар ва нуқсонлар бўлса, ҳамкасб устозларимизнинг фикр ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қиласми.

Муаллиф

## I боб

Кириш

# Ёшларга миллий ватанпарварлик рушида таълим-тарбия бериш бугунги қуннинг жиддий вазифаларидан шисобланади

Ислом Каримов

Филология грекча сўз бўлиб, «тилга муҳаббат» деган маънони англатади. (грекча *filo* - севувчи, дўст; *logos* - тил, сўз, фикр.) Филология қадимги маданият фанидир. Академик Н.И. Конрад ўзининг «Ғарб ва Шарқ» деган китобида шундай деган: «Филология бир пайтнинг ўзида, яъни антик даврда ҳам ғарбда ва ҳам шарқда дунёга келади»<sup>1</sup>[1]. Бу пайтда ғарбда грек маданиятининг кенг тарқалган даври, яъни эллинизм даври ва шарқда эса, яъни Хитойда хон империяси даври ҳукмронлик қиласи эди. Эллинизм-конкрет тарихий ҳодиса, иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, маданий ҳаётда грек маданияти ва ерлик аҳоли маданиятининг хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган тарихий воқеликдир<sup>2</sup>[2]. Бу даврда грек маданияти аниқроғи тили ва адабиёти А.Макидонский босиб олган мамлакатлар - Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Марказий Осиё, Кичик Осиё, Эрон ва Ҳиндистонгача тарқалди. Грек тили эса алоқа воситаси вазифасини бажарди. Кўпгина кишилар бу воситачи маданиятдан фойдаландилар. Грецияда кўп ўқиган ва адабиёт билан қизиқсан одамларни филолог деб аташган. Биринчи марта Афлотун Суқротни филолог деб атаган. Филологлар антик давр адабиёти ва асарларини тўплай бошлаганлар ва шарҳлаганлар.

Хозирги замонда филология деганда, «Тил ҳамда адабиётни ўрганувчи гуманитар фанлар соҳасидаги тегишли билимлар мажмуасини» тушунамиз. Бундан ташқари «филология» сўзи қуйидаги мазмунда ҳам қўлланади:

Филология - ёзма ёдгорликлар, уларнинг муаллифлари, яратилган вақти, яратилиш шароитини аниқлаш нияти билан қўлланиладиган усуслар мажмуидир.

Филологлар томонидан кўпроқ қадимги ёзувчиларнинг асарлари шарҳланган.

1[1] Конрад Н.И. Запад и Восток. –М., 1972, -С.7.

2[2] Сулаймонова Ф. Ғарб ва Шарқ. –Т., 1998, -Б.161.

Филологиянинг асосий принципларини Сукрот, Арасту ва Афлотун Гречияда ишлаб чиққанлар. Унинг дастлабки вазифаси машхур ёзувчиларнинг асарларини шарҳлаш, уларнинг матн, шакл, услугуб тараққиётини изоҳлашдан иборат эди. Филологлар уйғониш даврида матнларни шарҳлабгина қолмасдан, секин аста танқидий ўргана бошладилар. Матнни танқидий ўрганиш - асл муаллифнинг фикрини билиш ва уни талқин қилишдан иборатдир. Ўрта асрларга келиб антик асарларни тўплаш бошланди. Бу ҳодиса эгзегез деб юритилди. Бунда филологларнинг икки хил вазифалари бор эди. Биринчидан, Таврот матнларини шарҳлаш ва иккинчидан, антик адабиёт матнларини филологик шарҳлаш билан шуғулландилар.

Капитализм тараққиёти билан миллий ажralиш бошланди. Энди филологлар факат ёдгорликларни ўрганибгина қолмай, балки ҳар бир миллатнинг тилини ҳам ўрганишни касб этдилар. Шунинг учун шарқ тилларини ўрганиш бошланди. 1538 йилдан бошлаб турк, эрон ва араб тиллари ўрганилади. Француз олим Г.Постеллус 1538 йилда ёзган «О сродстве языков» деган китобида ўрганилаётган 12 та тил ҳақида ёзган эди. XVIII аср охирида петербурглик рус олим П.С.Палласанинг «Сравнительные словари всех языков и наречий» деган китобида ўрганилаётган 272 тил ҳақида фикр берилган<sup>3</sup>[3]. Бу эса филология фани ривожининг янги даври - ренессанс ҳаракати келиши билан бошланди. Ренессанс - янгиланиш, яъни капитализм тараққиёти ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатнинг маданият билан бағлиқлигидир. Бу даврда филологлар антик асарларни тўплаш ва шарҳлаш ўрнига танқидшунослик билан шуғулландилар.

Филология шундай бир туркум фанки, унда бир бутун фаннинг ёки бир неча халқлар гурухининг тили ва маданияти (ижодиёти) ўрганилади. Халқ тили ва маданияти икки йўналиш бўйича ўрганилади. 1) Оғзаки ижодиёт; 2) Ёзма ижодиёт.

Ёзма ижодиёт қуйидаги фанлар орқали ўрганилади.

- 1) Нумизматика - тангалар ёрдамида тилни ва адабиётни ўрганадиган фан. Тангадаги ёзувлар ва расмлар уларнинг қийматини ва вақтини билдиради. Бу ёзув орқали маълум даврдаги адабиёт ва тилнинг хусуситлари ўрганилади.
- 2) Сфрагистика - муҳрларни, тамғаларни ўрганадиган фан. Ҳужжатлардаги муҳрлар орқали унинг қайси вақтга оидли-ги, бу даврда кимлар яшаган ва қандай тилда ижод этганлик-лари аниқланади.

---

<sup>3</sup>[3] Оранский И.М. Введение в Иранскую филологию. –М., 1960. –С.60.

- 3) Эпиграфика - қаттиқ жисмларга, яни қабр тошларига, мас-жид деворларига ва гор тошларига ёзилган хатни ўргана-диган фандир.
- 4) Палеография - ёзма ижодиётнинг энг асосий тури. Палеографиянынг асосий вазифаси ёзма асарларни худди тарихий манба каби ўрганишdir. У матннинг қандай қофозга қандай сиёҳ билан ёзилганлигини, ким ёзганлигини ўрганади. Палеография – матншунослик - текстология билан биргаликда тарихий фан сифатида филологиянынг асосий фанларидан ҳисобланади.

Умуман олганда, филология учта катта фанни ўз ичига олади.

- 1) Тилшунослик.
- 2) Адабиётшунослик.
- 3) Манбашунослик.

Тилшунослик - лингвистика инсон тилини ўрганадиган мус-тақил фандир. Тил кишилик жамиятида энг муҳим алоқа қуроли бўлиб, у жамият томонидан яратилган. ва унга хизмат қиласи. Тилни ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганиш экстралингвистика деб аталади. Бунда тилнинг табиати ва ижтимоий функцияси, тил ва тафаккур, тилнинг мазмун томонининг нутк фаолияти контекст ва ситуация билан алоқасини ўрганади. Тилни ички системасини ўрганиш интралингвистика деб аталади. Бунда тилнинг бирликлари, категориилари, фонология, лексикалогия ва граматикаси ўрганилади. қиёсий-тарихий тилшунослик эса компаративистика деб аталади. Бунда қариндош тиллар ва турли системалардаги тиллар чоғиштириб ўрганилади<sup>4</sup>[4].

Адабиётшунослик-бадиий адабиёт ҳақидаги фан. Бу фан ба-диий адабиётнинг пайдо бўлиш ва ривожланиш тарихи, тарақ-қиёт жараёнини, ҳозирги ҳолатини, ижтимоий роли ва ўзига хос хусусиятининг назарий масалаларини ўрганиш билан шуғулланади.

Манбашунослик билан матншунослик фани шуғулланади. Матншунослик илмий ёки адабий асарлар тарихини қайта тик-лаш учун шаклдан ҳоли матнни аниқлаш ниятида қўлланила-диган усуллар мажмуидир.

Араб филологияси конкрет фан бўлиб, адабий араб тили, адабиёти ва тарихий манбаларини ўрганади. Араб филологияси тарихнинг ривожланиши билан араб бўлган ва араб бўлмаган олимлар томонидан яратилган араб тили ва адабиёти ҳақидаги илмий билимлар мажмуасини ўрганади. Араб тили хом-сом тиллар оиласининг энг ёши ҳисобланади. Араб тили ва адабиёти

---

4[4] Содиков А., Абдуазизов А., Ирискулов. Тилшуносликка кириш. -Т., 1981, -Б.9.

исломдан аввалги жоҳилия даврга бориб тақалади. VIII-IX асрларда араб грамматикасининг барча категориялари ишлаб чиқилди. Бу эса Куръони Каримнинг нозил бўлиши ва ёзилиши билан бошланди. Неча асрлар давомида ўз даврининг турли соҳаларида битилган илмий, адабий, тарихий асарлар мана шу Куръон тили бўлмиш классик араб тилида ёзилди. Араб давлатининг кенгайиши ва исломнинг тарқалиши билан фатҳ қилинган давлатларда ижод этган олимлар араб тилида ёзиш имкониятига эга бўлдилар. Натижада классик араб тили Яқин ва Ўрта Шарқ, Шимолий Африка ва Пиреней ярим оролларигача бўлган майдонга тарқалди. Классик араб тили мусулмон шарқида давлатлараро халқаро тил сифатида мавқега эга бўлди. XIX асрга келиб янги тарихий шароитларнинг ривожланиши билан классик араб тилининг янги варианти, яъни замонавий араб тили пайдо бўлди<sup>[5]</sup>.

Замонавий араб тили ҳозирда бугунги мустақил бўлган 22 дан ошиқ араб давлатларида давлат тили мақомидадир. Замона-вий араб тилида бошланғич ва ўрта мактаблар, махсус, тўлиқсиз ва олий мактаблар, матбуот, барча давлат ҳужжатлари, радио, телевидение, дипломатия ва бошқа ишлар ёзма ва оғзаки ҳолда олиб борилади. Аммо алоҳида олинган араб мамлакатларида худди жаҳоннинг бошқа мамлакатларидаги каби ўз шевалари бор.

Араб тилшунос олимлари ва жаҳон арабшунос-шевашунос олимлари ҳозирги замон араб шеваларини икки катта гурухга бўладилар.

1. Машриқ араб шевалари. Бу шевалар туркумига Арабистон ярим оролида жойлашган Саудия Арабистони, Яман, Бирлашган Араб Амирликлари, Уммон ҳамда Ироқ, Сурия, Ливан ва бошқа шевалар киради. Бу шевалар ўзларининг фонетик, морфологик, синтактик, лексик ва грамматик жиҳатдан умумийликка эга бўлсалар, иккинчи тарафдан ҳар бир мамлакатдаги шеванинг ўзига хос хусусияти ҳам бор. Масалан: Яман шевасида Тихама вилоятида ئ اىن ئ ҳамзага алмаштириб талаффуз этилади.

أمر ← عمر

Сана вилоятида эса ئ қоф "г" га айлантириб талаффуз этилади:

гал -	قال
гамар -	قر
Ироқ, Яман, Кувайтда:	قلت
гулт -	

---

5[5] Холидов Б.З. Учебник арабского языка. –Т., 1981. –С.8.

Ирока қоғ товуши «ч»га айлантириб талаффуз этилади:

чалб - كلب

2. Араб маврид шевалари: Бу шевалар туркумiga Шимолий ва Шарқий Африкадаги араб давлатларининг шевалари киради: масалан: Миср диалектида қоғ ўрнида ء ҳамза талаффуз қилинади.

ана улт أنا قلت

хува ол هو قال

ج жим ўрнида «г» талаффуз этилади.

Гамил - جميل

Габбар - جبار

ث (са) ўрнида «т» талаффуз этилади.

талат - ثلات

табит - ثابت

ڈ зол ўрнида «д» талаффуз этилади.

даҳаб - ذهب

Араб шеваларининг бундай товуш ўзгаришлари юқори курсларда кенгрок ўрганилади.

### **Араб халифалигида маданият ва араб тилининг тутган ўрни**

Арабларнинг ижтимоий-маданий тараққиёти VII аср бошларида араб қабилаларининг бирлашувига олиб келди. Ислом дини бу бирлашувни мафкуравий жиҳатдан мустаҳкамлади. Ҳамма учун баб-баробар қонунлар, миллатларнинг этник келиб чиқишига қарамай дин олдида ҳамманинг ҳуқуқий тенглиги арабларга катта имкониятлар туғдирди. Расулуллоҳдан кейин Абу Бакр (632-634), Умар (634-644), Усмон (644-656) ва Али (656-660) бирин-кетин халифа бўлдилар. Булар забт этиш, ислом динини тарқатиш сиёсатини давом эттирилар. Араблар Афри-канинг шимолий қисмини, Эрон, Марказий Осиё, Кавказорти ўлкалари, ғарбда Пиреней ярим оролини забт эттилар. Хитой чегераларидан Испаниягача бўлган жойларда халифалик давлатини туздилар. Ислом дин сифатида шаклланган даврда араблар ярим

бадавий элатлардан иборат бўлган халқ эди. Табиийки, улар забт этилган халқлар маданиятини зудликда ўзлаштирилар. «Араб маданияти» деб ном олган маданият халифаликни ташкил этган халқлар маданияти асосида исломга мослаштириб мужассамлаштирилган маданият эди<sup>[6]</sup>. Араб маданияти тарихан олганда икки даврга эга. Улар бир-биридан тубдан шундай фарқланадики, баъзида уларни худди икки хил «араб маданияти» деб тушунишга тўғри келади. Уларнинг бири ёпиқ Арабистон ярим оролида тарихи ва удуми бир бўлган, келиб чиқиши ва тилига нисбатан бир жинсли бўлган жамоалар маданиятидир. Иккинчиси «арабий» деган ном олган маданият VII асрнинг биринчи ўн йиллигида Ғарбий Осиё, Шимолий Африка ва Жанубий Европанинг баъзи вилоятларида дунё аҳамиятига эга бўлган маданият ривожланган. Араб тили эса ҳаракатланиш ва ўзлигини ифодалашда бу маданиятни яратган жамиятнинг асосий воситаси бўлиб келган. Энг муҳими араб тили орқали қадимий араб маданияти ва Ўрта аср араб маданияти орасидаги тушунчалар алмашинуви йўлга кўйилган. Айнан араб тилида кўпгина адабий, илмий ва идеологик асарлар ёзилди. Бу борада биз буюк олим Абу Райхон ал-Берунийнинг қуидаги фикрини эсга оламиз: «Араб тили бутун жаҳондаги илмий асарларнинг ёзилишига асос бўлди. Бу тил ҳар бир тилга ёқимли ҳис- туйғу бахш этди ва уни безади. Араб тилининг гўзаллиги инсоннинг қон томирларида оқа бошлади, гарчи ҳар бир халқ ўз она тилини гўзал ҳисобласа-да»<sup>7[7]</sup>. Ҳозирги замон лингвист олими А.Д.Швайцер шундай дейди: «Тил компонент сифатида маданият таркибига киради. Тил характеристи ҳар қандай маданият таркибига таърифланган бўлиши керак. У маданият қуроли бўлиб, маданиятнинг ҳар хил жабҳаларига тегишли бўлади, аммо шу билан бирга у унинг таркибига кирмаслиги ҳам мумкин»<sup>8[8]</sup>. Араб тили ривожланишида классик араб тили маданиятининг фақатгина устки қатлами бўлиб хизмат қилмай, балки унга ўзига хос хусусиятлар берди, ўзи унинг асосий ташкилотчиси бўлди, шу билан бирга тарихий чегараларни аниқлади ва унинг бирлигини билдириди. Унинг ёрдамида одамлар ўзаро бир-бирларини тушунадилар, бирга ҳаракат қиласидилар, фикрлашадилар ва жамоа тажрибасини билдира-дилар. Маданият ривожида тилнинг учта ҳолатини ўрганиш асосий вазифалардан ҳисобланади, яъни:

1. Тилнинг ички тизими. Унда тилнинг маълум даврдаги ҳола-ти, унинг услуби, ёзилиши ва грамматик ҳолати ўрганилади.
2. Тилнинг тарихий ўзгариш ҳолати ёки ташқи тизими, яъни вақт ўтиши билан тарихий даврлар алмашуви жараённада тилнинг тизими шу даврга мослашган ҳолда ўзгаради.

6[6] Крачковский И.Ю. Сб. Беруни. –М.-Л., 1950. –С.65.

7[7] Современная лингвистика. Теория, проблемы и методы. –М., 1976. –С.21.

8[8] Современная лингвистика. Ўша асар. –С.21.

3. Шахсий бўлмаган лингвистика тарихи. Маълум бир халқ тилига четдан бошқа сўзлар кириб келиб ўзлашади ва ўзиникидек бўлиб кетади<sup>9[9]</sup>.

VII аср бошларида араб истилоси тил жамоаларининг олдинги тил турғунлигига салбий таъсир кўрсатди, анъаналарни ушлаб турган бюрократия ва сифинувчиларнинг ижтимоий қат-ламларини устуворликдан маҳрум этди. Араб тилидан фойда-ланганларга устиворлик таъмин этди. Айнан шу ғолиб тил си-фатида араб тилига халқларнинг иштиёқи янада ошди. Исломга ўтиш билан ҳеч бўлмаганда ибодатларни араб тилида талаффуз этиш мажбуриятлари қўйилган. Исломга кирганларнинг кейинги тақдирни ва ички тарихи, шу жумладан, тиллари мусулмон жа-моаларининг таркибий қисмларига айлана борди. Араб тили бутун халифалик худудларигача тарқалди ва ўз йўлидан қўпгина жонли сўзлашув тилларини сиқиб чиқарди. Натижада, Яқин Шарқ, Шимолий Африка, Жанубий Европанинг баъзи қисмла-рида, Эрон, Кавказорти мамлакатларида ва Ўрта Осиёда линг-виистика сезиларли ўзгарди.

Икки асрдан ортиқ вақт, яъни Марказий давлат бўлган давр ичида юзага келган тил ҳолати баъзи ўлкаларда турғунлик касб этди. У бизнинг кунларгача унча аҳамият касб этмаган ўзга-ришлар билан етиб келди. Илк ислом даврида Арабистон ярим оролида ва араб фатҳларида эса ундан ташқарида ягона араб сўзлашув тили пайдо бўлди. Араб тилининг халифаликда мустаҳкам ўрин тутиб қолишида Уммовийлар халифидан бири бўлган Халиф Абдул Малик (685-705) даври катта аҳамиятга эга. У ўзининг ҳукмронлик даврида давлат ишларидаги ҳужжатларни юритишни араб тилида олиб борган. Бошқа тилларда ёзишни ман этган. Иккинчидан, пул бирлиги йўлга қўйилиб, танга чиқариш ишлари билан шуғулланган. Бу пул бирликлари Византия ва Сосанд Эронидан қолган эди. Янги намунадаги тангаларга эса араб афсоналаридан тасвирлар зарб этилган. Араб тилининг бу икки асосий фаолияти, албатта, унинг давлат тили бўлиб қолишига катта имконият берди. Шу билан бирга халифа Абдул Малик томонидан араб ёзувининг ривожланишига томон қадам қўйилди<sup>10[10]</sup>.

Биз биламизки, VII-VIII асрларда Мовароуннахр ва Хурросонда ҳам араб тили ва араб ёзуви кенг тарқалган эди. Бу борада ушбу ўлкаларда араб тили ва араб ёзуви ўргатиш учун маҳсус мактаблар очилган эди. Академик И.Ю.Крачковский фикрича: «VIII асрнинг биринчи ярмида араб тили бутун Хурросон ва Мовароуннахрда давлат бошқарув тили сифатида ишлатилди ва ундан, ҳаттоқи, ерлик аҳоли ҳам фойдаланди. Масалан: Хоразмлик математик Мусо ал-Хоразмий (780-847), фарғоналий астроном Аҳмад ал-Фарғоний (IX аср), Ўрта Осиёлик философ олим ал-Фаробий (X аср),

9[9] Современная лингвистика. Ўша аср. –С.21.

10[10] Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. –М., 1965. –С.187.

лингвист олим Маҳмуд Кошғарий (XI аср), буюк олимлар ал-Беруний (973-1048) ва Ибн Сино (980-1037) ўз асрларини айнан араб тилида ёзишган. Ўрта асрларда Европада лотин тили халқаро тил ҳисобланганидек, араб тили ҳам Шимолий Африка, Яқин ва Ўрта Шарқда шундай мавқеъга эга эди. Ўрта Осиёда археологик тадқиқотлар натижасида араб ёзувида битилган VIII асрға оид иккита ёзма ёдгорлик топилган:

Биринчиси, қўйнинг курак суютига ёзилган араб ёзуви. Унда фақат араб алифбосидаги ҳарфлар битилган. Иккинчиси эса, қадимги араб ҳужжати бўлиб, суғд шоҳи Деваштичнинг Хурросон ҳокими Амир ал-Жарроҳ ибн Абдуллоҳга ёзилган мактубидир (718-719)11[11].

Классик араб тили ҳақида биз фақат қадимги ёзувлар ва асарлардан эмас, балки филологларнинг ёзувларидан ҳам билиб олсак бўлади. Янги мусулмон даврининг II асли тугашига қадар араб грамматикаси бўйича катта иш тутатилган эди ва у тан олиниб, бизнинг кунларгача етиб келди. Бу асарларда араб тили грамматикаси тўлиқ тартибга солинди ва аниқ суратда ёзилди.

---

11[11] Оранский И.М. Ўша асар. –С.260.

## **Тест саволлари:**

1. Филология ўз ичига қандай фанларни олади?
  - А. Матншунослик, диншунослик, адабиётшунослик.
  - Б. Тилшунослик, матншунослик, диншунослик.
  - С. Адабиётшунослик, матншунослик, тилшунослик.
  - Д. Санъатшунослик, адабиётшунослик, матншунослик.
2. Филология сўзининг грекча таржимасини кўрсатинг.
  - А. "фило" - тил, "логия" - муҳаббат.
  - Б. "фило" - сўз, "логия" - фан.
  - В. "фило" - севаман, "логос" - сўз.
  - Д. "фило" - севги, "логос" - фан.
3. Филология шарқда ва ғарбда қачон пайдо бўлди?
  - А. Аввал шарқда, сўнг ғарбда.
  - Б. Шарқда ва ғарбда бир хил пайтда.
  - С. Аввал ғарбда, сўнг шарқда.
  - Д. Тўғри жавоб йуқ.
4. Эллинизм даври қайси вақт оралигини ўз ичига олади?
  - А. Эр.ав. VII асрдан эр. III асргача.
  - Б. Эр.ав. III асрдан эр. VII асргача.
  - С. Эр.ав. I асрдан эр. VIII асргача.
  - Д. Эр.ав. III асрдан эр. IV асргача.
5. Биринчи марта ким кимни "филолог" деб атаган?
  - А. Суқрот Сибавейҳийни
  - Б. Сибавейҳий ал-Ҳалил ибн Аҳмадни

С. Сукрот Арастуни

Д. Арасту Сукротни

6. Маданиятнинг ривожланишида тилнинг учта ҳолатини ўрга-ниш асосий вазифа ҳисобланган. Биринчисини кўрсатинг:

А. Шахсий бўлмаган лингвистика тарихи

Б. Тилинг ички тузилиши

С. Тилнинг тархий ўзгариш ҳолати

Д. Тўғри жавоб йўқ.

7. Эпиграфика халқ ижодиётининг қандай турига мансуб?

А. Оғзаки ижодиёт тури. Тангалардаги ёзувни ўрганади.

Б. Ёзма ижодиёт тури. Тери, папирус ва дараҳт пўстлоқларидағи ёзувларни ўрганади.

С. Ёзма ижодиёт тури. Каттиқ нарсалар, яъни ғор деворларига, тошларга ёзилган ёзувларни ўрганади.

Д. Оғзаки ижодиёт тури. Муҳрлар, штампларни ўрганади.

8. "Арабий" деб ном олган маданият дунёнинг қайси чеккала-рида юксалди ва қачон?

А. VII асрнинг биринчи 10 йиллигига ёпиқ Арабистон ярим оролида.

Б. VII аср ўрталарида факат Европа мамлакатларида.

С. VII асрнинг охирида Марказий Осиёда.

Д. VII асрнинг биринчи 10 йиллигига Марказий Осиё, Африканинг шимолида ва Жанубий Европанинг баъзи жойларида.

9. VII асрнинг охирида араб тили ривожланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган халифа ким?

А. Ҳорун ар-Рашид

Б. Абдул Малик

С. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад

Д. Ал-Мансур

10. Шарқ тилларини ўрганиш неchanчи йилдан бошланди?

А. 1438

Б. 1535

С. 1538

Д. 1568

**Мустақил иш мавзулари**

1. Араб филологияси-шарқшунослик фани.
2. Араб нахви тарихидан.

## **II боб**

### **Хом-сом тиллари оиласи**

Дунё тилларининг харитасига назар ташланса, тилларнинг ва шеваларнинг ниҳоятда кўплиги ва уларнинг вазифаси ҳам хилма-хиллигига шоҳид бўламиз. Масалан: фақат Ҳиндистонда 720 га яқин тил ва шевалар, Филиппинда 80 га яқин тил ва шевалар мавжуд. Ҳозирги замон тилшунослигининг асосий масалаларидан бири дунё тилларини ўрганиш ва умумлаштириш асосида уларнинг таснифини тузишдан иборатdir. Ҳар қандай илмий тасниф умумий белгилар ва принципларга асосланади.

Тилшуносликда тилларнинг бир неча таснифи мавжуд. Буларнинг энг муҳими қуидагилардир: 1) ареал; 2) типологик; 3) функционал; 4) генеологик.

1. Ареал (жуғрофий) таснифда жаҳон тилларининг харитаси, турли мамлакатларнинг тил томонидан характеристикаси, айрим тиллар қўлланиш доирасининг кенгайиши каби масалалар ўз ифодасини топади.
2. Тилларнинг типологик таснифи тилларнинг грамматик қу-рилишига асосланиб, уларнинг асосий типлари белгиланади.
3. Тилларнинг функционал таснифи қуидаги белгиларга асосланади: тилнинг ўзи тегишли бўлган ҳалқ тарихи билан алоқаси ва тилнинг жамиятдаги вазифаси.
4. Тилларнинг генеологик таснифи тил ҳодисаларини тарихий принцип асосида ўрганиб, тилларнинг қариндошлик муносабатини аниқлайди.

XVII-XVIII асрлар давомида турли тилларни ўрганиш нати-жасида тўпланган маълумотлар уларни бир-бирига қиёслаб ўрга-нишга омил яратди. Буларнинг натижасида қиёсий-тарихий тил-шунослик тикланиб борди. Қиёсий-тарихий методнинг шаклланишига Т. Постеллус (1510-1581), И. Скалигер (1540-1609), Ф. Болл (1791-1861), Я. Гримм. (1785-1863) А.Х. Востоковлар асос сол-дилар. Тилларнинг генеологик таснифига кўра ер юзида 16 хил тил оиласи мавжуд. Масалан: ҳинд-европа тиллари оиласи, хом-сом тиллари оиласи, кавказ тиллари оиласи, туркий тиллар оиласи ва х.к.12[12]

Биз ўрганаётган араб тили хом-сом тиллар оиласининг со-мий тиллар тармоғига тегишлидир. Сомийшунослик шарқшу-нослик тармоғидир. У жуда қизиқарли фан. Унинг предмети Шимолий Африка ва Олд Осиёдаги қадимдан истиқомат қилаёт-ган ҳалқлар тилини ва унга тааллукли фанларни

ўрганади. Не-мис олими А. Шлёцер изланишларига кўра, «Сом» Нух пайғамбарнинг авлодларидан бирининг номи, «Хом» эса бошқа бири-нинг номи деб ифода этилади. Демак, сомий - Сом авлодлари, хомий эса Хом авлодлари тили ва маданиятини ўрганади. Араб тили тарихан бу тил оиласидаги энг ёш тил ҳисобланади. Қа-димги сомий тилида бобилликлар, ашшурийлар, ибрийлар, фи-никийлар, оромийлар ва араблар гаплашганлар. Сомийшунослик фан сифатида 1781 йил Европалик немис олими А. Шлёцер томонидан ўрганила бошланди ва фанга киритилди.

Француз тилшунос олими М. Коэн, немис олими И. Фрид-рих, африкашунос Д.А. Ольдерогг ва сомийшунос И.М. Дъяко-нов шундай хulosага келдиларки, хом-сом тилларининг ўхшаш томонлари бир-бирига жуда яқин. Бу эса хом-сом тиллар оила-сини тузишга ёрдам беради. Охирги пайтларда хом-сом тиллар оиласини географик ўрнига қараб икки ном билан аташ ташаббуси олға сурилди, яъни:

1. Афро-Осиё тиллар оиласи ёки Қизил Денгиз бўйи тиллар оиласи.
2. Афро-Арабий тиллар оиласи.

Аммо хом-сом тиллар оиласи бўлиб қолаверди. Сомийшунос олим И.М.Дъяконов сомий тиллар оиласини беш тармоқча бўлиб, тасниф қилди<sup>13</sup>[13].

1. Миср тармоғи.
  2. Барбар - Ливия тармоғи.
  3. Сом тармоғи.
  4. Чад тармоғи.
  5. Куший тармоғи.
1. Миср тармоғига қадимги Миср тили киради. У бир неча даражага бўлиниб ўрганилади. Қадимгиси эрамиздан аввалги уч мингинчи йилда, янгиси эса эрамизнинг III-XVI асрода мавжуд бўлган. Ҳозир черков тили ҳисобланади. Бу тил қибт тилидир (қибт - християнлар тили ҳисобланади).
  2. Барбар - Ливия тармоғи. Янги замондагиси уч юзга яқин шева ва лаҳжаларга эга. Уларнинг асосийларидан бири томашик тилидир. Бу таворих халқларининг тилидир. Бу тилда арабизмлар деярли йўқ. У Сахрои Кабирда тарқалган. Яна бир тил ташильхит тилидир. Бу тилнинг ҳозирги номи «шильх» бўлиб, Мавританияда тарқалган. Риф тили

---

<sup>13</sup>[13] Семитские языки. –М., 1965. –С.9-13.

Марокашда тарқалган, яна бу тармоққа киравчи халқлар Сенагалдан Мисргача бўлган жой - Сива воҳасида яшайди.

3. Сом тармоғи. Бу тармоқ жуда катта тармоқ ҳисобланади ва олимлар томонидан яхши ўрганилган. Унинг ўзи тўрт гурухга бўлинади.

а) шимолий чет ёки шимолий-шарқий гурух. Унинг қадимги ва ўрта даражаси бор. Бу гурухга аккад тили ва унинг иккита катта шеваси-бобил ва ашшурий шевалари киради;

б) шимолий-марказий ва шимолий-ғарбий гурух. Унинг қадимги, ўрта ва янги даражаси мавжуд. Қадимги даражага хананай, оромий, уғорий тиллари; ўрта даражага қадимги яҳуд тили, финикий ва бир қанча оромий лаҳжалар; янги даражага янги суря шеваси ва Суриядаги оромийлар шеваси киради;

в) жанубий чет ёки жанубий-ғарбий гурух. Бу гурухга жанубий араб тили ва унинг кўп шевалари киради. Қадимгиси ҳақида етарли маълумот йўқ. Ўрта даражаси Собей, Миней, Катабон, Хадрамоут шевалари ва ҳабаш тилининг (Эфиопия) кўп тармоқлари; янги даражасига жанубий араб тили- меҳрий, шаҳрий, соқатра тиллари ва унга яқин бўлган шевалар киради;

г) жанубий-марказий ёки Арабистон тили. Қадимги даражасига қадимги араб тили, ўрта ва янги даражасига классик, замонавий араб тили ва уларнинг барча шевалари киради.

4. Чад тармоғи. Бу тармоқнинг фақатгина янги даражаси мавжуд ва у тўққиз гурухга бўлиб ўрганилади. У деярли юз хил тилни ўз ичига олади. Улар ичida энг асосийси хаос тилидир. Бу тилда асосан Чад, Камерун, Нигерия аҳолиси гаплашадилар.

5. Куший тармоғи. Янги даражадаги тил ҳисобланади. Яъни бу гурухга киравчи барча тиллар ҳозирги шаклдагина мавжуд. Уларнинг ўтмишидан бизларга ҳеч қандай маълумот қолмаган. Бу тармоқ қуидагиларга бўлинади:

1) Шимолий тармоқ - бадавий тили - асосан бу тилда сўзлашувчилар Судан Республикасида яшайди.

2) Шарқий тармоқ - а) саха - афар тили - Эритрияда ва Эфиопиянинг шимолий-шарқий қисмида яшовчи ҳалқлар тили. б) оромо тили - Эфиопиянинг ғарбида, жанубида ва марказида яшовчи аҳоли тили ва Кениянинг шимолий-шарқий аҳолиси тили. в) самоли тили - Самали Респуб-ликаси ва Эфиопиянинг жанубий-шарқий аҳолиси, Шарқий Кения аҳолиси тили.

- 3) Марказий тармоқ - агау тилининг майда шевалари киради. Бу тилда Эфиопиянинг шимолий аҳолиси ва Эритрия аҳо-лиси сўзлашади.
- 4) Ғарбий тармоқ - Ҳабашистоннинг ғарбий чеккаларида яшовчи аҳоли гаплашадиган - каффа, воламо чъара ва гимирига шевалари киради.
- 5) Жанубий тармоқ - ираку ва мбугу тиллари киради. Бу тилда гаплашувчи аҳоли Танган ўлкаларида (Танзанияда) яшайдилар.

### **Хом-сом тиллар оиласининг умумийлиги**

Бу оиласага кирувчи тил ва лаҗжалар жиддий фарқлансада, тилшуносликнинг қиёсий-тариҳий методига асосланиб ўрганилса, уларда ўхшаш умумийлик борлигини кўрамиз. Бу умумий-лик қўйидагиларда яққол кўринади:

#### **1. Фонетик умумийлик:**

- a) барча хом-сом тилларида унлиларнинг чўзиқ ва қисқа кўринишлари мавжуд:

а-а- фатҳа – фатҳа алиф      ۱ ← ۲

и-и- касра – касра йой      ۴ ← ۳

у-у- дамма – дамма вов      ۵ ← ۶

- б) ундошларнинг учлик гуруҳи мавжуд, яъни,

ح خ ه ؛ ث س ص ؛ ذ ز ظ ؛

- в) сўз ҳеч қачон унли товушдан бошланмайди:

Масалан: опа, ука, ака сингари;

- г) шунингдек, қўш ундошли бошланиш ҳам сўзларда учрамайди, масалан: эксковатор, трактор каби.

2. **Лексик умумийлик.** Европалик олим М.Коэннинг кузати-шича, барча тўрт тармоқ учун умумий бўлган уч юзта сўз бор. Тўрт тармоқ учун умумий бўлган бир неча ўзак мавжуд. Улар бир неча ўндан ошмайди. учта тармоқ учун юзта ва иккита тармоқ учун беш юзта умумий сўз ёки ўзак бўлиши мумкин. Биз бу борада сом ва хом тилларда гаплашувчи халқларнинг ажralиши жуда қадим зомонлардан, эрамиздан аввалги VI ва IV минг йилликларда, содир бўлганини унут-маслигимиз керак. Бу даврда хом-сом халқларининг асосий ватани бўлмиш Сахрои Кабирда

қурғоқчилик бошланади. Натижада бу халқлар аввал икки томонга - шимолга ва жа-нубга қараб тарқалади. Шундан сўнг беш тармоқдан иборат хом-сом халқлари Африка қитъасини, Арабистон ярим оро-лини, Олд Осиёни эгаллаб оладилар.

### 3. Морфологик умумийлик:

а) барча хом-сом тиллардаги умумий хусусият ўзакнинг ундош ҳарфдан иборат бўлишидир. Одатда ўзак уч ундошли, тўрт ундошли ва камроқ беш ундошдан иборат бўлади.

Масалан:

كتب، ترجم، سفرجل

б) унлилар баъзан қўшимча ундошлар билан ўзак мазмунини таъкидлаш ёки грамматик категорияни кўрсатиш учун хизмат қиласди.

Масалан:

كاتب، كتب، كتاب، كتبت، أكتب

в) барча хом-сом тилларида ички флексия мавжуд.

Масалан:

طالب، طلاب، طلبة

г) шунингдек суффиксация ҳам мавжуд, бунда сўзларнинг ички қурилиши деярли ўзгармайди.

Масалан:

معلمـة - معلـمات؛ متـكلـم - متـكلـمون

д) барча хом-сом тилларида иккита жинс категорияси мавжуд:

музаккар – مذکـر مـعـانـنـاـس - مؤـنـث

е) барча тилларда исмларнинг грамматик синфи мавжуд.

Масалан: «Б» синфи – йиртқич ҳайвонларнинг номларини билдиради:

айик – دب بۇرى - ذئب تـولـكـى - ثـعلـبـ

«Л» ёки «Р» синфи эса уй ҳайвонлари номларини билдиради.

сигир – بـقـرـاـنـاـقـىـلـىـمـىـلـىـ نـمـلـ

эшак – حـمـارـاـشـىـقـىـلـىـ ئـبـلـاـشـىـلـىـ تـۇـيـاـ

ё) барча хом-сом тилларида, жумладан, араб тилида бутун ва яккалик тушунчаси мавжуд:

битта дарахт - شجرة - شجر - дарахт

битта пиёз - بصلة - بصل - пиёз

Бу илмий тилда «матриархат» дейилади.

### **Араб тили грамматикаси ва лугатини ўрганишда ўз хиссасини қўшган олимлар**

Бизга маълумки, араблар ўзларининг тилларини, унинг бойли-гини, равнақи ва сержилолигини жуда қадрлашади. Араб олимла-ри томонидан араб тили намуналарини йиғиш ва уларни илмий ўрганиш учун жуда катта меҳнат сарф қилинганд. Араблар ўз тил-ларини сақлашни ўзларининг миллий бурчлари деб биладилар.

Классик араб тилининг асоси Қуръони Карим тилидир. Маълумки, исломни қабул қилган араб бўлмаган халқлар уни ўқишида жиддий лугавий камчиликларга йўл қўйишида. Бу жумбок Қуръоннинг ўзини тўғри, хатосиз ўқишини уюштириш вазифаси билан боғланиб кетади. Араб тилшунослиги VII асрнинг иккинчи ярми ва VIII асрнинг биринчи ярмида Басра ва Куфа шаҳарларида пайдо бўлади. Арабларнинг тил ҳақидаги қоидалари нахв деб атала бошлади. Араб нахвининг яратилишида машҳур грамматик олим Абу Убайднинг қуйидаги фикрларини эслаймиз<sup>14[14]</sup>. Ҳазрат Али ибн Абу Толибдан буюк грамматик олим Абул Асвад ад-Дуали араб тилининг нозик томонларини ўрганган эди Лекин бу тўғрида ҳеч нарса ёзиб қолдирмаган. Бир кун эронлик Амир Зиёд ибн Абиха ад-Дуалининг ёнига келиб, Аллоҳнинг китоби бўлмиш Қуръони Каримни ўқишида одамларга ёрдам берадиган бирор бир нарса ёзиш тўғрисида таклиф қиласди. Аввалига ад-Дуали иккиланиб, ҳеч нарса ёзмайди. У шаҳар кезиб юрганда, бир киши «Ат-тавба» сурасининг учинчи

إِنَّ اللَّهَ بْرِيءٌ مِّنَ الْمُشْرِكِينَ وَرَسُولٌ

оятидаги "расулуҳу" сўзини "расулиҳи" деб хато ўқиётганини эшитиб қолди.

Ундан қуйидаги таржима келиб чиқади:

«Дарҳақиқат, Аллоҳ мушриклардан ва ўз элчисидан ҳоли»; аслида эса:

«Дарҳақиқат Аллоҳ ва унинг элчиси мушриклардан ҳоли» бўлиши керак эди.

---

14[14] Звегинцев В.А. История арабского языкознания. –М., 1958. –С.23.

Абул-Асвад буни эшитиб, «Мен шунчаликка борар деб ўй-ламаган эдим» деб, ўзининг тил ҳақидаги қоидалар мажмуасини ёзди<sup>15[15]</sup>. Унинг бу мажмуаси "السُّو..." деб атала бошланади.

Абул-Асвад ад-Дуали (680 ёки 688-718) араб грамматикаси-нинг асосчиси хисобланади. У Басралик жуда буюк олим бўлиб, араб нахвининг равнақига ўз хиссасини қўшди. Грамматикадаги унли товушларни (ҳаракатларни) - (نَقْطَةُ الْعَرَابِ) ва ундошлар-нинг остки ва устки нуқталарини (نَقْطَةُ الْأَعْجَامِ), аниқловчини, боғловчиларни, сўроқ ва ундов гапларни ۵! каби юкламаларни ажратиб чиқди ва грамматик жиҳатдан шарҳлаб берди: Абул Асвад ад-Дуали ҳаракат белгиларини ва Наср ибн Осим нуқталарни ихтиро қилмагунча, улар араб ёзувида мавжуд эмасдилар. Жоҳилиятдаги ёки ҳижрий асрнинг биринчи ярми-даги асарларда ҳарфлар нуқта ва ҳаракат белгилари, шунингдек, товушни қисқа ва узун чўзиш (мадд) аломатларидан холи эди. Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) мактублари ҳам нуқта ва белгиларсиз эди. Усмон Мусхафларида ҳам улар йўқ.

Араб тилшунослигининг ривожига жуда кўп басралик ва куфалик олимлар ўз ҳиссаларини қўшдилар. Булардан Иса ибн Умар ас-Сақафий (766 й.)-грамматик олим, Ҳофизи Куръон, Басра грамматика мактабининг асосчиларидан бири ва машхур олим Сибавейхийнинг устозларидан бўлган. Унинг «الجامع» (Тўплам) ва «المکمل» («الإكمال») ёки «الكتاب» деб аталувчи асарлари араб тилининг грамматик қоидаларини ифодалаб берди.

Ал-Халил ибн Аҳмад (718-791) араб тилшунос олими, филолог Сибавейхийнинг устозларидан бири хисобланади.

У «كتاب العين» китоби билан VIII асрнинг иккинчи ярмида ташкил қилинган луғатчилик мактабига асос солди. У бу китоб-да сўзлар таркибини алифбо асосида эмас, балки фонетик асосда курган эди. У мусиқашунос ва арузшунос олимлардан бўлган. Ал-Халил шеърни мусиқа билан боғлашга уринишлари билан аruz ҳақида рисола яратди. Ўша замон билимдонларининг фик-рича унинг аруздаги кашфиёти илоҳий кашфиёт эди. Унинг грамматик асарлари бизгача етиб келмаган. Шогирди Сибавей-ҳий томонидан унинг маърузалари қайта ишланиб, бир китоб шаклига келтирилган ва «Сибавейхий китоби» деб ном олган. 565 бобдан иборат бўлган «الكتاب» даги грамматик шарҳлар ўзи-нинг мукаммаллиги ва тўлиқлиги билан тенгсиздир. «الكتاب»нинг изчиллигига яна бир далил шуки, ундан кейин ўтган барча грамматик олимлар унга бирорта жиддий янгилик қўша олмадилар. Балки унинг айrim бобларига аниқлик киритиш билан шуғулландилар.

---

15[15] Звегинцев В.А. Ўша асар. –Б.13.

Сибавейхийнинг асли номи Абу Башир Амр ибн Қамбар бўлиб, араб оиласидан чиқкан. Басрада ас-Сақафий ва ал-Ҳалил қўлида таҳсил олган. Боғдодда Ҳорун ар-Рашид саройида ҳам ҳизмат қилган. Қирқ ёшга етганда Эроннинг Шероз шаҳри яқи-нида Байда қишлоғида 796 йили вафот этган. Сибавейхий Басра наҳв мактабининг бош асосчилариданdir. Тилшуносликка оид машҳур рисоласи «الكامل» бўлиб, бунда насрнавислик ва назмдан намуналар бор.

Басралик ал-Мубаррад (898) йил араб шоири, филолог олим. У лексика билан шуғулланган. Унинг «Тилда йигилган сўзлар» (*الجمهورة في اللغة*) номли ва «Сўзларнинг келиб чиқиши» (*كتاب الاشتقاء*) номли китоблари жуда машҳурдир.

Абу Жаъфар Мұхаммад ар-Руасий (805) Куфа грамматика мактабининг асосчиси ҳисобланади. Унинг «كتاب الأفراد والجمع» («Бирлик ва кўплик сон хақидаги китоби») араб грамматика равнақига ўз ҳиссасини қўшди. Муаз ал-Харра ҳам бу соҳада фаолият кўрсатди.

Абу Хасан ибн Хамза ал-Кисаий<sup>16[16]</sup> (805 йил) Куфа грамматик мактабининг энг йирик намоёндаларидан биридир. У кўпроқ ҳалқ тилини ўрганди. Устозлари Муаз ал-Харра ва ар-Руасий-дир. Унинг бир китоби «Халқ тилидаги хатоликлар деб атала-ди». «رسالة في لحن العامة» китобида адабий тил грамматик қоидала-ри, уларнинг лаҳжаларда ўзгариши ҳақида фикр билдиради. Унинг «كتاب الحفاظ» («Хофизлар китоби») дан Куръонни ёдлаган хофизлар фойдалангандар.

VIII асрдан араб лугатчилиги тўрт мактабга бўлиб ўргани-лади. Биринчи мактаб асосчиси ал-Ҳалил ибн Аҳмад «كتاب العين» номли лугатнинг муаллифиdir.

Иккинчи мактаб асосчиси ибн Дурайд (837-933) изоҳли лугат ёзган.

Учинчи мактаб асосчиси Исмоил ал-Жавҳарий (1007 й. вафот этган). У «тилшунослик имоми» деб ном олган. Унинг қирқ минг сўзни ўз ичига олган луғатининг тузилиши сўз охи-ридаги ундошга асосланган. Масалан: جلس сўзини س ҳарфидан қидириш керак. Жавҳарий яшаган давр қофия даври ҳисобланган. Олимлар сўзга шундай чечан эдиларки, оддий жумлаларни ҳам сажъ билан гапирав эдилар.

---

16[16] Семитские языки. –М., 1965. –С.39.

Тўртинчи мактаб асосчиси Абул Қосим ибн Аҳмад ибн Умар аз-Замахшарий бўлган. У йирик тилшунос олим бўлиб, асли хоразмлик, Замахшар қишлоғида туғилган (1075-1144). У 55 та асар ёзган. Уни «جَارُ اللَّهِ» - «Аллоҳнинг қўшниси» деб аташган. Унинг «الْفَائِقُ فِي غَرِيبِ الْحَدِيثِ» асари мавжуд. Бу асар ҳадис илми-да ишлатиладиган камёб сўзлар луғатидир. Бу китоб луғатчилик бўйича Замахшарийнинг биринчи китоби бўлиб, шу асари билан луғатчиликнинг тўртинчи мактабига асос солди. 1945-1948 йилларда бу асарнинг уч жилдли китоби Қоҳирада нашр қилин-ди. Биринчи нашри Ҳайдарободда, яъни Покистонда чоп этилди. Бу китобда биринчи ва иккинчи ундошлар алифбо бўйича тузил-ган. Учинчи ундош эса эътиборга олинмаган. Унинг иккинчи китоби «أَسَاسُ الْبَلَاغَةِ» - «Чиройли гапириш ёки сўзамоллик асослари» деб аталади. Бу луғатда биринчи, иккинчи, учинчи ун-дошлар алифбо тартибида олинган. Ҳозирги луғат китобларимиз шу китоб асосида тузилган. Бу асар балоғат илмига бағиш-ланган. Замахшарийнинг қуидаги асарлари ҳам машхурдир:

«مقدمة الأدب»- тематик луғат.

«الكشاف» - «Очиб ташловчи» асари Қуръон маъноларини бадиий тасвир воситаларида таҳлил қиласиди. Бу асар Қуръоннинг илмий-грамматик ва изоҳли таҳлили юзасидан бажарилган иш ҳисобланади.

«المفصل» - «Батафсил ёзилган» асари билан грамматик олим ҳисобланади.

«الأنموذج» - «Намуна» асари наҳв илмига бағишлиланган. Ўттиз саҳифадан иборат қисқа бу қўлланма 1917 йилгача Ўрта Осиёда араб тили дарслиги вазифасини ўтаган.

Шундай қилиб, араб илмини ривожлантиришда ўзининг ул-кан ҳиссасини қўшган олимлар жуда кўпdir. Улар ўзларининг ўчмас асарлари билан дунё маданиятини бойитдилар. Ҳозирги кунгача уларнинг бу асарларидан кенг фойдаланилмоқда.

***Тест топшириклари:***

1. Ким кимнинг маъruzаларини тўплаб араб нахвига асос солди?
  - А. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад Сибавейҳийнинг маъruzаларини
  - Б. Сибавейҳий ал-Ҳалилнинг маъruzаларини
  - С. Ал-Ҳалил аз-Замахшарийнинг маъruzаларини
  - Д. Сибавейҳий Ҳорун ар-Рашиднинг маъruzаларини
2. Халифаликда қайси даврда луғатчилик мактабларига асос солинди?
  - А. VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларида
  - Б. VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида
  - С. VII асрда
  - Д. VIII асрда
3. Сибавейҳийнинг асарларини кўрсатинг:
  - А. "Одоб"
  - Б. "Ал-муфассал"
  - С. "Ал-кашшоф"
  - Д. "Ал-китаб"
4. "Ал-кашшоф" асари кимнинг қаламига мансуб?
  - А. Сибавейҳий
  - Б. Аз-Замахшарий
  - С. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад
  - Д. Камолиддин ал-Жавҳарий
5. Хом-сом тилларида сўзлашувчи халқларнинг йўналиш тармоқлари нечта?
  - А. 3 та

Б. 5 та

С. 2 та

Д. 6 та

6. Шимолий қисмга қайси тармоқлар киради?

А. Миср, кушит, чад, барбар-ливия

Б. Кушит, чад

С. Миср, сомий, кушит

Д. Миср, барбар-ливия, сомий

7. Жанубий қисмга қайси тармоқлар киради?

А. Кушит, чад

Б. Сомий, кушит, чад

С. Миср, барбар-ливия, сомий

Д. Сомий, миср, чад

8. Хом-сом тиллари оиласини ўрганиш қайси йили ва ким томонидан фанга киритилди?

А. Крамер, 1871

Б. Коэн, 1781

С. Шлёцер, 1781

Д. Фюллер, 1789

9. Сомий тармоғи неча гурухга бўлинади?

А. 2 та

Б. 3 та

С. 4 та

Д. 5 та

10. Чад тармоғига киравчи машҳур ягона тил қайси?

А. Қадимги классик ва ҳозирги араб адабий тили

Б. Чад тили

С. Аккад тили

Д. Хаос тили

11. Хом-сом тилларида қанча аҳоли сўзлашади?

А. 160 млн.

Б. 230 млн.

С. 250 млн.

Д. 200 млн.

### **Мустақил иш мавзулари**

1. Маҳмуд аз-Замахшарий ҳаёти ва ижоди.
2. Араб тили сомий тил тармоғининг энг ёши ҳисобланади.

### **III боб**

#### **Араб тилининг пайдо бўлиши**

#### **Арабларнинг қадимий давлатлари**

**Араб тили шундай бир тилки, биз у тилсиз  
шар<sup>3</sup> маданиятини, гтмишини ва шар<sup>3</sup>  
хал<sup>3</sup>ларининг урф-одатларини меч<sup>3</sup>ачон ва  
меч<sup>3</sup>айси тил воситасида ғргана олмаймиз.**

#### **БМТнинг соби<sup>3</sup> рафбари Бутрус ўолий**

Араб тилининг ватани Қизил денгиз, Ҳинд океани Форс кўр-фазидан тортиб Фрот дарёсигача майдонни эгаллади. Арабис-тон жуда катта ярим орол ҳисобланиб, унинг майдони 3 млн кв кмга teng<sup>17</sup>[17]. Арабларнинг ўзи Арабистонни «جزيره العرب»<sup>17</sup>, яъни «Арабларнинг ороли» деб номлашади. Арабистон ярим ороли-нинг кўп қисмини сахро ва чўллар ташкил этади.

---

17[17] Беляев Е.А. Арабы, ислам и арабский халифат в раннее средневековье. –М., 1965. –С.31.

Иқлими жуда иссиқ, ёмғир кам ёғади. Қадимий араблар ўтроқ ва кўчманчи бўлиб (бадавий) кун кечиришган. Ўтроқ араблар Арабистон ярим оролининг жанубий қисмида яшаганлар. Улар тижорат ва қишлоқ хўжалиги билан шуғулланганлар. Ўтроқ араблар шаҳар-лар, мадрасалар ва улкан қасрлар куришган. Улар Арабистон ярим оролининг жанубий қисмида ва бошқа чеккаларида йирик қадимий араб давлатларини барпо этганлар. Бу давлатлар VII-VIII асртагача Араб халифалиги ташкил топиши билан ўз фаолия-тини тутатган. Уларнинг баъзи бирлари билан таништириб ўтамиз.

1. Химёрийлар давлати. Бу давлатга Туббаа династияси ҳукм-ронлик қилган. Эрамизнинг 525 йилигача бу давлатга Зу-Нувос бошчилик қилган. Бу давлат Арабистоннинг жанубий қисмида жойлашган. Бу давлатнинг пойтахти Сана шаҳри-даги «Ғамдон» қасри бўлган.
2. Лахмийлар давлати. Мунзирийлар династияси ҳукмронлик қилган. Бу давлат Ироқда бўлиб, унинг пойтахти Ҳира шаҳри бўлган. III асрдан бошлаб, то мусулмонлар босиб олган вақтгача ўз ишини олиб борган. Лахмийлар давлати форс шохлари қўл остида бўлган. Лахн ибн Али қабиласи бу давлатда яшаган. Бу давлатни бошқарган энг йирик ҳукмронлардан ан-Нуъмон (403-431 йиллар) катта шухрат қозонган бўлиб, жуда кўп қасрлар, қалъалар қурдирган. Шунингдек, ал-Мунзир III (505-554 йиллар) исмли ҳоким ҳам ўзининг шухрати билан «Моус-само» - «اموی» деган ном олган. Кейинги Амр ибн Ҳинд (554-568 йиллар) деган ҳукмдор эса бу давлатда тил, адабиёт ва маданиятнинг ривожига ўз хиссасини қўшган. У ўзининг саройига бутун Арабистон ярим оролида яшовчи шоирларни таклиф этиб, мушоиралар ўтказган. Голиб чиққанларни рағбатлантирган.
3. Фассонийлар давлати. Бу давлатда Жафн ибн Амр бошчили-гидаги қабила яшаган. Бу давлат Арабистон ярим ороли-нинг шимолий қисми, яъни Сурияда жойлашган бўлиб, сиё-сий жиҳатдан Византия ҳукумронлиги остида эди. Унинг пойтахти Жиллак шаҳри эди. Бу давлатнинг машхур ҳукм-дорларидан бири ал-Харис II (529-669) бўлиб, уни чўлоқ, яъни «العاج» деб аташган. У Ҳира шоҳининг устидан ғалаба қозонган. Бу ҳукмдор ҳам ўз саройида мушоиралар ўтказган.
4. Киндалар давлати. Бу давлат Нажда бўлиб, яъни Суриянинг шимолий қисми ва Ироқнинг шарқий қисмидаги майдонни эгаллайди. Бу давлат 450-540 йил фаолият кўрсатган. Қасида жанрининг асосчиси шоир Имрул Қайс киндалардан бўлиб, бу давлатда маданият, тил ва адабиёт ривожланишига ўз хиссасини қўшган.
5. Наботий давлати. Бу ҳозирги Иордания худудларигача чўзилган бўлиб, унинг пойтахти Петро шаҳри эди. «Петро» лотин тилида «тош» дегани,

яъни бу шаҳар тоғларни ёриб тошлардан қурилган эди. Унинг ҳукмдорларидан бири бўлмиш Раббил II (70-106 й.) зарб қилдирган тангалар жуда кўп миқдорда бизгача етиб келган. Петро эр.авв. III асрдан то эрамизнинг V-IV асригача мустақил давлат ҳисобланган. Бу давлатда яшовчилар арабларнинг миллий ёзуви пайдо бўлишида ўз ҳиссаларини қўшдиларки, бу тил ва ёзув ҳанузгача ўрганилмоқда ва ўзининг буюк илоҳий мавқеини сақлаб келмоқда. Наботийлардан араб алифбосидаги 6 та ҳарф олинган. Наботий ёзуви билан кўчманчи араблар шуғулланганлар. Бу давлат араб халифалиги барпо бўлгунча энг машхур давлат ҳисобланган.

6. Пальмира давлати. Бу давлат Рим империясига қўшни жойда яъни, Суриянинг шарқий қисмида жойлашган. Пойтахти Тадмур шаҳридир. Ҳозирда тарихий ёдгорликлар сифатида сақланиб қолган. Бу давлатларда асосан эр. II-III асрида оромий тилда гаплашувчи қабилалар яшаган. Уларнинг охирги ҳукмдори Зебо исмли аёл бўлган. Ҳозирда ҳам Оромийлар Дамашқдан 30 км. узокдаги Анти-Ливан тоғларида (20-30 мингга яқин) яшайдилар. Оромийлар ёзувидаги 22 ҳарф ва рақамлардан араб алифбосини тузишда фойдаланилган.

## Араб ёзуви тарихи

Бизга маълумки, араб алифбоси ўз-ўзидан яратилмаган. Унинг яратилиш тарихи жуда узун. Қадимги араблар туялар-нинг курак сұякларига, пальма дарахтининг кенг шохларига, силлиқ оқ тошларга, терига, лойга ва Миср папиросига ёзишган. Қадимий Миср ёзуви араб ёзувининг пайдо бўлишида дастлабки манба ҳисобланади.

Қадимий Финикия халқи ва Ливан тоғларида яшовчи халқ-лар асосан тижорат билан шуғулланганлар. Шунинг натижасида улар Миср давлатига тез-тез бориб турадилар. Улар қадимги миср ёзувидан 15 та ҳарфни ўз ўлкаларига олиб келиб, унга шакл жиҳатдан ўзгартириш киритиб, яна бошқа ҳарфлар қўшиб финикий алфвитини тузиб чиқадилар (эр.ав. VII асрдан бошлаб) кейинчалик эса бу хатдан икки гуруҳ ажralиб чиқди:

1. Муснад (химёрийлар ёзуви).
2. Оромий.

Оромий ва муснад ёзуви - Арабистон ярим оролининг жану-бida яшовчи сомий халқининг ёзувидир. Унинг шаҳобчалари эса самудий, сафавий, лахёний ёзувлариidir. Кейинчалик бу ёзувлар тез ривожланиб Арабистон ярим оролининг шимолий қисмига тарқалди.

Бу ёзув эрамизнинг II-III асрларида Суряя, Иордания, Ироқ давлатларигача етиб борди. Эрамизнинг III асри, яъни мелодий 270 йилда наботий ёзуви вужудга келди (эрамизнинг III асридан то V-VI асрларигача). Наботий ёзувидан бир канча ёзувлар - хирий, ҳижозий - тарқалди.

Ҳарфли ёзув шимолий арабларда эрамизнинг IV асрида пай-до бўлди. Оромийлардан 22 ҳарф ва наботийлардан 6 ҳарф олинди. Ҳаммаси бўлиб, 28 та ҳарф вужудга келди. Бу ёзувдан мустақил равишда фойдаландилар. Биринчи араб ёзувида би-тилган ёдгорлик Дамашқнинг жанубий-ғарбидаги «Ан-Нимар» қишлоғидан топилган. Унинг ёзилиш санаси эрамизнинг 328-йилига, қадимий йил тақвими бўйича 223-йилга тўғри келади. У 116 см. X 33 см. қабр тошига ҳаммаси бўлиб беш қатор ўйиб ёзилган хатdir.

Араб адиби ва тарихчиси Журжий Зайдон бу матнни қуйидагича беради: «Бу барча арабларнинг подшоси, тождор, Асад ва Низор қабилалари ва уларнинг подшоларини бўйсундирган, ҳозирги кунгача Мазҳижни енгиб келган, зафар уни Шамарнинг шаҳри Нажрон деворларигача элтган, Маад (қабиласи)ни тобе қилган, ўғилларини қабилаларга (бошлиқ қилиб) қўйган, уларни ўзи ўрнига форслар ва римликларга (вакил қилиб) жўнатган Имруул-Қайс бин Амрнинг қабридир. Мамлакат шухрат ва қудратда ҳеч қачон бугунги даражага етмаган. У 223 йил 7-Кислул куни вафот қилди»<sup>18</sup>[18]. Ушбу ёдгорлик наботий тилида ёзилган бўлиб, ҳозирда Франциядаги Лувр музейида сақланади.

---

18[18] Ўсанов А. Қадимги Арабистон ва ил кислом. Жоҳиляя асри. –Т., 2001. –Б.119.

Биринчи араб ёзувини ёзган киши Зайд ибн Ҳамман ҳисобланади. Қуйида араб ёзувининг пайдо бўлиш тарихи чизма орқали кўрсатилган<sup>19</sup>[19]:

### **Қадимий Миср ёзуви**

I

I

### Финикий ёзуви (эр.ав.VII аср)

I

I

### Муснад (химёрий ёзуви- эр. II-III аср)

I

I

### Самудий, сафовий, лахёний, собей ёзуви

I

I

### Наботий ёзуви (эр. III асли- 270-йил)

I

I

### Хира, хижозий ёзуви

I

I

### Немара (IV аср-328 йил), зайд (512- йил), хирон (568- йил)

### Маъқалий ёзуви

---

<sup>19</sup>[19] Ханна аль-Фахури. История арабской литературы. –М., 1950. –C.26.

# I

## I

### Куфий ёзуви (эр. IV-VII-IX асрлари)

Эрамизнинг VII асридан бошлаб «Хатти маъқалий» ўрнини араб ёзувининг энг қадимииси ва энг машҳури ҳисобланган «Хатти куфий» эгаллади<sup>20[20]</sup>.

Куфа ёзуви - Куфа шаҳри номи билан аталган. Геометрик кў-ринишдаги ёзув. Унинг ҳаракатлари (نقطة الأعراب) ва ундошлар-нинг нуқталари (نقطة الأعجم) бўлмайди. Куръоннинг энг қадимги қўлёзмалари ушбу ёзувда битилган. Усмон Мусхифи деб ном олган Куръоннинг асл нусхалари ушбу куфа ёзувида битилган. Куфа ёзуви X асрга келиб анча сусайди. Бу даврга келиб насх ва сулс ёзувлари анча ривожланди. Куфа ёзуви асосида олти хил ёзув вужудга келди. Булар:

1. Мұҳаққақ - محقق
2. Сулс - ثلث
3. Насх - نسخ
4. Тавқиъ - توقيع
5. Райхоний - ریحانی
6. Риқо - رقاع

ЎзР ФА Абу Райхон Беруний номли Шарқшунослик инсти-тутида IX асрга монанд Қуръон қўлёзмаси сақланиб келмоқда. У қадими (Куфа) ёзувида битилган

Шунингдек, бу институти фондида 2246 рақам остида қўлёз-ма мажмуида сақланмоқда. Унда 30 га яқин асар бор. Уларнинг 274а – 275б варақалари орасида араб ёзуви тарихига бағишилан-ган «Ёзув ва қаламлар ҳақида» (والأقلام) <sup>21[21]</sup>

---

<sup>20[20]</sup> Ўакимжонов М. Хатти муаллими. –Т., 1991. –Б.4.

(في الكتابة) номли рисола бор. Кўлёзма настаълик усулида ёзилган бўлиб, баъзан сўзлар сулсда битилган. Бу рисола ал-Ғарибийнинг асари бўлиб, у Муҳиддин ал-Арабийнинг "في حل المشكلات" асарларига аш-Шайх ал-Маккийнинг фалсафий жавобларидан иборат (1276, 1976 вараклар). Бу рисола 924 йил Туркияниг Одерна шаҳрида ёзилган. Унда шундай жумлалар бор: «энг аввал химёрий деган араб ёзуви пайдо бўлган. Бу ёзувни бир қанча вақт Яман халқи ва унинг исломдан олдин араблашган подшолари ишлатишган. Сўнг бу хат Куфага кўчди. Бу ерда уни Мурод ибн Мурра деган киши тарқатди. Шу тариқа бу хат шу ерда шаклланди ва Куфага нисбатан «куфа хати» деб юритилди». Рисолада куфий хати то уммавийлар салтанати (661-750) давргача ишлатилгани ҳақида фикр юритилади. Шу тариқа бу хат ўзгармай ишлатилиб, адабиётда «Усмон Куръони хати» деб машхур бўлди. Шу билан бирга аббосийлар давлатининг (749-1258) иккинчи юз йиллигигача истеъмолда бўлди. Сўнгра (IX аср) аббосийлар вазири Абу Али Муҳаммад ибн Мукла куфа хатининг ўзгаришига сабабчи бўлди. Ёзиш қийин бўлган куфа хати ҳозирги даврда ишлатиладиган араб хатига кўчирилди.

Араб хати ўнгдан чапга қараб ёзилади. Йигирма икки ҳарф тўрт кўринишли, олтиаси икки кўринишига эга. Алифбо тарки-бидаги ҳамма ҳарфлар ундош товушлардир. Унли товушлар эса ҳаракатлар орқали ифодаланади Алифбо таркибидаги баъзи ундош ҳарфлар кўриниши жиҳатдан бир-бирига ўхшайди, фақатгина нуқталари орқали фарқланади. Булар орасида олтита ундош ҳарф

ا ، ك ، ل ، م ، ه ، و

алоҳида кўринишига эга, Улар бошқа ҳарфларга ўхшамайди ва нуқталари билан фарқланмайди<sup>21</sup>[21].

Араб алифбоси билан мукаммал танишиш араб тили дарсларининг фонетика бўлимида ўрганилади.

## Араб тилининг пайдо бўлиши ва ривожланиш даврлари

«Араб» деган ном маълум бир халқнинг ўзини аташ учун яратилган сўз эмас. Бу ном уларнинг авлодлари сахроларда кўчманчи бўлиб юрганликларидан келиб чиқсан. «Кўчманчи» деган ном кейинчалик бир халқнинг номи бўлиб қолган. “عرب” сўзининг лугавий маъноси: 1) араб; 2) кўчманчи.

21[21] Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. –М., 1961. –С.25.

Араб тили сомий тиллар гуруҳи ичидаги энг ёши ҳисобланади. Биз араб тили ривожланишининг бошланғич даври тўғрисида аниқроқ бир нарса айта олмаймиз. Фақат шуни эслатиб ўтамиз-ки, аввал икки тил мавжуд бўлган ва қолган барча араб лаҳжа-лари (диалектлари) шу тиллар асосида келиб чиққан. Бу тиллар:

1. *Жанубий араблар* - химёрийлар, яъни Яманда яшайдиган қахтан қабиласининг тили. Улар асосан жанубий араб тили-да, яъни сомий тармогининг жанубий чет гуруҳасига ки-рувчи тилда гаплашган.
2. *Шимолий араблар* - мудорийлар, яъни Ҳижозда яшайдиган ад-нон қабиласининг тили. Улар сомий тармогининг жанубий мар-казий гуруҳасига киравчи классик араб тилида гаплашишган.

Ҳижоз, мудорий тили жуда қўп бошқа тилларга қўшилиб, чатишган ҳолда бизгача етиб келган. Биринчи бўлиб бу тилда исломгача бўлган араб адабиёти ва Қуръони Карим ёзилди. Ара-бистон ярим оролининг шимолида яшовчи аднон қабиласи би-лан жанубда яшовчи қахтан қабиласи ўртасида савдо-сотиқ иш-лари бўлиб турар эди. Бундай биргалашиб иш олиб бориш на-тижасида бу икки тил вакиллари ўртасида бир-бирини тушуниш жараёни бўлиб ўтди ва ривожланди. Беш аср мобайнида мудо-рий тили ҳукмронликни қўлга киритди. Мудорий тили жуда бой тилга айланди. Айнан мана шу мудорий тили асосида араб адабий тили пайдо бўлди.

Араб адабий тилининг пайдо бўлишидаги асосий шарт- шароитлар қўйидагилардир:

1. Химёрийлар ва мудорийлар тилининг қўшилиб кетиши.

Қабила лаҳжаларининг бир калимадан, бир ўзакдан чиққан-лигини кўриш мумкин эди. Улар турли лаҳжаларда гаплашсалар ҳам, бир-бирларини тушунар эдилар.

Масалан, фонетик ўзгаришлари:

- а) ўзакларда товушнинг бошқа, яъни ўзакда бўлмаган товуш билан алмашинуви (субституция).

الخباء – الخباء - ўтов, палатка

- б) ўзакда бор бўлган ундошларнинг ўрнини алмаштириш (метотеза).

صاعقة – صاعقة - гумбурлаш

Қабилавий диалектлар билан бир қаторда ноаниқликлар ва бузилишлардан ҳоли бўлган араб адабий тили яратилди. Бу тил илмли одамларнинг тили эди.

У вақтда шоир ва хаттолар (но-тиқлар) илмли кишилар эдилар. Бу тилда барча араб лаҳжала-ридаги энг яхши атамалар, сўзлар олиб қолиниб, қўпоплари таш-лаб юборилди ёки яхшилари билан алмаштирилди. Бу тилнинг кейинги ривожланишида Куръоннинг аҳамияти катта бўлди.

2. Бозорлар. Арабистон ярим оролининг жуда кўп тарафларида катта-катта бозорлар бор эди. Унда кишилар маълум вақтда ўзларининг тижорат ва оиласвий ишлари бўйича тўпланар эдилар. Энг машҳур бозорлардан Указ, Мажанка, Зул – Ма-жаз Макка шахри яқинида жойлашган эди. Указ бозори энг йирик бозор бўлиб, зул - қаъда ойининг (мусулмон тақвими бўйича ўн биринчи ой → ذو القعدة 1-20 кунлари бу ерда машҳур араб кишилари тўпланишар эди. Бу ерда ҳамма тушунадиган ягона араб тилида сўзлашар эдилар. Шоир ва хаттолар ҳамма тушунадиган тилда юксак маҳорат билан гапирав эдиларки, бу тил ҳеч кимда таажжубланиш ҳиссини уйғотмас эди. Указ бозори қурайш қабиласи майдонида жойлашган эди ва у ҳал қилувчи ўринни тутган, десак хато қилмаймиз.
3. Макка шахри. Арабистон ярим оролининг турли томон-ларидан келадиган карвонларнинг тўхташ жойи бўлган.
4. Байтул-ҳарам - بيت الحرم «Кубе» - яъни Каъба. Бу масжид му-сулмонларнинг ҳаж қиладиган муқаддас жойи ҳисобланган ва ҳозирда ҳам шундай. Турли томонлардан мусулмонлар исломнинг бешинчи рукнини, яъни ҳаж амалларини адо этиш учун бу ерга тўпланишарди. Табиийки, қурайш қаби-ласи минтақасига келган араблар уларнинг лаҳжаларида гапиришга ва ибодатни ҳам шу тилда олиб боришга ҳаракат қилардилар. Ибодат давомида эшитган диний кўрсатмалар-ни Арабистон ярим оролининг бошқа томонларига айнан мана шу тил асосида тарқатардилар.

Йирик арабшунос олим К.Броккељман шундай дейди: «Араб поэзиясининг тили ўзининг туганмас грамматик формалари би-лан ажралиб туради ва жумлаларнинг ифодаланиши, фикрлар-нинг аниқлиги жиҳатидан сомий тиллари ичida ривожлангани ҳисобланади. Араб тили лексикаси жуда катта сўз бойлигига эга»<sup>22</sup>[22].

Маълумки, араб тили тарихида учта катта давр ажратиб талқин қилинади.

1. Қадимги араб тили.
2. Классик араб тили.
3. Замонавий араб тили.

---

22[22] Ханна аль-Фахури. История арабской литературы. –М., 1950. –С.26.

Қадимий араб тили. У эрамиздан ав. II-асрдан то эрамизнинг IV асрغا бўлган даврни ўз ичига олади, Унга қадимги Вавилон ва Ашшурия тиллари киради.

Классик араб тили. Эрамизнинг V асрдан то XIX асригача хукмрон тил бўлган.

Замонавий араб тили. У эр. XIX асридан то шу кунгача бўлган тилни ифода этади.

Қадимги араб тилидаги ёзма ёдгорликлар лахён, самуд, са-фавий ёзувларида битилган бўлиб, Арабистон ярим ороли мин-тақасида ва Суриянинг жанубий қисмидан топилган. Улар эра-мизнинг I ва IV асрларига тааллуклидир.

Классик араб тилининг илк даври оғзаки ҳолдаги жоҳилия поэзияси га бориб тақалади. У эрамизнинг VIII аср ва IX асрла-рида араб филологлари томонидан тадқиқ қилинди. Қуръон классик араб тилининг энг ёрқин намунаси саналади. Унинг охирги нусхаси VIII асрнинг иккинчи ярмида нашр қилинди. Классик араб тилининг кейинги даврида, яъни X асрдан то XVI асргача адабий, илмий, тарихий, диний мазмундаги жуда катта асарлар ёзилди.

XIX асрнинг биринчи ўн йиллигигача араб мамлакатлари Усмоний турклари қўл остида эди. Бу пайт тил ва адабиёт соҳа-сида янгиликлар бўлмади. Замонавий араб тили эса классик араб тилининг кейинги ривожланиши маҳсули ҳисобланади.

### **Араб адабий тилининг пайдо бўлишида қадимги араб оғзаки ижодиётининг тутган мавқеи (V-VII асрлар)**

Бизга маълумки, Арабистон ярим оролининг марказий ва ши-молий қисмида яшовчи араблар кўчманчи - бадавий араблардан иборат эди. Улар чорвачилик билан шуғулланганлар. Сувнинг етишмаслиги қабилалар ўртасида қонли тўқнашувга сабаб бўлар эди. Бу тўқнашувлар натижасида кўчманчи араб қабилалари оролнинг чекка томонларига кета бошладилар, Фин империяси, кейинчалик Византия, Эрон бу кўчманчи араб қабилаларини ўзига хизматга чақирди. Уларнинг мақсади ўзининг майдонини кенгайтириш эди. Бу даврда илоҳий қонуниятларни тан олмайди-ган ҳокимият даври бўлиб ўтди. Унга тегишли жоҳилия поэзияси пайдо бўлди, яъни сўз ва иборалар яратишдан иборат бўлган будпарастлик ва мажусийлик даври.

Тахминан V аср охирлари ва VII аср ўрталаригача Шимолий Арабистон ярим оролида оғзаки поэзия ривожланди. У ўзининг жуда бой, ҳайратланарли жанрлари, яъни ўзига хос усуллари билан ажralиб келган поэзия ҳисобланади.

Ўрта аср араб номоёндалари ўзларининг қадимги шоирлари ижодиётини юксак баҳолайдилар. Улар кўчманчи бадавий шоирларнинг асарларини жамлаб, тўпламлар чиқардилар, улар-га тақризлар ёздилар, Қадимги араб шоирининг ижоди оғзаки ҳолда эди. Исломгача бўлган шеърий асарлари кейинчалик ёзма равишда битилди. Ўша пайтда асосан юзлаб шеърларни ёдда сақловчи декламаторлар, яъни ровийлар бўлган. Улар бир-бир-ларига шеърий асарларни оғзаки етказишган. Фақатгина VIII асрнинг ўрталарида бу асарлар ёзила бошлаган.

Қадимги араб шеърияти (поэзияси) усулларидан бири муал-лақа (**معلقة**) ҳисобланади. Муаллақа асосчилари Имрул Қайс, Тарафа, Зухайр, ал-Харис ибн Хиллиза, Амр ибн Кулсум, Антара, Лабид. Уларнинг асарларини VIII асрда равий Хаммад ар-Ровий (772 йил) бир тўплам шаклига келтирди ва бу тўплам «Муаллақат» деб номланди.

Исломгача бўлган араб шеъриятида қасида 50, 100 байтдан иборат тўлиқ бир поэма ҳисобланган, Қитъа 7-10тacha шеърдан иборат. Қитъа алоҳида бўлиши ёки қасиданинг ичида бўлиши мумкин. Араб қасидаси одатда сахрода пиёда ёки туяда кетаёт-ган шоир ҳақида бўлиб, у ўзининг ҳамроҳига бир пайтларда тўхтаб, дам олиб ўтган жойи ва ўтказган кунларини ҳамда бадавий араб қабилалари яшаган масканларни эслаш билан бошланади. Шундан сўнг шоир ўзининг туяси ёки отини мақтайди, сўнг табиатни, тошқинларни ва бошқа ҳодисаларни эслаб ёзади. Шундан сўнг асосий қисмга ўтади. Душманнинг устидан кулади, жангга чақиради, ўзининг, ўз қабиласининг жасоратини, қабила бошлигининг донолигини ва кўрқмаслигини мақтайди. Бу даврда шеърий жанр қасида таркибидан чиқиб кетмаган эди. Фақатгина ҳижо - **هجاء** (сатира, ҳажвия) ва риса - **رسالة** (марҳумни эслаш) мустақил, тугалланган шеърий жанр бўлиб қолди.

Қасида қуйидаги таркибларни ўз ичига олади:

1. Фахр- **فخر** ўзини, қабиласини мақташ бўлиб, қасиданинг асосий қисми ҳисобланади.
2. Мадҳ - **مدح** қисмida шоир қабила бошлигини, ҳукмдорларни ва майда араб подшоларни мақтайди.
3. Васф - **وصف** Арабистоннинг табиатини, яъни саҳроларини, қиздирувчи қуёшни, ёмғирни, ўсимлик ва ҳайвонлар дунёсини мақтайди.
4. Насиб - **نسب** да эса ишқий кечинмаларни куйлади,

5. Ҳикма - حکمة асосан алоҳида байтдан ёки кичкина шеърдан иборат бўлган.

У ахлоқли, одобли кишиларнинг бир-бирига бўлган муносабатларини куйлаган.

Исломгача бўлган даврда шеърият ўзининг ғоявий ва пис-симистик мазмуни жиҳатдан алоҳида ўрин эгаллаган. Уларнинг мазмунни қабилаларнинг ҳаёти, турмуш тарзи, уларнинг ўзаро олиб борган жанглари ҳақида бўлган. Исломгача бўлган даврда араб шеъриятида икки хил йўналиш бор эди ва бу бир аср мобайнида сақланиб келди.

1. Бадавий (кўчманчи) араб шеърияти;
2. Сарой шоирлари шеърияти.

Бадавий араб шоирлари - асосан қабила бошлиқлари билан яқин муносабатда бўлганлар ва улар олиб борган жангларда бирга курашганлар. Бу шоирлар уларнинг мақсад ва манфаатла-рини кўзлаганлар ва бу ҳақда куйлаганлар.

Жоҳилия давридаги шоирлардан бири **аш-Шанфарадир** (VI аср бош. ваф. эт.). У тўғрисида маълумотлар жуда кам. Шоир-нинг шеърларидан шуни аниқлаш мумкинки, у қандайдир бир сабаб билан ўз қабиласини ташлаб, саҳрода ёввойи ҳайвонлар орасида яшаган. Ўз қабиласини ёмон кўрган ва бадавий қаби-лаларга бир неча бор уларни қўрқитиш учун ҳужум қилган. Унинг асарларидан бири – машҳур ломия - «Сахро қўшиқлари» деб аталган<sup>23[23]</sup>. Бу асарда саҳродаги ўзининг якка ҳаёти, очлик, ташналик, совқотиши кечинмаларини, жасоратли ҳаёт тарзини куйлади. У қабила тартибини бузганлиги учун ўзини айблайди. Унинг шеъриятида араб қасидасига хос услублар кам бўлса-да, бор эди. Масалан: байт, тавил вазнини кўллаш, ягона қофияга амал қилиш.

**Тааббата Шарран** (530 йил ваф.эт.) - бу шоир ҳам ўз қаби-ласидан ҳайдалган, саҳрода кун кўрган ва ўз қабиласига ёрдам берган, душман қабилаларига ҳужумни якка ҳолда олиб борган. Шунинг учун унинг шеъриятини «бадавий жасоратининг мад-хияси» деб атайдилар. Қасиданинг ҳамма элементлари бўлмаса-да, бадавийлар ҳаётини яққол тасвирлагани учун унинг ижо-диёти исломгача поэзиянинг намунаси ҳисобланади.

**Ал-Мухалхил** - (VI аср. иккин. яр. ваф. эт.), тағлиб қабила-сидан. Уни отлиқ – сахро рицари деб аташган Унинг акаси Кулейб ўша пайтларда машҳур бўлган. У икки қабиланинг, яъни бакр ва тағлибнинг ҳарбий кўмондони эди. Ўзининг мансабидан фойдаланиб, Бакр қабиласидан Басуса исмли аёлнинг туясини унинг туюлари билан ёнма-ён сув ичаётгани учун

---

23[23] Фильшинский И.М. Арабская классическая литература. –М., 1965. –С.27.

ўлдиради. Шу-нинг натижасида икки қабила ўртасида жанг бўлади ва у қирқ йил давом этади. Бу жанг тарихда «Басуса туяси туфайли чиққан жанг» деб из қолдирди<sup>24[24]</sup>. Бу жанг натижасида учинчи бир томон - қудратли Хира хукмронлигининг аралашуви туфайли ягона бир давлат вужудга келди, у марказий Арабистонда ўз муста-қиллигини тиклаб олди.

Ал-Мухалхил акаси Кулайбнинг ўлимига бағишилаб қасида ёзди. Ўттиз қатордан иборат бўлган бу шеър жуда содда, аммо таъсирчан тилда ёзилган эди.

**Имрул-Қайс** (500 йилда туғилган) хукмрон зодагон оила-сидан чиққан. Унинг отаси асад қабиласининг бошлиғи эди. Кулайб эса унинг тоғаси эди. Бакр ва тағлиб жангига унинг қа-биласи ҳам иштирок этади ва Хира хукмдори Мунзир III то-монидан енгилади. Имрул Қайс ғассонийлар амири ал-Харрис орқали Византия ёрдамида Эрон иттифоқчилари бўлмиш Хира қироллиги билан бўлган урушда қатнашади. Шоир Византияга келаётганда вафот этади.

Араб шеъриятида Имрул Қайсни «қасида яратувчи» деб атайдилар. Унинг қасидаларида қасидага хос ҳамма бадиий жи-ҳатлар ва услублар қўлланган. Унинг «Тўхтанглар йиглаймиз» (*فَا نَبْكِي*) деб аталмиш қасидаси араб поэзиясида жуда катта ўрин тутади. Қасида таркибида классик элементлардан тортиб, араб шеъриятидаги услубларнинг ҳаммасини учратамиз.

Шоирлардан Тарафа, Амр ибн Кулсум, Зухайр, Ал-Хорис ибн Хиллиза, Антара ибн Шаддат, Лабид - (560-661 й). ҳамма-ларининг муаллақалари бор. Булардан Муҳаммад Лабид ха-лифалар орасида яшаган шоир эди. У исломни қабул қилган ва шеъриятдан воз кечган.

Сарой шоирлар шеърияти. VII асрниг иккинчи ярмига келиб ўз қабиласидан ажралиб сахрода якка ўзи яшаб ижод этган, Бадавий араб шоирлари билан бир қаторда бошқа гуруҳ шеъ-рият арбоблари бор эди. Уларнинг шеърияти сарой аҳли ҳаётини куйлар эди.

Уларнинг ижодиёти кўпроқ шаҳар маданияти билан боғлиқ бўлган, Улар араб поэзиясига янги анъаналарни олиб кирдилар. Қасида элементларига янги хусусиятлар қўшиб олиб борилди. Масалан, сарой маддоҳи (паногерист – бирорни хаддан ортиқ мақтовчи) - бадавий шоирдан фарқлидир. У қасидасини бир ниятда ўйлаб гапирадиган сарой аёнлари фойдасига куйлайди-ган, шоҳ томонидан ҳимояланган шоир ҳисобланади. У қасида таркибидаги мадҳ қисмини авжий нуқтага олиб чиқиб куйлайди. Энг йирик номоёндаларидан бири Набиға аз-Зубённи (535-604) - биринчи маддоҳ

---

24[24] Фильшинский И.М. Арабская классическая литература. –М., 1965. –С.29.

ҳисобланади, У Наж вилоятининг шимолий шарқий томонида яшовчи Зубён қабиласининг фарзанди. Унинг ижоди асосан Хира ҳукмдори Амр ибн Ҳинд (569 вофот этган.) ва ундан кейинги Нуъмон ибн ал-Мунзир замонасига тўғри келди. VI аср охирига келиб шимолий Арабистонда сиёсий аҳ-вол мўътадил ҳолатда эди. Қабилалар ўртасидаги жуда кўп тўқнашувлар шоирларга кучли ҳимоячилар кераклигини қўрсат-ди. Ан-Набиға ўз қабиласининг манфаати учун 587 йил Ан-Нуъмонни ташлаб Фассонийлар саройига кетди. Кейинроқ Хира ҳукмронлигига қайтиб келди. Хира қиролларига у ўзининг бир қанча мадхияларини бағишилаган. У сиёсий лирика асосчиси ҳисобланади. Чунки у ўзнинг қасидаларида ўша пайтдаги сиёсий аҳволни куйлар, қабила ҳукмронларининг ишларини мақтаб, ўзаро келишмовчиликларни қўйиб, ўша қиролларнинг паноҳига ўтишни тавсия қилиб даъват қиласади. У яна васф усулининг жуда катта устози эди. Унинг қасидаларидаги энг керакли эле-менти васф ҳисобланар эди. У халқ масалларини ҳам ўз қаси-дасига киргазди. Мадҳ этишда доимо ажойиб ифодалар топиб, оддий тилдан фойдаланди, ишқий қисмини эса жуда нозик ифодалар билан тасвирлади, жасоратни жарангдор сўзлар билан ифодалади. Яна маддоҳлар ичida ал-Аъша (629 йили вафот этган) ва ҳажвиячи ал-Хутейба ( 679 йил вафот этган) ни эс-лаймиз. Ал-Аъша Набиға поэзиясини давом эттиради. Исломгача бўлган давр шеърияти араб адабиётида жуда катта аҳамиятга эга, бунда прозанинг ўрни ҳам катта - мақоллар, ҳикматли сўзлар (афоризм) турли хил йўналишларда ёзилган. Уларнинг қўпчилиги қадимги араб донишманди Луқмон пайғамбар томонидан яратилган. Бу эпик асарлар кейинроқ «Араб кунла-ри» (أيام العرب) деб аталган тўпламга Абу Убайд (728-825) томонидан киритилган. Қадимги араб шеърияти ва прозаси бир неча асрлар давомида оғиздан-оғизга ўтиб келди ва кейинчалик ёзиб олинди. Ўрта асрларнинг охирида халқ романлари унинг асосида яратилди. Араб адабий тилининг вужудга келишида қадимги араб оғзаки ижодининг ўрни чексиздир. Оғзаки ижодиёт шундай улкан чўққига кўтарилилган эдики, унинг таъсирилиз араб тилининг ривожини белгилаб бўлмас эди.

## Қуръон - араб тилида яратилган муқаддас китоб

VII асрга келиб, араб қабилалари жуда катта иқти-содий ва ижтимоий инқи-розга учрадилар. Ярим оролда яшаётган аҳолини бадавий хўжалиги қониктирмай қолди. Сув танқислиги ер ҳай-даш, ердан фойдаланишга заарар етказди. Суғориш шахобчалари кучли қабилалар қўлига ўтди. Бадавийлар ортиқ ҳимояланмай қолди, келишмовчиликлар, қаршиликлар келиб чиқа бошлади, Натижада дехқончиликдан тижоратга ўтиш бошланди. Асосан, Макка шаҳрида тижорат авж олди. Савдо карвонлари Маккадан Яманга, Сурия, Ироқ ва Мисрга қараб йўл олди. Бу савдо кар-вонларига қурайш қабиласининг бошлиқлари бошчилик қилар эдилар. қурайш қабиласи жуда бой қабила ҳисобланган. Унинг ери, маҳсулотлари, қўйлари ва моллари кўп эди. Бу қабиланинг иқтисодий ҳукмронлиги Маккадан ташқари ерларга ёйилган эди. Маккада қурайш қабиласининг муқаддас маскани Каъба бор эди. У ерга Арабистоннинг шимолий ва гарбий чеккалари-даги бадавий араблар ўзларининг қабила бутларини қўйган эди-лар. Шундай қилиб, Макка шаҳри иқтисодий марказгина бўлиб қолмай, балки диний марказ ҳам ҳисобланган. Марказий Ара-бистонда уруғ-қабила тузумининг емирилиши, синфий алоқаларнинг вужудга келиши арафасида қабилаларни бирлаштира-диган мафкура вужудга келди. Бу эса янги дин - Ислом дини эди.

Ислом динини аввал бадавийлар, сўнг шаҳарликлар, араб юришларидан сўнг эса Осиё, Африка, Испаниядан тортиб Ҳин-дистонгача бўлган давлатлардаги халқлар қабул қилдилар. Ис-лом динининг тарғиботчиси маккалик Мұхаммад Мустафо (с.а.в) эдилар. Улар қурайш қабиласидаги ҳошимий авлодига мансуб бўлиб, оталари Абдуллоҳ майда кичик тижоратчи бўлиб, эрта ўлиб кетган, оналари Омина Мұхаммад (с.а.в.) беш ёшга кирганларида вафот этганлар. Олти ёшларида тоғалари Абу То-либ қўлида тарбияландилар, мол боқиши билан шуғулландилар, Мұхаммад (с.а.в.) ўсиб вояга етганларида савдо карвонлари билан йўлга чиқадилар ва шу иш билан шуғулланадилар. Бой тижоратчи аёл Хадича онамиз қўлларида ишлайдилар. Улар бир неча йил тижорат билан шуғулланганларидан сўнг ёшлари 25 га етганда шу аёлга уйланадилар. Қирқ ёшга етганларида ислом динининг асосчиси Аллоҳ билан умматлар ўртасида элчи - расул - ﷺ сифатида тарихда қоладилар.

Маккада Мұхаммад(с.а.в.)га қаршилик кўрсатувчилар жуда кўп бўлиб, исломни қабул қилганларни ўлдирар эдилар. Чунки, ўзларининг амакилар Абу Жаҳл ўз аёли билан Каъбадаги бутларга сиғинар эдилар. Мұхаммад (с.а.в.) эса ислом дини билан унинг ҳукмронлигига қарши чиққан эдилар. Мұхаммад (с.а.в.) ўз саҳобалари - мухожирлар билан Маккани тарк этиб, 622 йилда Мадина шаҳрига йўл олдилар. 622 йилдан мусулмонларнинг ҳижрий

йили бошланган. Мадинада Исломни қувонч билан кутиб олдилар. Авс ва Хазраж қабиласи уларни қўллади. Мадинада ансорлар (ёрдамчилар) қўлларига қурол олиб, Арабистон яrim оролида Ислом ғалабаси учун курашдилар. Кейинчалик Макка аҳолиси ҳам таслим бўлди. Каъба мусулмонлар зиёратгоҳига айланди. Бутлар синдирилди ва ягона Аллоҳ инсонларнинг паноҳи эканлиги, яратгувчиси, ризқ бергувчиси эканлиги ва Мухаммад (с.а.в.) эса унинг расули эканлиги бутун Арабистон яrim оролида тан олинди.

630 йилга келиб, бутун араблар Мухаммад (с.а.в) ҳукмрон-лигини тан олдилар (Исломгача Арабистон яrim оролида насроний ва яхудий динлари мавжуд эди).

Куръоннинг ёзилиши фақатгина пайғамбар Мухаммаднинг (с.а.в.) вафотларидан сўнг бошланди. Чунки улар ҳаёт эканлар, Аллоҳ томонидан ваҳий албатта келиши мумкин, деб ўйлаган-лар. VII асрнинг ўрталарига келиб, Абу Бакр (632-634) ва Умар (634-644) халифалиги пайтида ровийларни тўплаб, Куръоннинг ёзилиши пайғамбар саҳобаларидан бири бўлмиш Зийд ибн Собитга топширилди. Халифа Усмон (644-655) Куръоннинг тўла матнини тузишни буюрди.

Куръоннинг олтита нусхаси – Маккий, Шомий, Басрий, Ку-фий, Мадина аҳли учун умумий бўлган Маданий ва халифанинг ўzlари учун хос бўлган маданий Мусҳафлардир (*مصحف*). Охиргисини ҳазрати Усмон (р.а.) ўzlари учун олиб қолганлар маданий Мусҳафлардир<sup>25</sup>[25].

Куръон «ўқиши» деган маънони билдиради. Куръон 114 сура-дан иборат. Очиқ-ойдин, мантиқан тугалланган фикрни Муҳам-мад (с.а.в) сура деб атаганлар. Ҳар бир сура миқдори ҳар хил бўлган оятлардан иборат.

Энг узун сура 2- сурадир, Бу 286 оятдан иборат «Бақара сураси» (*سورة البقرة*) дир.

Энг қисқа сура 103, 108, 110 суралар уч оятдан иборат. Бу-лар: «Ан-Наср сураси» - «النَّصْرُ سُورَةٌ مِّنْ سُورَاتِ الرَّحْمَنِ»; «Ал-Кавсар сураси» - «الْكَوْثَرُ سُورَةٌ مِّنْ سُورَاتِ الرَّحْمَنِ»; «Ал-Аср сураси» - «الْأَشْرَقُ سُورَةٌ مِّنْ سُورَاتِ الرَّحْمَنِ».

## Куръони Каримнинг номлари

1. «Ўқиши» – *القرآن*;
2. «Ҳақ билан ноҳақликни аниқлаб берувчи»;

---

25[25] Шайх Исмоил Маҳдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. –Т., 1995. –Б.28.

3. «Хужжат» – البرهان;
4. «Ёд этиш» – الذكر;
5. «Китоб» – الكتاب;
6. «Хақиқат» – الحق;
7. «Нур» – النور;
8. «Аллоҳнинг пайғамбарларга бевосита ва билвосита ўз кўрсатмаларини юбориш ваҳийдир»;
9. «Нозил қилинган нарса» – التزيل;
10. «Хидоят» – الهدى;
11. «Саҳифаланган китоб» – المصحف;
12. «Аллоҳнинг каломи»<sup>26[26]</sup> – کلام الله.

Қуръон суралари икки турга бўлинади: Макка суралари ва Мадина суралари. Макка суралари 622 йилгача, Мадина сурала-ри эса 622 йилдан кейин нозил бўлган суралардир. Сураларнинг нозил бўлишига ҳар хил тарихий шароитлар сабаб бўлган, Чун-ки Аллоҳ ҳар нарсани кўргувчи ва билгувчидир, шундай ша-роитларни кўра туриб Мұхаммадга (с.а.в) йўл йўриқ кўрсатиш, унинг пайғамбар эканини исботлаш фақатгина Аллоҳга хосдир. Қуръонни ўқиб ўрганар эканмиз, яратганимизнинг янада буюклигига, қудратли эканлигига, ўзининг тўқсон тўққиз исмига лойик эканлигига яна бир бор иймон келтирамиз.

Қуръон араб адабиётининг барча даврларига ўзининг улкан таъсирини кўрсатди. Фақатгина мусулмон динидаги битикларда эмас, балки бошқа мазмундаги шеърларда ва асарларда адиллар Қуръондан иқтибослар келтирдилар. Қуръоннинг яратилиши ягона араб тили яратишдаги қонун қоидаларни мустаҳкамлашда жуда кўп асрлар мобайнида катта ўрин эгаллади.

Мұхаммад пайғамбаримизнинг (с.а.в) ҳаётлари ва қилган ишлари тўғрисида ёзилган асар ҳадис деб аталади.

---

<sup>26[26]</sup> Абдулазиз Мансур. Қуръони Карим. –Т., 2001. -Б.614.

VII асрнинг ўрталарига келиб ислом дини қабул қилиниши билан ва Куръоннинг ёзилиши туфайли шеърият ва насрга янги мавзу кириб келди. Бу диний мадхиялардир. Аммо аввалги қасидаларнинг кўп жанрли композицияси сақланиб қолди. Бу қасидаларда маддоҳлар ислом динини Мухаммадни (с.а.в) мақтадилар, Ислом душманларини қораладилар. Маддоҳлардан энг машҳури Каъаб ибн Зухайр (662 йил ваф. эт.). У исломгача бўлган шоир Зухайрнинг ўғли эди. У аввал ислом динига қарши асарлар ёзди. Лекин ислом ғалабаси билан у ҳам динни қабул қилди ва «ал-Бурда» деб номланган қасидасини ёзди. Пайғамбар (с.а.в.) бу қасида учун унга ўз бурдалари, яъни устки кийимларини совга қилдилар.

Яна ислом динига мадҳлар бағищлаганлардан бири шоир Ҳасан ибн Собит (563-674)дир, у аввал Ғассонийлар саройида сарой маддоҳи бўлиб ишлайди. Айни шу пайтда у ғассонийлар душмани Хира амирини ҳам куйлади. Исломни қабул қилгач, ислом маддоҳи бўлиб Мухаммадни (с.а.в.) ва уларнинг динини мақтайди.

Иброҳим уммати қайси миллатга, қайси мазҳабга мансуб-лигидан қатъий назар, келажак олдида, Аллоҳ олдида барча одамлар баб-баробардир. Тирикликнинг энг олий таффаккурига ва мақсадига бўлган эътиқодни инсон ўз динида топади, шу би-лан ахлоқ ва маданий ижоднинг тамал тошини қўя олади. «Ҳар қандай диннинг моҳияти шундан иборатки, у ҳаётга ўлим ҳам барбод эта олмайдиган тафаккур бағишлийди» (Лев Толстой).

Ислом дини одамзодга жамики мавжудотга нисбатан буюк муҳаббат билан қараш жоизлигини қайта-қайта эслатади. Ислом деб аталмиш жуда қадимги инсонпарвар таълимот айнан шундай йўлни шаръий, яъни қонуний деб буюрган. Муққаддас китоб мусулмон қавмидаги барча халқларнинг ҳаёт тарзини бир ипга тизиб, тартибга солиб қўяди. Уни фақат диний йўналиш билан ва бу йўлга солиш билангина чегараланиб қолмасдан, балки ижтимоий, сиёсий, маънавий, ахлоқий ва оиласвий-маиший жиҳатдан ҳам баркамол даражага кўтаради<sup>27</sup>[27].

Жаҳон маданиятининг энг нодир ёдгорлиги ҳисобланмиш Куръони Карим билан танишиш Россияда XVIII асрда подшо Пётр I ташаббуси билан бошланиб, ўша даврнинг маданиятли арбобларидан бири Посников томонидан тайёрланган русча таржимаси 1716 йилда нашр этилган. 1787 йил Петербургда (Россияда) илк бор Куръоннинг арабча матни нашр этилди. 1798 йилга келиб Екатерина II топшириғига биноан беш марта нашрдан чиқарилди. Кейинчалик академик И.Ю.Крачковский Куръонни рус тилига таржима қилган.

---

27[27] Иброҳимов Н. Муққаддас китоблар. // Шарқ машъали. 1992, №2. –Б.1.

1935 йил Қоҳира журналларининг бирида Миср ёзувчisi Маҳмуд Таймурнинг Крачковскийга бағишлиланган мақоласи чоп этилди: «Мен унга ўзимнинг самимий саломимни йўллайман, унга бутун араб дунёсининг дўстлик ва миннатдорчилик туйғусини изҳор этиш билан баҳтиёрман»<sup>28</sup>[28]. Илгор фикрли кишилар Қуръоннинг моҳиятини ўрганиш учун бир неча асрлар муқаддам киришганлар.

Қуръони Карим қадимда насроний динидаги халқлар диққатини ҳам ўзига жалб қилган. Чунончи, у 1698 йили лотин тилига; 1770-1828 йиллар орасида саккиз марта француз тилига; 1734-1826 йилларда ўн марта инглиз тилига; 1946 йили немис тилига; 1716, 1790, 1792, 1864, 1907 ва 1963 йилларда олти марта рус тилига таржима қилинган. Шуниси диққатга сазовор-ки, Қуръони Карим буюк рус шоири А.С. Пушкиннинг ҳам эътиборини тортган. Шоир «Қуръондан иқтибос» деган шеърий асар яратган. Бунда у сура ва оятларни мутолаа қилиб, унинг мазмунини шеърий йўлда ифода этишни, ўзига асосий мақсад қилиб қўйган<sup>29</sup>[29].

1990-1991 йиллар ўзбек халқи ҳаётида моддий жиҳатдан анча қийин кечган бўлса-да, маънавият жиҳатидан жуда баркамол бўлди. Қуръони карим имом Оловиддин Мансур томонидан замонавий ўзбек тилига ўгирилди.

Юртимиизда бебаҳо адабий меросимизни ўрганиш ва ундан халқимизни баҳраманд қилишдек хайрли ишларга эътибор бе-рилмоқда. Қуръони Карим маъноларини ўзбек тилига таржима қилиш анъанасининг давом этаётгани сўзимиз далилидир. 2001 йилда исломшунос олим Абдулазиз Мансур томонидан амалга оширилган Қуръони Карим таржимаси ўзига хос хусусиятлари Билан олдинги таржималардан фарқ қиласи. Қуръони Каримни ўқиб ўрганиш ва унга амал қилиш ҳар биримизнинг Ҳолиқ Аллоҳ олдидаги инсоний бурчимиздир.

Т. Нельдек номли машҳур ғарб арабшунос олими Қуръон-нинг хронологик тартибини топишга уринган. Унга мувофиқ «Қуръон» суралари тўрт даврга бўлиниб тасниф қилинади. Шундан учта давр Маккага, биттаси Мадинага тўғри келади. I – Эхсонтология даври, яъни исломгача даъват даври. Бунда илоҳият ғояси, ҳаққу субҳонаҳу таолодан келган ваҳий кабилар ҳақида гап кетади. Қиёмат-қойим, ўликларнинг тирилиши, нари-ги дунё сўроқлари ҳақидаги фикрлар киритилади. Дўзах, аросат азоблари - дўзах билан жаннат ўртасидаги жой, у ерга тушган одамлар жаннатни кўриб, қани энди мен ҳам бу лаззатлардан фойдалансам деб шундай жойларга кира олмагани тўғрисида афсус-надоматларга борса, дўзахни кўриб, яъни азобланганлар-ни кўриб, бундай

28[28] Иброҳимов Н. Муқаддас китоблар. // Шарқ машъали. 1992, №2. –Б.1.

29[29] Шарқ юлдузи. –Т., 1991. №1.

жойларга тушмаганлигига суюниш ҳолатлари жўшиб сўзланади. II давр - Раҳмон даврига анча сокин суралар, тангри инояти ҳақидаги ундовлар киради. Бу даврда савол - жавоблар, дўзах азобидан қўрқиш иккинчи ўринга ўтиб, унинг ўрнига тангрининг саҳовати ва кечирувчанлиги ҳақида гап кетади. III давр - Пайғамбарлик даври - бунда пайғамбарлик даъ-воси, унинг сўнгги асосий пайғамбар, элчи эканлиги тушунтири-лади. Одамларга умумий мурожаат ҳақидаги гаплар уқтирилади, қабул қилмаганлари маълум даражада қўрқитилади. IV давр - Мадина даври. Бу суралар ҳижратдан кейинги, яъни 622-623 йилдан кейин нозил бўлган суралар ҳисобланади. Бу суралар ҳа-қида И.Ю. Крачковский шундай дейди: «Сиёсий давлат бошли-ғи ва ҳарбий арбоб Муҳаммаднинг иш кундалиги»дир. Уларда Муҳаммад (с.а.в.) катта давлатнинг бошлиғи сифатида намоён бўладилар. Улар жуда кўп юридик кўрсатмалар, жумладан, меъ-рос, ҳаж қилиш, намоз ўқиш тартиблари, рўза тартиблари ҳақи-да ва бошқа кўрсатмалар берадилар. Бир томондан мусулмон-лар, иккинchi томондан яхудийлар ва насронийлар ўртасига аниқ чегара қўйилади. Мунофиқлар тоифасига ишора қилинади. Суралар кўпроқ насрый шакл олган.

### **Тест топшириқлари:**

1. "Сахро рицари" унвонига ким сазовор бўлган. У қайси шеъриятнинг вакили эди, асарининг номи қандай"?
  - A. Бадавий араб шеъриятининг вакили ал-Муҳаллил. "Басус туяси туфайли содир бўлган жанг" асари.
  - B. Бадавий араб шеъриятининг вакили аш-Шанфара "Сахро қўшиқлари" номли ломия.
  - C. Сарой шеърияти вакили ал-Хутайъа.
  - D. Бадавий араб шеъриятининг вакили Имрул Қайс "Келинг-лар, йиглайлик" (فَقَا بِكُي) асари.
2. Қасиданинг кульминацион қисми қайси қисм ва унда шоир нималарни ёзди?
  - A. Мадҳ қисми. Бунда шоир қабила бошликлари, саркарда-ларни мадҳ этади.
  - B. Фаҳр қисми. Бунда шоир ўзини, уруғини, оиласини мақ-тайди.
  - C. Васф қисми. Бунда шоир табиат манзараларини, сахро ҳаёти, ҳайвонот оламини мақтайди.
  - D. Ҳикма қисми. Бунда шоир инсонларнинг одоб-аҳлоқи ҳа-қида ўз фикрларини билдиради.
3. Ким Қуръонни хронологик ўрганиб тўртта даврга бўлди? Ушбу даврлар тартиб бўйича ёзилган қаторни кўрсатинг.
  - A. Немис олими Нельдек. 1-Мадина даври, 2-Пайғамбарлик даври, 3-Эхсонтологик давр, 4-Раҳмон даври.
  - B. Немис олими Нельдек. 1-Эхсонтология, 2-Раҳмон, 3-Пай-ғамбарлик, 4-Мадина.
  - C. Рус олими Крачковский. 1-Раҳмон, 2-Пайғамбарлик, 3-Эх-сонтологик, 4-Мадина.
  - D. Барча жавоблар тўғри.
4. Классик ва замонавий араб адабий тили хом-сом тилларининг қайси тармоғи ва қайси гуруҳига киради?

- A. Кушит тармоғининг марказий гуруҳига.
- B. Сомий тармоғининг жанубий чет ёки жанубий-ғарбий гу-руҳига.
- C. Кушит тармоғининг шимолий чет ёки шимолий-шарқий гуруҳига.
- D. Сомий тармоғининг жанубий чет ёки жанубий-марказий гуруҳига

5. Араб ёзуви қачон пайдо бўлган?

- A. Эрамизнинг I асрида.
- B. Эрамизнинг X асрида.
- C. Эрамизнинг IV асрида.
- D. Эрамизнинг V асрида.

6. Қуръон сураларини неча даврга бўламиз?

- A. 5 та
- B. 4 та
- C. 3 та
- D. 2 та

7. Араб тили тарихан неча катта даврга бўлинади?

- A. 2 та
- B. 3 та
- C. 4 та
- D. 5 та

8. Араб ёзуви қачон, кимлар таъсири остида пайдо бўлган?

- A. Эрамиздан аввалги V асрда шимолда яшовчи араблар таъсирида.
- B. Эрамиздан аввалги III асрда жанубда яшовчи араблар таъсирида
- C. Эрамизнинг IV асрида шимолда яшовчи араблар таъсирида
- D. Эрамизнинг IV асрида жанубда яшовчи араблар таъсирида.

9. Араб ёзувининг дастлабки намунаси ҳозир қаерда сақланмоқда?
- A. Францияда
  - B. Англияда
  - C. Мисрда
  - D. Саудия Арабистонида
10. IX асрда Куфа хатини насх хати билан алмаштиришга фармон берган вазир ким?
- A. Мухамад ибн Муқла.
  - B. Амр ибн Кулсум.
  - C. Ал-харис ибн Хиллиза
  - D. Имрул Қайс.
11. Нечта катта Мусҳаф яратилган?
- A. 2 та
  - B. 4 та
  - C. 7 та
  - D. 3 та
12. Калмаков Қуръонни инглизчадан русчага қачон таржима қилган?
- A. 1716 й
  - B. 1772 й
  - C. 1798 й.
  - D. 1780 й.
13. Химёрийлар давлати эр.нинг неchanчи йилигача ҳукмронлик қилди ва бу давлатда қайси сулола ҳукмрон эди?
- A. Эрамизнинг 625 йилигача. мунзирийлар сулоласи.
  - B. Эрамизнинг 586 йилигача. Тубба сулоласи.

С. Эрамизнинг 525 йилигача. Тубба сулоласи.

Д. Эрамизнинг 500 йилигача. Мунзирийлар сулоласи.

14. Қуръони Карим ким томонидан ўзбекчага таржима қилинди?

А. Аловиддин Мансур.

В. Ҳасан Басрий.

С. Абул Али ар-Риёҳий

Д. Алихон Тўра Соғуний

15. Биринчи араб ёзувини ёзган киши ким?

А. Зайб ибн Хаммон.

В. Абул Асвад ад-Дувалий

С. Хажжож ибн Юсуф

Д. Наср ибн Осим.

16. 1878 йилда ким Қуръони Каримни русчага таржима қилди?

А. Саблюков.

В. Богословский.

С. Калмаков

Д. Крачковский.

17. Араб шеъриятида арузнинг нечта вазни мавжуд?

А. 16 та

В. 15 та

С. 12 та.

Д. 10 та.

*Мустақил иш вазифалари:*

1. Арабистон Ярим оролидаги араб қабилалари ва давлатлари.
2. Араб тилининг ривожланиш даврлари.

## **IV боб**

### **Замонавий араб тили**

#### **Ҳозирги замон араб адабий тили ва унинг вазифалари**

Замонавий араб тили ҳозирги пайтда йигирма иккитадан ошиқ араб давлатларида давлат тили ҳисобланади. Бундан таш-қари Исройл давлатининг араб аҳолиси, Бахрейн, Эфиопия, Са-малидаги халқлар, Америка, Эрон ва Ўрта Осиёлик араблар бу тилда гаплашади. Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон ва Индо-незия давлатларининг мусулмон аҳолиси ҳам бу тилни яхши билишади. Замонавий араб тили классик араб тилининг ривож-ланиши натижасида пайдо бўлди. Замонавий араб тили XIX асрнинг иккинчи ярмида миллий озодлик ҳаракатлари вақтида юзага келди. XIX аср охири XX аср бошларида яшаб, ижод эт-ган йирик ёзувчилар, шоирлар, журналистлар замонавий араб тилини яратишда ўзларининг катта хиссаларини қўшдилар. Бу-лар мисрлик Аҳмад Шавқий, Ҳофиз Иброҳим, Абдуллоҳ Нодим, Мустафо Комил, Журжи Зайдон, ливанлик Насиф ал-Язижий, Бутрус ал-Бустоний, Аҳмад Форис аш-Шидяқ, Амин ар-Райҳо-ний, суриялик адаб Исҳоқ Абдураҳмон ал-Кавокиби, ироқлик Абу Тамма аш-Широзий, Маҳди ал-Холис ва бошқалардир<sup>30</sup>[30].

Ҳозирги вақтда араб тилининг истеъмолда мавжуд бўлган 4 та шакли бор:

1. Классик араб тили
2. Замонавий араб тили
3. Кундалик сўзлашув тили
4. Лажжалар (диалектлар)

Араб адабий тили классик араб тили билан замонавий араб тилини ўз ичига олади. Классик ва ҳозирги адабий тил ҳар хил тушунчалардир, уларни фарқлаш керак<sup>31</sup>[31].

1. Классик араб тили араб маданий меросининг тарихий ти-лидир, яъни қадимги араб шеърияти, қаҳрамонлик қасида-лари мана шу тилда ёзилган. Шу билан бирга у «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси шариф» тилидир. Ҳозирда классик тил диний мавзулардаги радио ва талевидение эшиитиришла-рида, диний олийгоҳларда, масалан, Мисрдаги «Ал-Азҳар»

30[30] Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. –М., -1961. –С.8-9.

31[31] Швайцер А.Д. Социальная дифференциация английского языка. –М., -1983. –С.22.

университети устозларининг маъruzаларида ва бошқа му-сулмон марказларида ишлатилади. Бу тилда мукаммал грам-матик кўринишга эга бўлган, кенг лексик таркибли, жоҳилия даври назми ва қадимий қабилалар лаҳжаларининг нодир ху-сусиятларини ўзида умумлаштирган бой тилни кўрамиз. Классик тил ҳозирги замон араб адабий тилининг шаклла-ниши учун замин бўлди. Қадимги араб тили ниҳоятда бар-қарордир. Замонавий ўкувчи тегишли тайёргарлик билан бир неча йиллар олдин ёзилган асарларни ўқиши ва тушуниши мумкин.

2. Ҳозирги араб тили эса классик араб тилидан фарқли равиш-да кўп функциялидир. У илм-фанда, бадиий адабиётда, иж-тимоий-сиёсий, оммавий хабарларда, таълим-тарбия муассса-саларида қўлланилади. Юқоридаги фикрларга кўра инглиз олими Т.Ф.Митчелл шундай дейди: «Ёзма классик адабий тил Қуръон ҳамда илк адабиёт тилидир. Замонавий араб тили эса адабиёт, журналистика, радио, телевидение, расмий муҳокама тилидир. Озми-кўпми бутун араб дунёси учун умумийдир»<sup>32</sup>[32].

Аммо классик тил ва замонавий араб тили ўртасида фарқлар бор. Гарчи замонавий араб адабий тилини биладиган кишилар араб маданий меросининг олтин фондига кирган, классик араб тилида ёзилган асарларни ўқиб тушунсаларда, шу икки тил ўртасида лексика ва маълум даражада синтаксисда фарқ борлигини кўришади. Замонавий араб адабий тили ўзининг узоқ тарихий ривожланиш даврида бир қанча ўзгаришларни бошидан кечирди. Сезиларли фарқлар нафақат классик ва замонавий тил ўртасида, балки жоҳилия (VII асрнинг ўрталари), уммавия ва аббосийлар даврида (VIII асрдан XII асргача) яратилган асарларнинг ўртасида ҳам кўриниши мумкин.

Жоҳилия адабиёти ўзида маънавий дунёси анчагина чегараланган бадавийларнинг ҳаётга бўлган муносабати ва қарашларини акс эттирган. Илк ислом даврига келиб эса, араб тили анча баркамол, равон, бой ва таъсирчан бўлган. Унинг грамматик тузилиши бадавийлар тилига хос бўлган ортиқча исм ва феълларнинг қийин кўринишиларидан холи бўлган.

Замонавий араб адабий тили ҳам ёзма, ҳам оғзаки сухбат-лашиш шаклларида ишлатилади. Араб адабий тилидаги хат тури ва оғзаки сўзлашув тури чегараларини белгилаш муаммоси ҳам араб лингвист олимлари ва Европа лингвист олимлари томони-дан хали кенг муҳокама қилинмаган. Шунга қарамай, оммавий коммуникация (радио, кино, телевидение) кучайиши билан тил-нинг оғзаки тури ва унинг хат тури билан муносабати аллақачон илмий текшириш мавзуси бўлиши лозим. Оғзаки сухбатлашиш шакли асосан илмга доир сухбатларда, жамоат олдидағи чи-қишиларда, маъруза ўқишиларда қўлланилади. Гарчи оғзаки араб тилининг услуби ёзма

---

32[32] Шагаль В.Э. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. –М., -1987. –С.52.

араб тилнинг услубига ўхшасада, бироқ нутқ сўзлаётган киши ўз фикрини тўғри ифодалаши ва вақтдан ютиш учун «масалан» - **يعني** - **مشلا**, «яъни» - **يمكن** каби сўзларни бир неча бор такрорлайди. Оғзаки нутқнинг яна бир хусусияти гапиргандага сўзларни тақрорлашда, мурожаат сўзларини ифодалашда қисқа исмий жумлаларни (яъни бир-бири билан боғлиқ бўлмаган) зикр этишда кўринади. Масалан<sup>33</sup>[33]:

الحياة لذيدة . . . الحياة لذيدة

والله يا إخواني . . . أنا رأيت الطفل

الكهرباء مقطوعة . . . والحياة مقطوعة

3. Кундалик сўзлашув тили: Араб адабий тилининг яна бир кўриниши мавжуд. У қундалик сўзлашув тилидир. Бундай тилнинг юзага келишига асосий сабаб замонавий арабларда ўзгаришга дуч келган тушунчаларни, тасаввурларни ифода-лаб бериш эҳтиёжи бўлади, уларнинг она тиллари бўлган лаҗжанинг таълим-тарбия, маданият ва техника ривожланишига боғлиқ бўлган янги жараён ва ҳодисаларни ифодалаб бериш учун етарли имконияти йўқ эди. Замонавий араб тилига келсак, у юқоридагиларни бажаришга мойил бўлмай қолди.

Мазкур тил ўқимишли одамларнинг тилидир. Араблар уни **اللغة الوسطى**, яъни «ўрта тил» ёки **عربات المثقفين** «зиёлиларнинг тили» деб ҳам аташади. Кундалик сўзлашув тили адабий тил билан бирга мактаб ва олий ўкув юртларида ўргатиш тили сифатида қўлланилади.

4. Лаҳжалар. Араб давлатларидағи аҳолининг асосан оддий қатлами – қишлоқ аҳолиси. Камбағал кишилар, мактаб ёши-га тўлмаган болалар, аёллар лаҳжаларда гаплашадилар. Лаҳ-жалардан радио, телевидениеда, матбуотда фойдаланилмай-ди. Фақатгина бадиий сўз усталари ўз қаҳрамонининг нозик характеристини очиб беришда баъзида лаҳжа нутқидан фойда-ланадилар. Агарда араб адабий тили ва кундалик сўзлашув тили жамиятнинг ўқимишли қатламига хизмат қилса, лаҳжалар саводсизлар тилидир. Ўқиши ва ёзиши билмаслик адабий тилни ўрганишнинг асосий манбаларидан айиради.

Немис арабшуноси И.Фюк барча араб давлатларидағи тилнинг типологик ўхшашигини қайд қилиб, унга хос бўлган томонларини ёзади<sup>34</sup>[34]:

---

33[33] Шагаль В.Э. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. –М., -1987. –С.55.

34[34] Шагаль В.Э. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. –М., -1987. –С.136-137.

1) Классик араб адабий тилининг «а» унлиси, яъни фатҳа «и» деб талаффуз қилинади. Масалан: أَنْتَ - إِنْتَ

2) Уч турдаги ноқис феъллар رمی دعا، نسی، رمی фақат کаби тусланади رمی - يرمی -

3) Иккиланган феъллар, яъни مد رمی худди ноқис феъл каби тусланади رمی - يرمی

4) او دифтонги (ав) чўзик «о:» ёки «у:» деб اي (ай) дифтонги эса «и:» ёки «э:» деб талаффуз этилади: بیتْ - بَيْتُ ، صوتْ - صَوْتُ .

5) Феълнинг иккилик шакли, сифатларнинг муаннас жинсидаги орттирма даражаси қўлланилмайди:

كتب - كتبان ، أحسن - حسنی - حسنيات

6) Классик тилда мавжуд бўлган айрим сўзлар қўлланилмайди.

Хозирги замон араб жамияти замонавий араб тилини ривож-лантириш, бойитиш, ҳозирги замон сиёсий вазиятига жавоб беришга интилади. Замонавий араб тили лексик, стилистик ва синтактик модернизациясига (янгилашга) муҳтоҷ ва айниқса, илмий техник терминлар ва янги сўзлар билан бойиши керак. Бу айни бир мамлакат учун эмас, балки ҳар бир араб мамлакатлари учун керакли вазифадир.

Араб тилининг бойлиги, ривожланишдаги замонавийлиги мамлакатнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги замон араб тилшунослиги олдидаги долзарб муаммолар:

- 1) Араб тилини назарий ва амалий жиҳатдан эгаллаш;
- 2) Араб тили тузилишининг ўзига хос ҳусусиятларини баҳолаш;
- 3) Арабшуносликка оид тадқиқотларни белгилаш;
- 4) Шарқ тилшунослигининг йўналишини аниқлашдан иборатdir.

Ҳозирги кунда мамлакатларда замонавий араб тили, лаҳ-жалар фақатгина оғзаки нутқда фойдаланилмасдан, балки радио эшиттиришларида, театр, кинода ва адабиётда ўз ўрнини топ-мокда. Биз фақат ҳалқ оғзаки ижодининг энг бой меросини лаҳ-жалар орқали билиб оламиз. Миср, Сурия, Ироқ диалектларида ёзилган кўпгина асарларни учратишимииз мумкин, адабий асарлардаги сўзлашув қўпинча лаҳжаларда ёзилади. Баъзи бир ёзувчилар ўз

асарларини ҳам адабий тилда, ҳам диалектда ёза-дилар. Масалан, Миср ёзувчиси Маҳмуд Теймурнинг асарлари икки тилда, яъни адабий тилда ва Миср лаҳжасида ёзилган<sup>35</sup>[35].

Мисрда лаҳжада ёзилган шеърият Миср адабиётининг салмоқли ўрнини эгаллайди. Нагиб Сурур, Абдураҳмон Ануди, Салаҳ Гаҳин каби шоирлар лаҳжада ёзилган шеърлари билан кенг оммага танилган.

Араб давлатларида истеъмолда бўлган араб тилининг қайси қайси соҳаларда ишлатилишини биз қуидаги жадвалда яққол кўришимиз мумкин<sup>36</sup>[36].

Араб тилининг ишлатилиши	Миср	Судан	Кувайт	Тунис	Жазоир
Муомала тили - ерлик аҳолининг	КСТ ва Л	КСТ ва Л	КСТ ва Л	КСТ ва Л	КСТ ва Л
Мамлакатда ерлик аҳолининг бошқа давлат кишиси билан муомала тили	КСТ	КСТ	КСТ	КСТ	КСТ
Араб давлатлараро ва халқаро муомала тили, расмий тил	ЗАТ	ЗАТ	ЗАТ	ЗАТ	ЗАТ
Бошланғич мактабларда	КСТ	КСТ-Л	КСТ	КСТ-Л	КСТ-ЗАТ
Ўрта мактабларда	ЗАТ	ЗАТ	ЗАТ	ЗАТ	ЗАТ
Олий ўқув юртларида	ЗАТ, анг. фран.	анг.	ЗАТ - анг	ЗАТ - фран.	ЗАТ - фран.

35[35] Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. –М., -1961. –С.11.

36[36] Шагаль В.Э. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. –М., -1987. –С.86.

Дин тили	КАТ. ЗАТ	КАТ- ЗАТ	КАТ	КАТ	КАТ
Матбуот тили	ЗАТ - анг. фран.	ЗАТ- КАТ	ЗАТ	ЗАТ - фран.	ЗАТ - фран.
Радио, телевидение тили	ЗАТ- КСТ	ЗАТ- КСТ	ЗАТ	ЗАТ - итал. фран.	ЗАТ
Армия, полиция тили	КСТ	КСТ	КСТ	КСТ	КСТ

- ЗАТ – замонавий араб тил
- КСТ – кундалик сўзлашув тили
- КАТ – Классик араб тили
- Л – лаҳжалар

### **Замонавий араб адабий тилининг муаммолари**

Ҳозирги кунда ер юзида уч мингдан зиёд тиллар мавжуд бўлиб, уларнинг энг кенг тарқалганлари ва йириклари атиги ўн бештадир. Шу тиллар ичida араб тили ҳам ўзига хос мавқега эга.

Араб тили ҳам бошқа тиллар каби ўзининг узок тарихига эгадир. Араб тили ер юзидаги тилларнинг хом-сом тиллар оиласига мансубdir.

Икки минг йилдан бери ривожланиб келаётган бу тил ҳо-зирда ҳам ривожланишда давом этмоқда. Араб тили ер юзидаги йигирма иккита давлатнинг расмий давлат тили ҳисобланади.

Географ олимларнинг фикрича, араб тилида 250 млн.дан ортиқ киши гаплашар экан. (1990 йил маълумотига кўра).

Ундан ташқари, бу тил бутун ер юзидаги мусулмонлар учун муқаддас ва азиз бўлган «Қуръони Карим» ва «Ҳадиси Шариф» ёзилган тилдир.

Араб тилини биз жаҳон тили деб атасак ҳам хато қилмаймиз. Чунки жаҳондаги ўн беш йирик тилнинг биттаси араб тилидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кенгашларида иш юритиш учун қўлланиладиган етти тилнинг биттаси араб тилидир. Араб тили ҳақида БМТнинг собиқ раҳбари Бутрос Голий шундай деган:

«Араб тили шундай бир тилки, биз бу тилсиз шарқ мадания-тининг ўтмишини ва шарқ халқларининг урф-одатларини ҳеч қачон ва ҳеч қайси тил воситасида ўргана олмаймиз».

«1970-80 йилларда араб мамлакатларида «араблаштириш» ҳаракати авж олди», - деб ёзди ас-Саййоди<sup>37</sup>[37]. Бу араб давлат-ларида араб тилини қайтадан кўриб чиқиши ва араб филолог олимларини қийнаб келаётган саволларга жавоб қайтариш ҳаракатидир.

«Бу ҳаракатнинг асосий ғояси бир миллатга мансуб бўлган тарихи, тили, маданияти, қизиқиши ҳомоханг бўлган барча арабларнинг бирлашишидан иборат шиорни ўз олдига қўйган араб миллатчилиги ҳисобланади»<sup>38</sup>[38]. Араблаштириш мақсади араб адабий тилида бунёд этилган араб маданиятини ривожлантирган ҳолда барча араб мамлакатларидағи арабларни ўзаро яқинлаш-тириб, бир миллат ҳолига келтиришдан иборат. Бу ҳолни, айниқса, Мисрда, Жазоирда, Тунисда, Яманда, Марокашда яқ-қол кўриш мумкин. Шу йилларда чоп этилган газета ва жур-наллардаги мақола ва фельетонлар фикримизга далил бўла олади. 1980-85 йилларда тил ва бирлашиш сиёсати остида МАРнинг ҳокимияти тепасига мархум президент Анвар Саадат ва унинг тарафдорлари келди. У президентлиги мобайнида араб мамлакатлари бирлашиши йўлида тинимсиз кураш олиб борди ва Миср билан Сурияни бирлаштиришга муваффақ бўлди. Лекин бу иттифоқ узокқа чўзилмади. Анвар Саадатнинг шиори ва унинг тарафдорларининг бирдан-бир орзуси қуидагича эди: «Кўп йиллар мобайнида чет элга қарамлик ва арабларнинг бўлинниб кетиши туфайли юзага келган тилнинг тарқоқлиги ва миллий баҳтсизлик ҳакида, шунингдек, мустақил ривожланиш йўлига ўтган араб халқининг тарихдаги ва бугунги кундаги аҳамияти, ўрни ҳакида гапиришга ҳар бир араб давлатининг араб миллатига мансуб бўлган фуқароси давлат томонидан қонуний ҳукуқ олиши керак». Хуллас, Анвар Саадат президентлик қилган даврда ҳозирги кунда бўлинниб кетаётган араб мамлакатларини бирлаштириш ва яна араб адабий тилини сақлаб қолишдаги уринишлар кучайди.

Араблаштириш тенденцияси араб маданиятининг ўзига хослиги ва чуқур тарихий анъанага эга эканлигини кўрсатишдан иборатdir. Шунингдек, араблаштиришдан мақсад ғарб мада-нияти ва тилларининг ўзаро зўрлаб киритилиши, яъни инглизча, французча, немисча ва бошқа европа тилларидан атамалар киритилиши натижасида араб тили структурасининг бузили-шига қарши фақат араб тили ва маданиятининг ўзлигини ва миллийлигини сақлаб қолишдан иборатdir. Масалан, Хитой давлати ўз она тилини уч минг йилдан бери ҳеч бир тилдан (на инглизчадан, на

37[37] الصيادي، محمد المنجي. التعريب في الوطن العربي، بيروت، ١٩٨٢، ص. ٣٧-٣٨.

38[38] Шагаль В.Э. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. –М., -1987. –С.178-179.

французчадан) қабул қилмай, ўзлигича ва қадимийлигича сақлаб келмоқда. Агар хитой тили бирорта сўзга, атамага мухтож бўлса, дарров хитой филологлари бу муаммони ҳал қилишга уринадилар ва ечимини топмагунча изланишда бўладилар. Нега энди бу сиёсатни араб давлатлари эплай олмайдилар? Араб тили ҳам жуда бой тил. Агар бирорта неологизмга эҳтиёж бўлса, араб тилининг ичидан дарров янги атама ўйлаб топиш мумкин. Аллоҳга шукроналар бўлсинки, ҳозирги кунга келиб, мана шу муаммо араб филологлари томо-нидан ҳал этилмоқда. Тилшунослик нуқтаи назардан қараганда араб адабий тилини на фақат тиклаш, тозалаш, балки, ёзма ва оғзаки услубда ҳам ишлатиладиган восита сифатида қўллаш хақиқий тил сиёсати бўлса керак.

1972 йил декабрь ойида Шимолий Яманнинг пойтахти Сана шахрида ўтказилган «Бутун араб давлатлари маориф вазирлари анжумани»да қуйидаги резолюция қабул қилинди: «Араб ада-бий тили араб халқининг фикр ва ҳошишлари ифода этиладиган тил бўлиши ҳамда таълим учун восита сифатида зарур ва ишлатилиши керак». «Араблаштириш сиёсатини фақат шу тил сиёсати орқалигина муваффақиятли амалга ошириш мумкин»<sup>39</sup>[39], деган таклиф барча араб давлатлари томонидан маъқулланди. Муҳокама жараёнида тил танлаш муаммоси катта аҳамитга эга бўлган сиёсий статусга айланди. Шунда улар араб адабий тилини лаҳжа ва шевалардан афзал кўрдилар. Араб халқининг маданияти ва таълим тизимиға бир назар ташласак, уларнинг ўз тилларига бўлган эътиқодлари ортиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. Ҳозирда араб давлатларининг айримларида чет эллик кишиларга «Араб тилини ўрганишлари учун» мажбурий курслар ташкил этилганини учратиш мумкин. Бундан ташқари араб тили Қуръони Карим тили бўлгани учун фақат араб давлатлари доирасидагина эмас, балки мусулмон давлатлари учун ҳам аҳамиятлидир. Маълумки, Қуръон тиловат қилинаётганда унинг мусиқага монанд охангни ҳамда ўзига хос жилоси мавжудлиги намоён бўлади. Араб бўлмаган мусулмон халқларининг Қуръон тиловат қилаётганларида уларнинг нутқ органлари бу тилга тўлиқ мослашмаганлиги сабабли унинг охангига маълум маънода путур етиши мумкин. Араблаштиришнинг асосий вазифаларидан бирини бошқа халқлар учун шу тилдаги охангни сақлаб қолиш масаласи ташкил этади.

Араблаштиришни амалга оширишда икки хил йўналиш бор.

1. Анъанавийлик. Анъанавийлик тарафдорлари араблаштириш орқали қадимда тараққий этган иқтисод ва маданиятни тиклаб, ўша асосида жамиятни ривожлантиришни ёқлай-дилар, яъни классик араб тилига содик қолиш мусулмон анъаналарига содиклик ва араб адабий тилига хос барча анъаналарнинг йўлбошчиси бўлиши керак, деган фикрни ёқлайдилар.

---

39[39] Шагаль В.Э. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. –М., -1987. –С.178.

2. Замонавийлик. Замонавийлик тарафдорлари эса ғарб йўлини танлаб, француз ва инглиз тилларига катта аҳамият берган ҳолда араб давлатларининг ғарб маданияти асосида ривож-ланинишини маъқуллайдилар. Бу фикрдагилар, асосан, Марокаш, Тунис, Мавритания ва Мисрда кўпdir. Лекин давлат раҳбарлари уларнинг бу фикрларига қаршидирлар.

Араб мамлакатларида бундай муаммоларни ўрганиш маркази 1979-1983 йилларда ўтказган кўп сонли симпозиум-ларда араблаштириш ва араб адабий тили ҳақида турли хил фикрлар айтилди. Қуйидаги масалалар бўйича ишлар кўриб чиқилди: 1. «Араб бирлашиш муаммосида маорифнинг роли». 2. «Араб миллатчилиги, фикрлар ва амалиёт». 3. «Араб бирла-шишидаги тилнинг ва адабиётнинг роли».

Бизнинг фикримизча, бу икки йўналиш маълум маънода ўз афзалликларига эга. Араблаштириш жараёнида уларни бир-бирига ҳамжиҳат, уйғунлашган ҳолда олиб борилса мақсадга мувофиқдир.

Доктор Эҳсон Аббос «Замонавий миллий маданиятдаги анъана» мақоласида араблаштириш сиёсатини юқорида эслатиб ўтганимиздек, лингвистик нуқтаи назардан келиб чиқсан ҳолда шундай таърифлайлди: «Араблаштиришга араб тилининг мулоқот жараёнидаги бир восита сифатида эътироф этилгани каби қараб бўлмайди. Аарблаштариш - бу адабий тилнинг ўзаро мулоқот воситаси, чет тиллардаги илмий техникавий атама-ларнинг араб тилида миллий атамалар асосида яратилиши бўлибгина қолмай, балки яна бошқа хусусиятларни ўзида му-жассам этади. Араблаштириш бу араб тилида фикрлашга ундейдиган ҳаракат ҳамдир»<sup>40</sup>[40].

Шундай қилиб, араб мамлакатларида араблаштириш дастури-ни қуйидаги муаммоларни ечиш билан амалга ошириш мумкин:

- 1) чет тилини мулоқотдан чиқариш ва уни араб тили билан алмаштириш;
- 2) араб адабий тилини мулоқот воситасида ҳозирги вақтда ҳалқ оғзаки тили қўлланилаётган жойларга киритиш, адабий тилнинг фақат ёзма равища қўлланишини эмас, балки оғзаки мулоқотда ҳам ишлатилишини ҳам таъминлаш;
- 3) таълим тизимида бошланғич мактаблардан то олий ўқув юртигача ўқитишини чет тилидан араб тилига ўтказиш;
- 4) фан, техника ва маданиятда янги тушунчаларни англатиш учун миллий атамалар ишлаб чиқиш;

---

40[40] .، عدد ٨، ١٩٨١، المُسْتَقْبَلُ الْعَرَبِيُّ.

- 5) бутун араблар миқёсида атамашуносликни бирлаштириш;
- 6) таълим тизимининг барча соҳаларини араблаштириш ва исломлаштириш;
- 7) араб давлатларида яшайдиган бошқа миллат вакилларини араб тилида сўзлашишга ўргатиш<sup>41</sup>[41].

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтганда, араблаштириш сиёсати кенг қамровли тушунча бўлиб, ўзининг дастурларини ишлаб чиқкан, асосан, араб давлатларида тарқалиб, авж олаётган сиёсий, маънавий ҳаракатдир. Бу ҳаракат на факат арабшунос-тилшунос, балки бутун дунёдаги кўпчилик олимлар, сиёсатшунослар диққат марказидадир.

---

41[41] Шагаль В.Э. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. –М., -1987. –С.182.

## **Тест топшириқлари:**

1. Араб давлатларида қайси тил давлат тили ҳисобланади?
  - A. Классик араб тили.
  - B. Кундалик араб тили
  - C. Лахжалар.
  - D. Замонавий араб тили
2. Замонавий араб тили қачон пайдо бўлган.
  - A. 20 аср бошларида.
  - B. 18 аср охирида.
  - C. 19 асрнинг иккинчи ярмида.
  - D. 20 аср охирида.
3. Қуръони Карим араб тилининг истемолда мавжуд бўлган қайси шаклида ёзилган?
  - A. Лахжа шаклида.
  - B. Классик араб тилида.
  - C. Кундалик сўзлашув тилида.
  - D. Замонавий араб тилида.
4. "اللغة الوسطى" ёки "عربیات المشرقین" деб аталувчи тилни кўрсатинг.
  - A. Замонавий араб тили.
  - B. Лахжалар.
  - C. Классик араб тили.
  - D. Кундалик сўзлашув тили.
5. Араб давлатларидаги тилнинг типологик ўхшашлигини кўрсатиб ўтган олим ким?

А. И.Фюк.

В. В.Э Шагаль

С. Д. Коэн.

Д. Аҳмад Шавқий

6. "Араблаштириш" ҳаракати неchanчи йилларда авж олди.

А. 1990 йилларда

Б. 1970-1980 йилларда.

С. 1995 йилларда.

Д. 1985 йилларда

7. МАР нинг қайси президенти ҳукмронлик қилган йилларда араб мамлакатларининг бирлашиш сиёсати йўлида кураш олиб борилди?

А. Анвар Саадат.

Б. Хусни Муборак.

С. Жамол Абду-н-Носир

Д. Тўғри жавоб йўқ.

8. "Араблаштириш"ни амалга оширишдаги йўналишларини кўрсатинг.

А. Анъанавийлик.

Б. Бадиийлик ва замонавийлик.

С. Замонавийлик ва қадимийлик.

Д. Анъанавийлик ва замонавийлик.

9. "Замонавийлик - миллий маданиятдаги анъана" деб аталувчи мақола кимнинг қаламига мансуб?

А. Эҳсон Аббос.

Б. Аҳмад Шавқий.

С. Ҳофиз Иброҳим

Д. Бутрус Ғолий

10. "Араб тили шундай бир тилки, биз у тилсиз шарқ маданиятини, ўтмишини ва шарқ халқларининг урф-одатларини ҳеч қачон ва ҳеч қайси тил воситасида ўргана олмаймиз". Ушбу фикрни ким айтган?

А. Бутрус Ғолий.

В. Аҳмад Шавқий.

С. Эҳсон Аббос.

Д. Ҳофиз Иброҳим

*Мустақил иш мавзуси:*

Араб мамлакатларида тил ҳолати. Миср, Қувайт, Жазоир ва бошқа араб давлатлари мисолида.

## V боб

### Ўзбекистон арабшунослари

оэ-‘зини эл ишига ба<sup>2</sup>ишлаган, инсон тарбиясига жон тиккан олижаноб ³итувчиларни, м’ътабар муаллимларни бундан буён ҳам бошимизга к’тарамиз.

**Ислом Каримов**

Маълумки, эрамизнинг ўрталарида Хоразм, Бухоро, Марв, Самарқанд шаҳарлари йирик билим ва маърифат ўчиқлари бўлган. Ўрта Осиёда араб тили илмий тил ҳисобланган ва барча мактаб, мадрасаларда ўқитилган. Ўрта Осиёлик йирик олимлар араб тили ва маданиятининг ривожланишида ўзларининг катта ҳиссаларини қўшганлар. Дунёга машҳур математик Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий, астроном Аҳмад Фарғоний, йирик файласуф Абу Наср Фаробий, энциклопедист олимлар Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, тилшунос олим Маҳмуд Кошғарий, хоразмлик буюк филолог Маҳмуд Замахшарий каби олимлар ўзларининг ўлмас асарлари билан араб фанини юқори босқичга кўтардилар.

Хозирда ҳам мазкур алломаларнинг илмий фаолиятларини давом эттираётган маърифатпарвар инсонлар бор. Икки-уч йўналиш бўйича ижод қилаётган арабшунос олимлар араб тили ва адабиётини тадқиқ этишда, арабийзабон асарларни нашр этишда ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Шундай олимлар жумласидан бўлмиш Убайдулло Каримов (т.й. 1920), Эшонхўжа Муҳаммадхўжаев (1872-1953), Содик Мирзаев (1885-1961), Саидазиз Фаниев (1882-1960), А. Салье (1899-1961), Юнус Ҳакимжонов (т.й. 1893), Боқи Зоҳидович Холидов (1905-1968) ва Ҳамидулла Ҳикматуллаев (т.й. 1929) илмий фаолиятларини арабшунослик фанининг улкан ютуқлари деб аташимиз мумкин.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда арабшунослик фанининг ривожига улкан ҳиссани қўшаётган устозларимиздан Н. Иброҳи-мов, А.Хасанов, Т.Муҳторов, Р.Ходжаева, И.Абдуллаев, А.Ири-сов, М. Акбарова, А. Абдужаббаров, Н.Г. Фатеева, Ў.З. Қориев, З.М. Исмоилов, О. Мусаев каби олимларимизнинг фаолияти ибрат оладиган даражададир.

### Убайдулла Каримовнинг ҳаёти ва ижоди

Убайдулла Истроилович Каримов шарқшунос олим, доришу-нослик фанларининг тадқиқотчиси, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофоти соҳибидир.

1920 йил 1 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. У. Каримов 1941 йилда Ўрта Осиё индустрисал кимё технологияси инсти-тутини инженер - технолог ихтисослиги бўйича битириб, 1942-1944 йилларда шу факультетда ёрдамчи ўқитувчи бўлиб қолди. 1944 йилда Ўрта Осиё давлат университетининг шарқ филологияси куллиётига ўқишга кириб, 1949 йилда унинг эрон - афғон бўлумини тугатди.

У. Каримов 1941 йилда урушга кетиб, 1942 йилда ярадор бў-либ қайтади. 1949-1951 йилларда Ўзбекистон Фанлар Академияси шарқшунослик институтининг аспирантурасида тахсил кўради. Айни пайтда, 1949-1951 йилларда университетнинг шарқ факультетида форс тилидан дарс беради.

У. Каримов 1952 йилдан Ўзбекистон ФА, Абу Райхон Беруний номидаги шарқшунослик институтида аввал кичик илмий ходим, сўнг катта илмий ходим лавозимларида ишлади. 1959-1975 йилларда шу институтнинг шарқ кўлёзмаларини тав-сифлаш ва каталогглаштириш бўлимига мудирлик қилди. 1976-88 йилларда шарқ ёзма ёдгорликларини ўрганиш ва нашр қилиш бўлумини бошқаради. 1988-99 йилларда институтнинг етакчи илмий ходими, сўнг вафотигача бош илмий ходими лавозимида ишлаб келди.

У. Каримовнинг асосий илмий фаолияти шарқдаги кимё, доришунослик, табобат илмларининг тарихи каби соҳаларини ўрганишга қаратилган. Шу билан бирга унинг араб бадиий адабиёти бўйича ҳам анчагина ишлари бор.

1953 йилда У. Каримов шарқнинг буюк табиби ва кимёгари Абу Бакр ар-Розийнинг фанга номаълум бўлган «Китоб сиррул - асрор» асари бўйича «Неизвестное сочинение Абу Бакра ар-Рози «Книга тайны тайн» в свете других его трудов по химии» мавзусида номзодлик диссертациясини ёқлади ва 1957 йилда уни монография холида нашр этди.

Олим Абу Али ибн Сино илмий меъросининг асосий тадки-қодчиси ва таржимонларидан бири эди. Унинг фаол иштирокида 1953-61 йиллар «Тиб қонунлари»нинг барча беш китоби тўла ҳолда рус ва ўзбек тилларига таржима қилиниб, илмий изохи билан нашр этилди. Бу хайрли ишда русча таржиманинг 52 босма табоғи, ўзбекча таржиманинг 33 босма табоғи У. Каримов қаламига мансуб, яна 280 босма табоқдан иборат бўлган ўзбекча таржимага муҳаррирлик ҳам қилган. 1980-1982 йилларда чоп этилган «Тиб қонунлари»нинг икки тиллик тўлиқ нашри ҳам У. Каримов раҳбарлигига амалга оширилган.

У. Каримов 80-йилларда З. Бобохонов билан ҳамкорликда ибн Синонинг гигиенага оид рисоласини рус тилида, 1987 йилда Х. Ҳикматуллаев билан бирга ибн Синонинг иккинчи рисо-ласини ўз ичига олган, «Тиббий рисолалар» номли китобини ўзбек тилида чоп этди.

1972 йилда У. Каримов «Китоби ас-Сайдана (Фармокогно-зия) Беруний» мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қиласди. Бу тадқиқот 1973 йилда рус тилида Берунийнинг танланган асарларининг IV томи сифатида нашр этилди. У.Каримов Абу Райхон Беруний номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди. Олим 1974 йилда Ўзбекистон ФАНИНГ мухбир аъзоси этиб сайланди; 1980 йилда унга «Ўзбекистонда хизмат қўрсатган фан арбоби» унвони берилди.

У. Каримов йирик илмий асарлари билан дунёга танилган олимдир. Унинг бир қанча китоблари чет элларда хорижий тилларда ҳам нашр этилган. Олим кўпгинп ҳалқаро симпозиум ва анжуманларда қатнашган. Унинг йирик асарлари 40 га яқин бўлиб, улардан 12 таси монографик характерга эга. Булардан ташқари У.Каримов фан тарихи, шарқ ҳалқлари тарихи, шарқ адабиёти ва филологияси бўйича ёзилган Йигирмадан ортиқ илмий ишларга масъул муҳаррирлик қиласди. Унинг раҳбарлиги-да 4 та номзодлик ва 1 докторлик диссертацияси ёқланди.

1993 йил У. Каримов гуманитар фанлар соҳасидаги хизмат-лари учун биринчи бўлиб Бобур номли олтин медал билан муко-фотланган. Олим 1995 йил июнь ойида Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясига ҳақиқий номзод этиб сайланди.

Умрининг охирги йилларида. У. Каримов Берунийнинг «Китоб ас-сайдана фи-т-тиб» асарини ўзбекчага таржима қилиб нашрга тайёрлаган эди.

## **Боқи Зоҳидович Холидов**

Б.З. Холидов Ўзбекистонда шарқшунослик фанининг ривож-ланишига, айниқса, шарқшунос мутахассислар тайёрлаш бори-шида катта ҳисса қўшган олим. У. 1905 йил Татаристоннинг Бува шаҳрига яқин бўлган Камзо қишлоғида дехқон оиласида туғилди. Дастлабки таълимни қишлоқ мадрасасида олди. У ерда араб тили ва адабиётини ўрганди ва айни замонда маҳсус рус мактабига қатнаб, рус тилини ўрганади, сўнгра ўқитувчилик қиласди. Кейинчалик Ашҳабодда «Шўролар Туркманистони» газе-тасида ходим, таржимон, бўлим бошлиғи бўлиб ишлади. У бир қанча олимлардан шарқ ҳалқларининг тиллари ва адабиётини ўрганди. У К. Шамун, А. Умарий ва Ализода каби олимлардан араб тилининг грамматикаси, араб адабиёти назариясини, араб поэзиясини, аруз илмини, форс тили ва адабиётини, озарбайжон ва туркман тили ва адабиётини ўрганди. 1935 йил Қозон университетининг физика-математика факультетига ўқишга кирди. Ўқиши тугатгандан сўнг, Тошкентга йўлланма олади ва 1941 йил бошига келиб кичик илмий ходим бўлиб ишлайди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг тил ва адабиёт институтида ва тарих институтида астрономия билан шуғулланади. Лекин кўп ўтмай уруш бошланади. Урушда зобитлик ва таржимонлик қиласди.

1947 йилдан бошлаб, Б.З. Холидов Ўрта Осиё давлат Университетининг шарқ қуллиётида ишлайди. Бу ерда мударрис, доцент, эрон-афғон кафедраси мудири, 1957 йилдан то умри-нинг охиригача араб филологияси кафедрасида мудир бўлиб ишлайди. У математик, ихтисоси - астрономия, пушту тилидан фан номзоди, араб тилидан дарслик китобини яратган устоз ҳисобланади.

Олим ватандошимиз М. Замахшарий асарларини ҳам ўрга-ниб бизга таништириди. У ўз ишини 50 дан ортиқ асар ёзган Замахшарий меросининг таснифидан бошлайди. Ҳар бир асар илмнинг қайси соҳасига таалуқлли эканлигини ва ўша соҳани қанчалик қамраб олишини аниқлади. Шундан сўнг Б.З.Холи-дов М.Замахшарийнинг машҳур асари «مقدمة الادب» ни тадқиқ қила бошлайди. Олим бу лексикографик асар ҳақида айрим илмий фикрлар айтишга улгурди. 1968 йил устозимиз боқий дунёга риҳлат қиласидар. Бироқ уларнинг шогирдлари шу соҳада ишни давом эттирмоқдалар.

Б.З. Холидовнинг этимология соҳасидаги ишлари ҳам диқ-қатга сазовордир. Унинг баъзи сўзларнинг этимологиясига доир тадқиқоти юксак даражадаги илмий асар ҳисобланади. Бу ишни ёзишда илмий олим сомий (оромий, финикий, ифрит, араб), тур-кий, (ўзбек, татар, қозоқ, уйғур), эроний (дариј, пушту, пахлавий) ва европа тилларида материаллардан фойдаланган.

Унинг йирик асари бўлмиш «Араб тили асослари» дарслиги бир неча марта нашр қилинди. Бу дарслик Ўзбекистон арабшу-носларининг бир нечта авлодини тарбиялаб етиширишда ёрдам берган.

## **Неъматилла Иброҳимовнинг ҳаёти ва ижоди**

Неъматилла Иброҳимов таниқли арабшунос - манбашунос олим, филология фанлар доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги.

1945 йил 8 августда Марғилон шаҳрида туғилган. Ўрта мак-табни 1962 йилда тугатиб, Марғилон шаҳар босмахонасида ишлади. 1965 йилда Тошкент Давлат Университети шарқ фа-культетига ўқишга кириб, 1970 йилда унинг араб филологияси бўлимини тугатди ва шу йилдан араб филологияси кафедрасида ўқитувчи лавозимида ишлай бошлади.

Н. Иброҳимов Москвада ФА Шарқшунослик институти ас-пирантурасини битириб, 1975 йилда «Путешествие Ибн Баттуты - источник по истории Средней Азии» мавзуида номзодлик дис-сертификациясини ёқлади. Сўнгра Тошкентга қайтиб, араб филоло-гияси кафедрасида педагоглик фаолиятини давом эттириди. ТошДУ шарқ факултетида ўқитувчи, катта ўқитувчи ва 1979

йил-да доцент лавозимида ишлаб, араб тили, ўрта аср араб адабиёти, ислом тарихи каби фанлар ва маҳсус курслардан дарс берди.

1980 йилдан бошлаб, Н. Иброҳимов араб филологияси кафедрасининг мудири, 1989 йили шарқ факультетининг декани, 1991 йилдан ҳозирга қадар Тошкент Давлат Шарқшу-нослик институтининг ректори вазифаларида хизмат келиб келмоқда. У Ўзбекистон Олий мажлисининг депутатидир.

Н. Иброҳимов 1984 йилда Москва шарқшунослик институти Илмий кенгашида «Арабский народный роман» (проблемы жанрообразования и стиля)» мавзуида докторлик диссертация-сини ёқлади ва филология фанлари доктори илмий даражасини олди. 1985 йилда унга профессорлик илмий унвони берилди.

Н. Иброҳимов Марказий Осиё тарихи ва маданияти, шарқ адабиётшунослиги ва тилшунослиги, манбашунослик, шарқ тил-ларини ўқитиши масалаларига оид нашр этилган 150 дан ортиқ китоблар, монографиялар ва илмий мақолалар муаллифидир.

Олимнинг арабийзабон ёдгорликларни тадқиқ қилиш асосида яратилган «Ибн Баттута ва унинг Ўрта Осиёга саё-ҳати», «Араб халқлари романи», «Ўрта Осиё халқ адабиёти», унинг умумий таҳрири остида тайёрланган тўрт жилдлик «Ҳадис» ва бошқа бир қанча китоблари ўзбек, рус, араб, тилларида нашр этилган.

Н. Иброҳимовнинг Ўзбекистонда илк бор чоп этилаётган 47 босма табоқли «Арабча-ўзбекча луғати» Комуслар бош таҳри-риятида нашрга тайёрланмоқда.

1988 йилда Н. Иброҳимов «Арабийзабон маданий ёдгорлик-ларни ўрганиш» илмий гурӯҳини ташкил қилиб, ўз атрофига ёш тадқиқотчиларни тўплади. Ўзига хос илмий мактаб тусини ол-ган бу гурӯҳ ўрта аср адабиётини араб тилида ижод этган уламо-ларнинг қўллэзма асарларини тадқиқ этиш, ҳамда амалга оши-рилган илмий изланишлар натижасида нашр этишда жиддий муваффақиятларга эришди.

Олим шарқшунос, жумладан, арабшунос мутахассисларни тайёрлаш, уларни чет мамлакатларга юбориб ўқитиши, инсти-тутда таълим тарбия ишларини олий даражага кўтариш бораси-да тинмай меҳнат қилмоқда. Унинг раҳбарлигига 10 дан зиёд фан доктори ва фан номзоди этишиб чиқди. Ҳозирда у бир неча тадқиқотчининг докторлик ва номзодлик диссертациясига раҳ-барлик қилмоқда. У институт қошида ташкил қилинган фило-логия фанлари бўйича докторлик илмий даражаларини беришга ихтисослашган илмий кенгашнинг раиси сифатида ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Н. Иброҳимов шарқшунослик фани ривожига қўшган сал-моқли ҳиссаси учун Бутуниттифоқ шарқшунослар ассоциация-сининг 1990 йил дипломи билан мукофотланди.

Н. Иброҳимов дунёдаги энг қадимий дорулфунлардан бири - Сеул шаҳрининг Сен Кюн Кван университети фаҳрий доктори унвонига сазовор бўлган. 1994 йилда эса унга Япония Фукусима префектурасининг Ўзбекистондаги фаҳрий элчиси унвони берилди.

Олим охирги йилларда АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Миср, Жазоир, Сурия, Қувайт, Катар, Бирлашган Араб Амир-лиги, Уммон каби хорижий мамалакатларда хизмат сафарида бўлди. У Мисрдаги Қоҳира, Ал-Азхар, Айн Шамс университет-ларида, Қувайт университети ва Форс кўрфазидаги қатор бошқа ўқув ва илмий марказларида ўзбек фанинг ютуқлари ва мада-ний меъроси ҳақида маъruzалар қилиб, қатор хорижий универ-ситетлар билан таълим соҳасида шартномалар тузиб қайтди.

Н. Иброҳимов 1995 йил Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланган.

1998 йил Н. Иброҳимов ва М. Юсупов «Араб тили грамма-тикаси» дарслигини ёзишди. Дарслик 1999 йили жумҳурға-тимизда энг яхши дарслик сифатида баҳоланди.

## **Рус арабшунос олимлари**

XVIII -XIX аср охирлари XX аср бошларида мустақил мактаб сифатида шаклланган рус арабшунослиги ўз орасида бутун дунё арабшунослари томонидан тан олинган олимлар ва педагоглар авлодини етишириб чиқарди.

Биз рус олимларидан А.В. Болдирев (1780-1842), Х.Д. Френа (1782- 1851), Б.А. Дарка (1805-1881), В.Ф. Гиргах (1835-1887), В.Р. Розен (1849-1908) сингари машхур арабшуносларни эсласак арзиди.

Шундай арабшунос - филолог олимлардан бири Болдирев ва унинг шогирдларининг Москвадаги фаолиятига тўхталсак, Москва университети 1811 йилда рус профессори А.В. Болдирев шарқ тилларини ўқитишини бошлаган ягона билим даргоҳи эди. Болдиревнинг бу тилларга қизиқиши университетни тугатган йилда (1806) аён бўлган эди. Унинг тарбиячиси М.Н. Муравьёв ўша пайтдаёқ унга шарқ тилларини ўргатиш учун Гаттегенга жўнатиш нияти борлигини ёзган эди. Чет элга жўнатилган Болдирев Геманияда А.Г. Эйхорн (1752-1827) хузурида сомий-шунослик ва адабиётшуносликнинг жиддий мактабини ўтади ва бир неча йил мобайнида Парижда Сильвестр де Саси (1758-1838) дан мусулмон шарқи тилларини ўрганди. Устозларидан биринчисининг таъсирида у 1898 йилдаёқ Гаттегенга В.Жонс-нинг (1746-1797) инглизча асари асосида ўзининг илк текстоло-гик

иши, икки муаллақ, матнини нашр эттируди. Болдирев ярат-ган биринчи қўлланма ўша пайтдаги фан ютуғи, деб эътироф этилди ва унинг ҳар иккала нашри (1827, 1836) ҳам ҳеч му-болаға қилмай айтганда, бутун Россия бўйлаб тарқалди. Унинг ўз ўқитувчиси Сильвестр де Саси нинг пухта ишланган тўпла-мига асосланган грамматикаси - фоят сиқиқ, лекин ўз даврига нисбатан олганда қониқарли эди. Бу қўлланма Навроцкийнинг (1867) кенг кўламли «Тажрибалари» чиққунга қадар ўзининг ўқув аҳамиятини сақлаб қолди. Ёш тадқиқотчи томонидан яра-тилган «Араб хрестоматияси» янада катта аҳамиятга эга бўлди ва икки марта (1827, 1832) нашр қилинди. Охирги нашрида бу асар тил ўрганишни бошловчилар учун қулай бўлган лугат билан тўлдирилди. Болдиревнинг «Араб хрестоматияси»нинг аҳамияти фан тарихида ниҳоятда каттадир, Китобга кўплаб майдо ҳикоялар ва ривоятлар киритилганлиги таржималар учун жуда катта қулайлик туғдирди ва рус тилига ўгирилган ҳолда шу асарлар Болдиревнинг ўзи ва шогирдлари томонидан ўша пайтдаги турли нашриётларда, асосан, Москва журналлари ва альманахларида бетма-бет чоп этилиб турди, Болдиревни арабшу-нос сифатида қизиқтириб келган жоҳилия шеъриятидан «Муаллақа»ларнинг тўлиқ матни ва таржимаси 1832 йилда иккита китоб бўлиб нашр этилди. 1829 йилда Москвада чоп этилган Қуръон парчаларининг нашри Болдиревга тегишлидир.

В.Р. Розен шарқ тиллари факультети талабалари сафига 1866 йилда 17 ёшда қўшилди. Университетда одат бўлиб қолган шарқшунослик анъаналарига мувофиқ Д.А. Хвальсондан яхудий тили бўйича тахсил олган ҳолда, араб ва форс тилларига бирдай эътибор қаратган эди. «Шоҳнома»га бағишлиган мавзудаги иншоси учун олтин медаль билан тақдирланган Розен бутун умри давомида чуқур билимли эроншунос ва арабшунос бўлиб қолди. В.Р. Розен ўз тадқиқотларининг асосий қисмини Шарқий Европа билан боғлиқ араб манбалари сари йўналтирида. Унинг географ аль-Бакрий (1878-1903) ва сайёҳ ибн Фазлан (1904)га бағишлиган тадқиқотлари маълум даражада тенги йўқ бўлиб қолмоқда. Унинг Н.Я. Марр (1864-1934), С.Ф. Ольденбур (1863-1934), В.В. Бартольд (1864-1930) сингари кўпгина шогирдлари борки, уларнинг номлари фан тарихида ҳеч қачон унутилмайди. Розенning шогирдлари орасида нафақат олим арабшунослар, балки дипломат арабшунослар ҳам бор эди. Шундай арабшу-нослар амалга оширган ишлардан бири А.Ф. Шебунинг Петер-бург халқ кутубхонасида узоқ йиллардан бўён сақланиб келаёт-ган машҳур «Усмонли» Қуръоннинг (1897) атрофлича полеог-рафик тадқиқотидир. Кейинчалик Қоҳирада консул бўлган давр-да у Хезив кутубхонасида яна бир «Усмоний» Қуръон нусхасига батафсил илмий иш бағишилади (1992). Н.А. Караполов бир мунча кейинроқ ўша ерда «Мусулмон ҳуқуқлари асослари» (1909) тўпламини чоп эттируди.

Шунингдек, тарихчи Н.А. Медников (1855-1815) ҳам худди юқоридаги олимлар қаби эди. Унинг қаламига мансуб тўрт том-лик асар Фаластииннинг

араблар истеълосидан то салб юришла-ригача бўлган тарихи ҳақидаги материаллар тўпламидир.

## **Харлампий Карпович Баранов**

Араб филологиясини ўқитишни кенгайтирилиши ушбу фан бўйича турли ҳил ўқув қўлланмаларининг яратилишига олиб келди. Уларнинг орасида кўзга кўрингани X.K. Барановнинг 1947 йилда нашр этилган «Араб тили» дарслигидир. Бу китоб тез орада шарқшунослик марказларимизда араб тили бошланғич курслари учун асосий қўлланма деб тан олинди. Бу дарслик ўша йилларнинг услубий талабларини ҳисобга олиб ёзилган Бара-новнинг ушбу китоби ўтмишда яратилган қўлланмаларнинг қимматли жиҳатларини ўзида мужассамлаштирган биринчи чи-накам дарсликдир. Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, Ба-рановнинг луғати мамлакат арабшунослигини ривожлантириш-да нечоғлик катта роль ўйнаган бўлса, унинг ушбу дарслиги тилни ўқитишда шундай аҳамиятга эга бўлди. Шундан кейинги йилларда ўқитиш услубияти яхшиланиши муносабати билан янги дарслик тузиш масаласи кўндаланг бўлди. Шунингдек, 1937 йил X.K. Барановнинг тош босмада чиқарилган «Араб хрестоматияси»дан Сурия, Миср ва Ироқ газета, журнал услублари, бадиий проза асарлари намуналари ўрин олган. Бу асар, шунингдек, талабаларни ҳозирги замон араб поэзияси билан таништириди. Юқорида тилга олинган «Намуналар» дан қарийб ўн йил кейин чиққан асар унинг баъзи бўлимларини бирмунча янгилади ва тўлдирди. Иккинчи жаҳон уруши охирида классик араб тили матнлари билан Москва Шарқшунослик институти томонидан нашр этилган яна бир хрестоматия ҳам X.K. Баранов қаламига мансубдир. Бироқ хрестоматиялардан ташқари араб тили дарсликлари «Араб тили ўрганиш юзасидан амалий қўлланма» ҳам зарур эди.

1933 йилда Москвада X.K. Баранов, А.М. Каҳаев ва Р.А. Субботин таркибида ўқитувчилар гурухи томонидан тузилган икки қисмдан иборат «Араб тили дарслиги» босмадан чиқди. Шунингдек, X.K. Барановнинг катта "Арабча- русча луғат"ининг нашр этилиши (1940-1946) катта воқеа бўлди. Луғат ҳозирги замон тили лексикасини қамраб олган ва 1880-1940 йиллар араб бадиий адабиёти ҳамда матбуоти матнлари асосида тузиган эди.

## **Игнатий Юлианович Крачковский ҳаёти ва ижоди**

И.Ю. Крачковский 4 (16) март 1883 йил Вильнюсда туғилди. И.Ю. Крачковский замонавий арабшунослик мактабининг яратувчиларидан бири бўлган собиқ-совет арабшунос олимидир. У 1905 йил Петербург университетининг шарқшунослик куллиётини тугатди. 1910 йил приват доцент (революциядан олдинги Россияда ва баъзи Европа мамлакатларида

олий ўқув юртларида унвон жиҳатидан доцентга тўғри келадиган штатсиз ўқитувчи ва унинг унвони), 1918 йилдан Петроград, кейинчалик Ленинград университети профессори, кўпгина ўқув ва изланиш масканлари олимлари кенгашининг аъзоси, бир қатор чет эл шарқшунослик жамияти академиялари, хусусан Дамашқ Фанлар академияси, Буюк Британия қироллигининг Осиё жамияти, Польша ва Эрон Фанлар Академияси ва бошқа кўпгина жамият-лар аъзоси бўлди. 1921 йил у СССР Фанлар Академияси акаде-миги бўлиб сайданди. И.Ю. Крачковский 1942 йил СССР ФА нинг тил ва ёзув институти олимлари кенга-шининг аъзоси бўлди.

И.Ю. Крачковский ўрта аср шнингдек янги давр араб ада-биёти, тарихи ва санъати бўйича кўпгина илмий ишлар муалли-фидир. И.Ю. Крачковский, айниқса, йиғилишларда араб қўлёз-маларига алоҳида эътибор қаратар эди. 1943 йил И.Ю. Крачковский СССР ФА нинг тил ва ёзув институти олимлари кенга-шининг аъзоси бўлди.

Шунингдек, араб христиан адабиёти, ўрта аср Эфиопия ада-биёти ва санъати, қадимги Жанубий Арабистоннинг тарихий-маданий ва эпиграфикага оид ёдгорликлар билан шуғулланиб, улар билан танишиб чиқкан.

Унинг Эфиопия адабиёти ва санъатини ўрганишга оид бўлган «Эфиопия филологиясига кириш» (1955 й.) деб номланган китоби мавжуд.

И.Ю. Крачковский СССР даги арабшунослар уюшмаси асос-чиси ҳамда унинг раҳбари бўлган.

Унинг жуда кўп китоблари, брошюралари, очерк, мақолала-ри мавжуд. Булар «Испаниядаги араб маданияти» брошюраси (1937 й.), «Араб адабиёти» мақоласи, «Избранные сочетания» - «Танланган асарлар», «Абу-л Ала ал-Маарри», «Рисолат ал-малаа-ика» (1932), «Араб географик адабиёти», «Араб қўлёзма-лари устида», «Абул-Фарадж Ал-Вава дамаский» танланган асари, «Араб адабиёти Америкада» (1928 й.), «XX асрдаги араб адабиёти» (1946 й.), «Мухаммад Тоҳир ал-Карохи» (1946 й.), «Рус арабшунослиги бўйича очерклар» (1950 й.), «Шайх Гента-рий профессор» каби асарлариdir.

И.Ю. Крачковский бутун ер юзасида мусулмонларнинг му-қаддас китоби бўлмиш «Қуръони Карим»ни рус тилига таржима қилди.

И.Ю. Крачковский 1951 йил 24 январда Ленинградда вафот этди.

XIX аср 70-йилларида араб асл нусхасидан «Қуръон» рус тилига таржима қилинди. Бу ларнинг бири (1871) генерал Д.Н. Богусловский (1826-1893), иккинчиси эса (1878 й.) Г.С. Саб-луков (1804-1880 й.) эди. Лекин арабшуносликка эътибор кучай-ган сари, уни ўқувчилар тарижиманинг

кўпгина жойларида (хатолар) нотўғри талқин қилинганлигини англаб бордилар.

Шундан сўнг И.Ю. Крачковский бошқа бир таржима ёзишни ўйлаб қолди.

И.Ю. Крачковский «Қуръон»ни таржима қилиш бўйича иш-ларини 1921 й. «Қуръон» маъruzalari курси билан боғлиқ хол-да бошлади. Унинг биринчи қилган иши Г. Флюгель таржимаси матн хатоларини тўғрилаш бўлди. Флюгельнинг Қуръон бўйи-ча биринчи маъruzalari И.Ю. Крачковский ттомонидан 1915-1916 йиллар ўқилган эди.

Маълумки, И.Ю. Крачковскийнинг таржимаси энг охирги таржима. Бу таржимани кўриб чиқадиган бўлсак, И.Ю. Крачковский танлаган методга (йўлга) алоҳида эътибор бериш керак. Чунки, ундан олдинги таржималарнинг барчаси, айнан бир хил бўлмаси ҳам, бир типдаги хатога йўл қўйганлар. Бу таржима-ларнинг барчаси озми-кўпми мусулмон экзетик маданияти анъа-наларига асосланган.

И.Ю. Крачковский бажарган «Қуръон» таржимаси эса уму-ман бошқа ўзакка асосланиб яратилган.

У ўз таржимаси ўзагига тарихийлик принципини қўйган, И.Ю. Крачковский «Қуръон»ни адабий ёдгорлик, биринчи бў-либ насрда ёзилган араб адабиётининг ёдгорлиги сифатида таржима қилган. И.Ю. Крачковский «Қуръон»ни ҳеч қандай диний талқинсиз таржима қилишни олдига мақсад қилиб қўйди ва у тушунмаган жойларини ҳам «Қуроън»нинг ўзи ёрдамида, Қуръон яратилишидаги тилшуносликка асосланиб таржима қилди. У қадимги араб поэзияси ва прозасидан фойдаланган.

Бу йўл билан Қуръонни таржима қилиш, И.Ю. Крачковский илмий фаолиятини бошқа ундан олдин Қуръонни таржима қил-ган рус ва ўарбий Европа олимлари фаолиятидан ажратиб туради.

Бироқ бир қатор нарсалар И.Ю. Крачковскийга «Қуръон»-нинг таржимасини бутунлай тутатишга халақит берди. Таржима матни адабий томондан ишлаб чиқилмаган эди. Яна И.Ю. Крачковский «Қуръон»ни тахлил қилиш учун бутун умрининг охиригача йикқан материаллар ҳам ёзилмай қолди. У бу материалларни таржиманинг қўлёзмасига қисқача изоҳ конспект сифатида ёзиб қўйган эди. Бу изоҳлар Қуръон хақидаги илмий адабиётларга асосланган ва унинг матни - алоҳида сўз, бирикма, конструкция ва бошқаларни филологик талқинини ўз ичига ол-гандир. Агар гапнинг маъносини билдириш учун сўз қўшилган бўлса, бу сўзлар қавс ичидаги берилган.

Изоҳларда берилган материалларнинг ҳаммаси И.Ю. Крачковскийнинг «Қуръон»га адабий ёдгорлик сифатида кераклиги-ни ва унинг маъruzalari

тузилишини кўрсатади. Кўрсатилган бу материал ва шархларда қўшимча сўзларсиз иложи бўлмаган жойлардагина қавс ичида сўзлар берилган. И.Ю. Крачковский-нинг биринчи таржимаси 1963 йил нашр қилинди. Унга В. Беляев ва П. Грезневичлар сўз боши ёзган эдилар.

И.Ю. Крачковский ёзган изоҳ шархлар 1986 йилги нашрда тўлиқ нашрдан чиқкан.

### **Европа олимлари араб грамматикаси ҳақида**

Узок вақт давомида Европа олимлари араб тилшунослик ютуқларига эътибор бермаганлар. Фақатгина Иосиф Юостус Скалигер (1540-1609) ўз фаолиятини шу соатга бағишлилангандан кейин Европа шарқшунослари сомий тилларга қизиқа бошлаган-лар. Натижада араб грамматикасининг чет тилларига, ҳатто китоблари пайдо бўла бошлаган, баъзиларида эса грамматиканинг шархлари ҳам берилган. Бизларгача етиб келган Сибавейҳийнинг “الكتاب” аса-рининг эски варианти чоп этилди. Унинг биринчи китоби 1981-1989 йилларда Парижда чоп этилди. Кейин Берлинда ва ҳатто Қоҳиранинг ўзида ҳам босиб чиқарилди. Араб грамматик ёзишмалари уч хил турдаги илмий ёндошиш бўлиб, унга уч хил нуқтаи-назар билан қаралган:

1. Араб тарихи ҳақидаги ишларда тарихий фактларни эслатувчи энг нодир манба
2. Араб адабиёти тарихи ҳақидаги ишларда нодир адабий мерос сифатида
3. Тилшунослик муаммолари ҳақиаги ишларда араб тилини ўрганишдаги илмий ютуқлар сифатида.

Бир қанча назарий муаммолар туғилиб, улар орасида энг тортишувли муаммо – араб грамматикасининг келиб чиқиши ҳақида эди. Бу муаммолар бўйича илмий адабиётда турли на-зарий қарашлар мавжуд. Улардан бирига кўра араб тилшунос-лиги мустақил илмий ютуқ ҳисобланади, Бу факт араб олимла-рининг фикрига тўғри келади. Уларнинг фикрича араб грамма-тикаси ҳақидаги изланишлар фақатгина арабларгагина хос илм-дир. Баъзи шарқшуносларнинг фикрига кўра эса араб грамма-тикаси тизимидағи тилшунослик назариясига, Гречия, Хиндис-тон каби давлатларнинг маданий мероси таъсир кўрсатган ва бу таъсир араб халифаликларининг ривожланишида ва турли ил-мий соҳаларнинг ривожланишида муҳим рол ўйнаган. Баъзи олимлар Грек тилшунослигини араб грамматикасига таъсир қил-ганлигини инкор қилмоқчи бўладилар. Бошқалар эса X асрда араб грамматикаси намоёндалари ўз материалларини бир тизимга колаётган вақтда Грек грамматикаси ҳам кириб келган дейдилар. Қадимги Грек фанларининг араб грамматикасига таъ-сир кўрсатганлигини тасдиқловчилар

шарқшунослар орасида кўплаб топиларди. Бундан ташқари қадимги ҳинд фанларини араб грамматикаси тизимиға таъсир кўрсатганлиги ҳақидаги фикрлар ҳам йўқ эмас. В.М. Звегинцев ўзининг 1957 йилда чиқ-қан «Араб тилшунослиги тарихи» китобида юқоридаги фикрлар ҳақида шундай дейди: «Араб грамматикаси тизимиға ташқари-дан бўлган таъсирни шу пайтгача қилиб келинган тор доирадаги тилшунослик таъсири сифатида эмас, балки кенг қамровли қа-димги ва ўрта асрлар маданиятини ўзаро алоқаси ва қадимда яшаган халқлар турли доираларининг таъсири сифатида қараш керак. Араб халифалиги фанларининг ривожланишида қадимги юонон ва қадимги ҳинд фанлари муҳим рол ўйнаган. Булар ҳақидаги маълумотлар илм ахлига ўрта аср араб илмларини таржима қилиниши натижасида маълум бўлган.

Бундай тарихий далилларни ўрганилар экан, араб граммати-каси илмиға ташқи давлатлар тиллари таъсирини инкор қилиш қийин. Иккинчи томондан эса, Немис шарқшуноси К. Брокель-ман таъкидлаганидек араб грамматикаси бошқа тиллар грамма-тиласидан жуда катта фарқ қиласди. Бу эса ташқи таъсир фақат-гина арабларга ва уларнинг грамматикаси вакилларининг тил-шунослик ҳақидаги фикрларини ривожланишига мажбур қилди.

Лекин, араб грамматикаси ташқи тилшунослик таъсири бош-ланмасидан олдин иккиланиб маълум йўлни босиб ўтган эди. Демак, араб грамматикасига кўрсатилган таъсир араб грамматик назарияси шакллангандан анча вақт кейин бўлган.

Араб грамматикасининг шаклланиши асосан VII асрга тўғри келади. Бунда ҳам ташқи тилшунослик таъсири куринмас эди.

Ўрта асрдаги араб грамматикасининг шаклланиши X асрга тўғри келади. Араб грамматикасининг шаклланиши учун кетган бундай узун вақт бирор тил назариясининг таъсир кўрсатган-лигини инкор қилди. Тарихий ҳужжатларнинг гувоҳлик бери-шича кўплаб тилларнинг грамматикаси юонон грамматикаси илмлари асосида юзага келган, аммо уларнинг шаклланиши учун бундай узоқ муддат талаб қилинмаган.

Кейинчалик арабларнинг тили ва дини араб халифалигига ва унинг жамоатчилик ҳаётида муҳим рол ўйнаган ҳолда кенг кў-ламда тарқала бошлиди. Араб тили халифаликда ва унинг кўп-лаб соҳаларида муҳим ўрин тутган. У савдо-сотиқ, маданият ва давлатни бошқаришда асосий алоқа воситаси бўлган, натижада бундай ҳолат араб классик тили ва нормаларини пухта ўрганиш ва унинг олдига янги муаммолар қўйишни тақозо қилган. Бу эса Қуръон тилининг соғлигини сақлаш ва уни пухта ўрганиш им-конини берган. Бу эса ўз навбатида XX асрга келиб араб грам-матикасининг шаклланишини ниҳоясига етказди. Кейинчалик анча вақт ўтгандан сўнг араб

грамматика назариясига баъзи ташқи тилшуносликнинг таъсири бўла бошлади. Шундай бўлса ҳам араб грамматикаси ўзининг асосий характерини сақлаб қолди. Унинг баъзи терминларигина ёки иккинчи даражали ҳи-собланган баъзи ҳолатлари ўзгарди. Тилшуносликнинг ривож-ланиши тарихини ўрганиш ҳам араб тилшунослигини тўла қамраб олмаган.

Бу ўрганишлар ўрта асрлардан бошлаб, бизнинг кунимизгача бўлган тилшунослик тарихини ўрганишга бағищланган асар-ларда ҳам тўла очиб берилмаган; унинг сабаби араб тили назарияси бошқа тилшунослик назариясига қараганда мукаммал ўрганилмаганлигидир. Шунинг учун араб грамматика илмининг асосий ҳолати назариясини ўрганиб чиқиш ва унинг методо-логик принципларини аниқлаш зарур. Илмий адабиётларда араб тилшунослиги ютуқларига кўпинча эътибор берилади. Бундай ютуқларга ҳинд, европа тилшунослиги ривожига таъсир қўр-сатган ўзак ва турланишлар ҳақидаги тушунча киради. Шунинг-дек олимлар диққатини орол тилшуносларининг фонетика соҳа-сидаги қиласиган ишлари ҳам тортади. Масалан: товушларнинг ясалиш ўрни ва усули таснифи, сўзлашда нутқ органларининг ҳолати (артикуляция) ва айниқса фонетик ҳолатларни тушунти-риш ва ассимиляция ҳодисаси. Албатта, бундай ҳолатларнинг аҳамияти жуда катта. Айниқса улар шаклланган тарихий даврни ҳисобга олинса. Илмий адабиётларда фақат мана шундай вақт-ларни доимо эслаш араб грамматик назариясини катта аҳа-миятга эга бўлган тамойилларини бир чеккада қолдиради ва грамматика назарияси ҳақида аниқ тушунча ҳосил қилиш им-конини бермайди. Араб грамматикасини ўрганиш ўзининг маҳ-сус йўллари билан ажралиб туради. Бу йўллар араб классик тил-ларидаги ўзгаришларни тажрибаларга асосланиб кузатиш нати-жасида келиб чиқади. Бу усулнинг асосий белгиси бўлиб, тил-даги ўзгаришлар ва уларнинг тил тизимидағи ўзаро алоқаси хиз-мат қилган. Бундай баҳолаш асосида грамматик категориялар тузилган. Араб классик тилидаги турли ҳолатлар таснифи қи-линган. Намуна сифатида гап бўлаклари категорияси сўзларни от, феъл ва харфларга бўлиниши хизмат қилиши мумкин. Агар бу терминлар Аристотельнинг мантиқ илми билан ҳамкорлик қила олиш деб ҳисбланса, шуни айтиб ўтиш керакки, араб ти-лидаги гап бўлаклари Аристотель китобидаги гап бўлакларидан фарқ қиласи.

***Тест топшириклари:***

1. Россия арабшунос олимларининг номлари тўғри кўрсатилган қаторни топинг.
  - А. А.В. Болдирев, Т. Нельдек, В.Р. Розен.
  - Б. В.Р. Розен, Х.К. Баранов, И.Ю. Крачковский.
  - С. Х.К. Баранов, Н.Я. Марр, А.Д. Швайцер
  - Д. Н.И. Конрад, Т. Постеллус, П.С. Палласа.
2. А.В.Болдирев Парижда кимдан мусулмон шарқи тилларини ўрганди?
  - А. Сильвестр Де Саси
  - Б. А.Д. Швайцер.
  - С. Т. Пустеллус.
  - Д. Н.И. Конрад.
3. В.Р. Розен қайси иши учун олтин медал билан тақдирланди?
  - А. Усмонли Қуръоннинг полеографик тадқиқоти учун.
  - Б. Ал-Бакри ва ибн Фазланга бағишланган тадқиқоти учун
  - С. "Шоҳнома"га бағишланган иншоси учун.
  - Д. Тўғри жавоб йўқ.
4. Қуръони Каримни рус тилига қайси генерал таржима қилган?
  - А. Т.С.Саблуков.
  - Б. И.Ю.Крачковский.
  - С. Д.Н.Богусловский.
  - Д. В.Беляев
5. Арабшунос олим Б.З. Холидов неchanчи йиллардан яшаб ижод этган?
  - А. 1903-1968 й.
  - Б. 1900-1967 й.

С. 1904-1968 й.

Д. 1905-1968 й.

6. "Абдулланома" асарини ўзбек тилига таржима қилган олим ким?

А. Эшонхўжа Муҳаммадхўжаев.

В. Сайдазиз Фаниев.

С. Содик Мирзаев.

Д. Юнус Ҳакимжонов

7. Фандаги ютуқлари учун биринчи бўлиб Бобур номли олтин медал билан ким мукофотланган?

А Содик Мирзаев

В Убайдулла Каримов.

С Юнус Ҳакимжонов.

Д Ҳамидулла Ҳикматуллаев.

8. "Тиб қонунлари" китобининг У. Каримов томонидан қилин-ган таржимаси қачон тўлиқ нашр қилинди?

А. 1953-1961

В 1980-1982

С 1981-1990

Д 1953-1955

9. Тўрт жилдлик "Ҳадис" китоби кимнинг таҳрири остида тайёрланган.

А. У. Каримов.

В. Т. Мухторов.

С. М. Ҳакимжонов

Д. Н. Иброҳимов.

10. Япония Фукусима префектурасининг Ўзбекистондаги фахрий элчиси увони кимга ва қачон берилган?

А. 1993 й. Н. Иброҳимовга.

Б. 1994 й. Н. Иброҳимовга.

С. 1994 й. У. Каримовга.

Д. 1993 йил У. Каримовга.

**Мустақил иш мавзулари:**

1. Институтимиз арабшунос олимлари ҳаётидан.
2. Ўзбекистондаги арабшунослик марказлари.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т. 1999.
2. Абдулазиз Мансур. Куръони Карим. –Т., 2001.
3. Абдусаматов М. Ўзбекистон Шарқшунослари. -Т. 1996.
4. Аловиддин Мансур. Куръони Карим. –Т., 2001.
5. Ахвлемдани В.Г. Арабские языкоznания средних веков в книге «История лингвистических учений». Средневековый Восток. -Л.: Наука. 1981.
6. Бартольд В.В. История изучения Востока в Европе и России. Лекции. Изд.2. -Л., 1925.
7. Белкин В.М. «История становления современного арабского литературного языка». В сборнике статей. Арабская филология. -М., изд. МГУ, 1968.
8. Белова А.Г. История арабского языка. Курс лекции. М.: Военный институт, 1979.
9. Беляев Й.А. Арабы, ислам и Арабский Халифат в ранее средневековье. - М., 1966.
10. Брагинский И.С. Основные веки развития востоковедной науки. В сб. статей, Проблемы востоковедения. -М. 1974.
11. Васильев Л.С. История религии Востока. -М.: Высшая школа, 1983.
12. Гранде Б.М. Курс арабской грамматики в сравнительно-историческом освещении. -М. 1998.
13. Дьяконов И.М. Семито-хамитские языки. -М. 1965.
14. Дьяконов И.М. Языки древней Передней Азии. -М. 1967, 1972.
15. Завадовский Ю.Н. Арабские диалекты Магриба. -М. 1962.
16. Завадовский Ю.Н. Проблемы языка в странах Магриба. В сб. статей: Языковая ситуация в странах Азии и Африки. -М. 1967.
17. Звегинцев В.А. История арабского языкоznания. -М. 1958.
18. Иброҳимов Н.И., Юсупов М. Араб тили грамматикаси. -Т., 1997.
19. Иброҳимов Н.И. Муқаддас китоблар. Шарқ машъали. 1992.
20. Имомхўжаев О. «Араб ёзуви ҳақида рисола». // Шарқшунослик, ТДШИ. 1998.
21. Ирисов.А. Тошкентда арабшунослик. -Т. 1964.
22. Караматов Х. Ўзбек адабиётида Куръон иқтибослари. -Т. 1985.
23. Конрад Н.И. Старое востоковедение и его новые задачи. Статьи. -М. 1972.
24. Крачковский И.Ю. Очерки по истории русской арабистики. Избранные сочинения. Т. У. М. - Л. 1958.
25. Ковалев А.А., Шарбатов Т.Ш. Цебник арабского языка. -М. 1998.
26. Оранский. Введение в Иранскую филологию. -М. 1988.
27. Рождественский Ю.В. Введение в общую филологию. -М. 1979.
28. Семитские языки. Сб. статей. -М. 1963.
29. Семитские языки. Сб. статей. -М. 1965.
30. Современная лингвистика. Теория, проблемы и методы. -М. 1976.

31. Содиков А, А. Абдуазизов, Ирисқулов. Тилшуносликка кириш. -Т. 1981.
32. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. -Т. 1998.
33. Талабов Э. Араб тили. -Т. 1993.
34. Фильшинский И.М. Арабская классическая литература. -М. 1965.
35. Фильшинский И.М. «История арабской литературы». -М. 1965.
36. Фильшинский И.М. Шидфар Б.Я. Очерк арабо-мусульманской культуры. -М. 1971.
37. Холидов Б.З. Академик И.Ю.Крачковский (к 100 летию со дня рождения). Народы Азии и Африки. 1983.
38. Холидов Б.З. Учебник арабского языка. -Т. 1981.
39. Ханна ал-Фахури. История арабской литературы. -М. 1950.
40. Церетели Г.В. Арабские диалекты в Средней Азии. -М. 1954.
41. Шагаль В.З. Языковой аспект национальных процессов в арабских странах. -М. 1987.
42. Шайх Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон Мусҳафининг тарихи. -Т. 1995.
43. Шарбатов Г.Ш. Арабистика СССР (1917-1959) Филология. -М. 1959.
44. Шарбатов Г.Ш. О трехкомпонентной функциональной парадигме арабского языка и статуса арабских региональных обиходно-разговорных языков. В сб. статей: Проблемы арабской культуры. Памяти академика И.Ю.Крачковского. -М. 1987.
45. Шарбатов Г.Ш. Современный арабский язык. -М. 1961.
46. Шарқ Юлдузи. -Т., 1991, №1.
47. Холидов Б.З. Академик И.Ю.Крачковский (к 100 летию со дня рождения). Народы Азии и Африки. 1983.
48. Ҳасанов А.А. «Меккей, Мадина, Верования арабов накануне возникновения ислама». –Т. 1994.
49. Ханна Ал-Фахури. «История арабской литературы». -М. Т.1. 1959.
50. Ҳакимжон М. Ҳатти муаллимий. -Т., 1991.
51. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом жоҳилия асри. -Т., 2001

### ***Тест топшириклари:***

1. "Сахро рицари" унвонига ким сазовор бўлган. У қайси шеъриятнинг вакили эди, асарининг номи қандай"?

- А. Бадавий араб шеъриятининг вакили ал-Мұхаллил. "Басус түяси туфайли содир бўлган жанг" асари.
- В. Бадавий араб шеъриятининг вакили аш-Шанфара. "Саҳро қўшинлари" номли ломия.
- С. Сарой шеърияти вакили ал-Хутайъа.
- Д. Бадавий араб шеъриятининг вакили Имрул Қайс. "Келинг-лар, йиғлайлик" (فَقَا بِكُيْ) асари.
2. Қасиданинг кульминацион қисми қайси қисм ва унда шоир нималарни ёзди?
- А. Мадҳ қисми. Бунда шоир қабила бошлиқлари, саркарда-ларни мадҳ этади.
- В. Фаҳр қисми. Бунда шоир ўзини, урганини, оиласини мақ-тайди.
- С. Васф қисми. Бунда шоир табиат манзараларини, сахро ҳаёти, хайвонот оламини мақтайди.
- Д. Ҳикма қисми. Бунда шоир инсонларнинг одоб-ахлоқи ҳа-қида ўз фикрларини билдиради.
3. Ким Қуръонни хронологик ўрганиб тўртта даврга бўлди? Ушбу даврлар тартиб бўйича ёзилган қаторни кўрсатинг.
- А. Немис олими Нельдек. 1-Мадина даври, 2-Пайғамбарлик даври, 3-Эхсонтологик давр, 4-Раҳмон даври.
- В. Немис олими Нельдек. 1-Эхсонтология, 2-Раҳмон, 3-Пай-ғамбарлик, 4-Мадина.
- С. Рус олими Крачковский. 1-Раҳмон, 2-Пайғамбарлик, 3-Эх-сонтологик, 4-Мадина.
- Д. Барча жавоблар тўғри.
4. Классик ва замонавий араб адабий тили хом-сом тилларининг қайси тармоғи ва қайси гурухига киради?
- А. Кушит тармоғининг марказий гурухига.
- В. Сомий тармоғининг жанубий чет ёки жанубий-гарбий гу-рухига.
- С. Кушит тармоғининг шимолий чет ёки шимолий-шарқий гурухига.
- Д. Сомий тармоғининг жанубий чет ёки жанубий-марказий гурухига
5. Араб ёзуви қачон пайдо бўлган?
- А. Эрамизнинг I аслида.
- В. Эрамизнинг X аслида.
- С. Эрамизнинг IV аслида.
- Д. Эрамизнинг V аслида.
6. Қуръон сураларини неча даврга бўламиз?
- А. 5 та
- В. 4 та
- С. 3 та

Д. 2 та

7. Араб тили тарихан неча катта даврга бўлинади?

А. 2 та

Б. 3 та

С. 4 та

Д. 5 та

8. Араб ёзуви қачон, кимлар таъсири остида пайдо бўлган?

А. Эрамиздан аввалги V асрда шимолда яшовчи араблар таъ-сирида.

В. Эрамиздан аввалги III асрда жанубда яшовчи араблар таъ-сирида

С. Эрамизнинг IV асрида шимолда яшовчи араблар таъсирида

Д. Эрамизнинг IV асрида жанубда яшовчи араблар таъсирида.

9. Араб ёзувининг дастлабки намунаси ҳозир қаерда сақлан-моқда?

А. Францияда

Б. Англияда

С. Мисрда

Д. Саудия Арабистонида

10. IX асрда Куфа хатини насх хати билан алмаштиришга фармон берган вазир ким?

А. Мухамад ибн Муқла.

Б. Амр ибн Кулсум.

С. Ал-харис ибн Хиллиза

Д. Имрул Қайс.

11. Нечта катта Мусҳаф яратилган?

А. 2 та

Б. 4 та

С. 7 та

Д. 3 та

12. Калмаков Қуръонни инглизчадан русчага қачон таржима қилган?

А. 1716 й

Б. 1772 й

С. 1798 й.

Д. 1780 й.

13. Химёрийлар давлати эрамизнинг неchanчи йилигача ҳукм-ронлик қилди ва бу давлатда қайси династия ҳукмрон эди?

А. Эрамизнинг 625 йилигача. Мунзирийлар династияси.

Б. Эрамизнинг 586 йилигача. Туббаъ династияси.

С. Эрамизнинг 525 йилигача. Тубба династияси.

Д. Эрамизнинг 500 йилигача. Мунзирийлар династияси.

14. Қуръони Карим ким томонидан ўзбекчага таржима қилинди?

А. Аловиддин Мансур.

Б. Ҳасан Басрий.

С. Абул Али ар-Риёхий.  
Д. Алихон Тўра Соғуний.

15. Биринчи араб ёзувини ёзган киши ким?
- А. Зайб ибн Хаммон.
  - В. Абул Асвад ад-Дувалий.
  - С. Хажжож ибн Юсуф.
  - Д. Наср ибн Осим.
16. 1878 йилда ким Куръони Каримни русчага таржима қилди?
- А. Саблуков.
  - В. Богословский.
  - С. Калмаков
  - Д. Крачковский.
17. Араб шеъриятида арузнинг нечта вазни мавжуд?
- А. 16 та
  - В. 15 та
  - С. 12 та
  - Д. 10 та
18. Ким кимнинг маъruzalарини тўплаб араб наҳвига асос солди?
- А. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад Сибавейҳийнинг маъruzalарини
  - Б. Сибавейҳий ал-Ҳалилнинг маъruzalарини
  - С. Ал-Ҳалил аз-Замахшарийнинг маъruzalарини
  - Д. Сибавейҳий Ҳорун ар-Рашиднинг маъruzalарини
19. Халифаликда қайси даврда луғатчилик мактабларига асос солинди?
- А. VII асрнинг охири VIII асрнинг бошларида
  - Б. VI асрнинг охири VII асрнинг бошларида
  - С. VII асрда
  - Д. VIII асрда
20. Сибавейҳийнинг асарларини қўрсатинг:
- А. "Одоб"
  - Б. "Ал-муфассал"
  - С. "Ал-кашшоф"
  - Д. "Ал-китаб"
21. "Ал-Кашшоф" асари кимнинг қаламига мансуб?
- А. Сибавейҳий
  - Б. Аз-Замахшарий
  - С. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад
  - Д. Камолиддин ал-Жавҳарий
22. Хом-сом тилларида сўзлашувчи халқларнинг йўналиш тармоқ-лари нечта?
- А. 3 та
  - Б. 5 та
  - С. 2 та
  - Д. 6 та

23. Шимолий қисмга қайси тармоқлар киради?
- А. Миср, кушит, чад, барбар-ливия
  - Б. Кушит, чад
  - С. Миср, сомий, кушит
  - Д. Миср, барбар-ливия, сомий
24. Жанубий қисмга қайси тармоқлар киради?
- А. Кушит, чад
  - Б. Сомий, кушит, чад
  - С. Миср, барбар-ливия, сомий
  - Д. Сомий, миср, чад
25. Хом-сом тиллари оиласини ўрганиш қайси йили ва ким томони-дан фанга киритилди?
- А. Крамер, 1871
  - Б. Коэн, 1781
  - С. Шлёцер, 1781
  - Д. Фюллер, 1789
26. Сомий тармоғи неча гурухга бўлинади?
- А. 2 та
  - Б. 3 та
  - С. 4 та
  - Д. 5 та
27. Чад тармоғига киравчи машҳур ягона тил қайси?
- А. Қадимги классик ва ҳозирги араб адабий тили
  - Б. Чад тили
  - С. Аккад тили
  - Д. Хаос тили
28. Хом-сом тилларида қанча аҳоли сўзлашади?
- А. 160 млн.
  - Б. 230 млн.
  - С. 250 млн.
  - Д. 200 млн.
29. Филология ўз ичига қандай фанларни олади?
- А. Матншунослик, диншунослик, адабиётшунослик.
  - Б. Тилшунослик, матншунослик, диншунослик.
  - С. Адабиётшунослик, матншунослик, тилшунослик.
  - Д. Санъатшунослик, адабиётшунослик, матншунослик.
30. Филология сўзининг грекча таржимасини кўрсатинг.

- А. "фило" - тил, "логия" - муҳаббат.  
Б. "фило" - сўз, "логия" - фан.  
В. "фило" - севаман, "логос" - сўз.  
Д. "фило" - севги, "логос" - фан.
31. Филология шарқда ва ғарбда қайси пайдо бўлди?  
А. Аввал шарқда, сўнг ғарбда.  
Б. Шарқда ва ғарбда бир хил пайтда.  
С. Аввал ғарбда, сўнг шарқда.  
Д. Тўғри жавоб йўқ.
32. Эллинизм даври қайси вақт оралигини ўз ичига олади?  
А. Эр.ав. VII асрдан эр. III асргача.  
Б. Эр.ав. III асрдан эр. VII асргача.  
С. Эр.ав. I асрдан эр. VIII асргача.  
Д. Эр.ав. III асрдан эр. IV асргача.
33. Биринчи марта ким кимни "филолог" деб атаган?  
А. Суқрот Сибавейхийни  
Б. Сибавейхий ал-Ҳалил ибн Аҳмадни  
С. Суқрот Арастуни  
Д. Арасту Суқротни
34. Маданиятнинг ривожланишида тилнинг учта ҳолатини ўрга-ниш асосий вазифа ҳисобланган. Биринчисини кўрсатинг:  
А. Шахсий бўлмаган лингвистика тарихи  
Б. Тилинг ички тузилиши  
С. Тилнинг тархий ўзгариш ҳолати  
Д. Тўғри жавоб йўқ.
35. Эпиграфика халқ ижодиётининг қандай турига мансуб?  
А. Оғзаки ижодиёт тури. Тангалардаги ёзувни ўрганади.  
Б. Ёзма ижодиёт тури. Тери, папирус ва дарахт пўстлоқлари-даги ёзувларни ўрганади.  
С. Ёзма ижодиёт тури. Қаттиқ нарсалар, яъни ғор деворлари-га, тошларга ёзилган ёзувларни ўрганади.  
Д. Оғзаки ижодиёт тури. Муҳрлар, штампларни ўрганади.
36. "Арабий" деб ном олган маданият дунёнинг қайси чеккаларида юксалди ва қачон?  
А. VII асрнинг биринчи 10 йиллигига ёпиқ Арабистон ярим оролида.  
Б. VII аср ўрталарида фақат Европа мамлакатларида.  
С. VII асрнинг охирида Марказий Осиёда.  
Д. VII асрнинг биринчи 10 йиллигига Марказий Осиё, Африканинг шимолида ва Жанубий Европанинг баъзи жойларида.
37. VII асрнинг охирида араб тили ривожланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшган халифа ким?

- А. Ҳорун ар-Рашид
- Б. Абдул Малик
- С. Ал-Ҳалил ибн Аҳмад
- Д. Ал-Мансур

38. Шарқ тилларини ўрганиш неchanчи йилдан бошланди?

- А. 1438
- Б. 1535
- С. 1538
- Д. 1568

39. Араб давлатларида қайси тил давлат тили ҳисобланади?

- А. Классик араб тили.
- В. Кундалик араб тили
- С. Лахжалар.
- Д. Замонавий араб тили

40. Замонавий араб тили қачон пайдо бўлган?

- А. XX аср бошларида.
- Б. XVIII аср охирида.
- С. XIX асрнинг иккинчи ярмида.
- Д. XX аср охирида.

41. Қуръони Карим араб тилининг истеъмолда мавжуд бўлган қайси шаклида ёзилган?

- А. Лаҳжа шаклида.
- Б. Классик араб тилида.
- С. Кундалик сўзлашув тилида.
- Д. Замонавий араб тилида.

42. "اللغة الوسطى" ёки "عربات المثقفين" деб аталувчи тилни кўрсатинг.

- А. Замонавий араб тили.
- Б. Лаҳжалар.
- С. Классик араб тили.
- Д. Кундалик сўзлашув тили.

43. Араб давлатларидаги тилнинг типологик ўхшашлигини кўрсатиб ўтган олим ким?

- А. И.Фюк.
- Б. В.Э Шагаль
- С. Д. Коэн.
- Д. Аҳмад Шавқий

44. "Араблаштириш" ҳаракати неchanчи йилларда авж олди.

- А. 1990 йилларда
- Б. 1970-1980 йилларда.

- С. 1995 йилларда.  
Д. 1985 йилларда
45. МАР нинг қайси президенти ҳукмронлик қилган йилларда араб мамлакатларининг бирлашиш сиёсати йўлида кураш олиб борилди?  
А. Анвар Саадат.  
В. Хусни Муборак.  
С. Жамол Абду-н-Носир  
Д. Тўғри жавоб йўқ.
46. "Араблаштириш"ни амалга оширишдаги йўналишларини кўрсатинг.  
А. Анъанавийлик.  
В. Бадиийлик ва замонавийлик.  
С. Замонавийлик ва қадимийлик.  
Д. Анъанавийлик ва замонавийлик.
47. "Замонавийлик - миллий маданиятдаги анъана" деб аталувчи мақола кимнинг қаламига мансуб?  
А. Эҳсон Аббос.  
В. Аҳмад Шавқий.  
С. Ҳофиз Иброҳим  
Д. Бутрус Ғолий
48. "Араб тили шундай бир тилки, биз у тилсиз шарқ маданиятини, ўтмишини ва шарқ халқларининг урф-одатларини ҳеч қачон ва ҳеч қайси тил воситасида ўргана олмаймиз". Ушбу фикрни ким айтган?  
А. Бутрус Ғолий.  
В. Аҳмад Шавқий.  
С. Эҳсон Аббос.  
Д. Ҳофиз Иброҳим
49. Россия арабшунос олимларининг номлари тўғри кўрсатилган қаторни топинг.
- А. А.В. Болдирев, Т. Нельдек, В.Р. Розен.  
Б. В.Р. Розен, Х.К. Баранов, И.Ю. Крачковский.  
С. Х.К. Баранов, Н.Я. Марр, А.Д. Швайцер  
Д. Н.И. Конрад, Т. Постеллус, П.С. Палласа.
50. А.В. Болдирев парижда кимдан мусулмон шарқи тилларини ўрганди?  
А. Сильвестр Де Саси  
В. А.Д. Швайцер.  
С. Т.Пустеллус.  
Д. Н.И.Конрад.
51. В.Р. Розен қайси иши учун олтин медал билан тақдирланди?  
А. Усмонли Қуръоннинг полеографик тадқиқоти учун.  
В. Ал-Бакри ва ибн Фазланга бағишланган тадқиқоти учун  
С. "Шоҳнома"га бағишланган иншоси учун.

Д. Тўғри жавоб йўқ.

52. Қуръони Каримни рус тилига қайси генерал таржима қилган?
- А. Т.С. Саблуков.
  - В. И.Ю. Крачковский.
  - С. Д.Н. Богусловский.
  - Д. В. Беляев
53. Арабшунос олим Б.З. Холидов неchanчи йиллардан яшаб ижод этган?
- А. 1903-1968 й.
  - Б. 1900-1967 й.
  - С. 1904-1968 й.
  - Д. 1905-1968 й.
54. "Абдулланома" асарини ўзбек тилига таржима қилган олим ким?
- А. Эшонхўжа Мухаммадхўжаев.
  - В. Сайдазиз Ғаниев.
  - С. Содик Мирзаев.
  - Д. Юнус Ҳакимжонов
55. Фандаги ютуқлари учун биринчи бўлиб Бобур номли олтин медал билан ким мукофотланган?
- А. Содик Мирзаев
  - В. Убайдулла Каримов.
  - С. Юнус Ҳакимжонов.
  - Д. Ҳамидулла Ҳикматуллаев.
56. "Тиб қонунлари" китобининг У.Каримов томонидан қилинган таржимаси қачон тўлиқ нашр қилинди?
- А. 1953-1961
  - В 1980-1982
  - С 1981-1990
  - Д 1953-1955
57. Тўрт жилдлик "Хадис" китоби кимнинг тахрири остида тайёрланган.
- А. У. Каримов
  - Б. Т. Мухторов
  - С. М. Ҳакимжонов
  - Д. Н. Иброҳимов
58. Япония Фукусима префектурасининг Ўзбекистондаги фахрий элчиси увони кимга ва қачон берилган?
- А. 1993 й. Н. Иброҳимовга
  - Б. 1994 й. Н. Иброҳимовга
  - С. 1994 й. У. Каримовга
  - Д. 1993 йил У. Каримовга